41. Birinchi chorakda 211,2 milliard so'm miqdorida byudjet mablg'i kamomadi va asossiz harajatlar aniqlandi [In the first quarter, there was a budget deficit of 211.2 billion soums and unreasonable expenditures]. Available at: <https://www.uza.uz/> (accessed 24.04.2021).

42. O'zbekiston Respublikasi Hisob palatasi tomonidan davlat byudjetini shakllantirish va izhro etish yuzasidan hulosalarini e'lon qilish orqali jamoatchilik nazoratini amalga oshirish [Exercising public control by the Accounts Chamber of the Republic of Uzbekistan by publishing its conclusions on the formation and execution of the state budget]. Available at: <http://ach.gov.uz/uz/lists/view/66/> (accessed 24.04.2021).

43. Norboeva T. Byudjet biz uchun eng muhim masala, talon-torajliklarga chek quyish kerak. Norgul Abduraimova, O'zA [The budget is the most important issue for us, we need to put an end to looting. Norgul Abduraimova, UzA]. Available at: <https://uza.uz/uz/> (accessed 24.04.2021).

44. Giao Cong Vu Control of public official's assets and incomes in Vietnam. Jindal Global Law Review, 2018, vol. 9, pp. 75-92.

45. Razhabov O. Talon-torajlik vasvasasi yohud davlat byudjeti mablag'larini noqonuniy o'zlashtirayotgan amaldorlar osmondan tushganmi? [Did the temptation of looting or the misappropriation of state budget funds come down from heaven?]. Available at: <https://uzlidep.uz/news-of-party/7622/> (accessed 12.11.2020).

46. Talapina Je.V. Pravo i cifrovizaciya: novye vyzovy i perspektivy. Gosudarstvo i pravo v sovremennom mire: problemy teorii i istorii [Law and digitalization: new challenges and perspectives. State and law in the modern world: problems of theory and history]. Zhurnal rossijskogo prava – Journal of Russian Law, 2018, no 2, pp. 6-8.

UDC: 336.225.6

ORCID: 0000-0002-3924-5182

## СОЛИҚ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ СОЛИҚ ИНТИЗОМИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ

**Эргашев Икром Абдурасулович,**  
Тошкент давлат юридик  
университети мустақил изланувчиси,  
доцент, юридик фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD);  
e-mail: ikromabdurasulovich@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақолада солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ интизомини такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш ҳамда солиқ муносабатлари тизимида солиқ маданиятини юксалтириш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганлиги асосланган. Солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ маданиятини шакллантириш ҳамда барча солиқ тўловчилар учун бирдек адолатли, шаффоф солиқ тизимини яратиш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, солиқ солиш соҳасида қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли тизимли ишлар таҳлил қилинган. Солиқ субъектлари томонидан солиқ интизомига риоя этишни таъминлаш, улар ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг янги самарали механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга эканлигининг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Солиқ интизомини такомиллаштириш, солиқ маданиятини янада юксалтириш мақсадида қоғозсиз ҳужжат алмашинувида такомиллаштириш ва давлат солиқ хизмати органлари ҳамда солиқ тўловчилар ўртасида ишларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш борасидаги вазифаларни ҳал қилиш муҳим эканлиги таҳлил этилган. Ўзбекистонда солиқ интизомини таъминлашнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган ҳолда, унинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** солиқ тўловчи, солиқ интизоми, солиқ маданияти, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ тизими, бюджет, мажбурият, солиқлар турлари, солиқ концепцияси, мажбурий тўловлар.

### ПОВЫШЕНИЕ НАЛОГОВОЙ КУЛЬТУРЫ КАК ВАЖНЫЙ ЭЛЕМЕНТ НАЛОГОВОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

**Эргашев Икром Абдурасулович,**  
доктор философских наук (PhD), доцент,  
независимый соискатель  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В настоящей статье рассмотрены вопросы правового регулирования системы налогообложения, ее упрощения, совершенствования налоговой дисциплины и повышения



инвестиционной привлекательности, которые приобретают все более глобальный и актуальный характер. Проанализирована проводимая масштабная системная работа касательно укрепления налоговой дисциплины, формирования налоговой культуры, создания справедливой, прозрачной налоговой системы для всех налогоплательщиков и приведения ее в соответствие с международными стандартами, упрощения налогового администрирования, устранения противоречий и несоответствий в законодательстве в области налогообложения, усиления защиты прав и законных интересов честных налогоплательщиков. Исследованы теоретические и практические аспекты важности правового регулирования вопросов, связанных с разработкой новых эффективных механизмов обеспечения соблюдения налоговой дисциплины со стороны налоговых субъектов, а также вопросов отношений, возникающих между ними. Была отмечена важность совершенствования налоговой дисциплины, дальнейшего повышения налоговой культуры в целях внедрения безбумажного документооборота, решения задач по разработке и внедрению в практику программных продуктов, направленных на повышение эффективности взаимоотношений между государственной налоговой службой и налогоплательщиками. Исследование основных направлений обеспечения налоговой дисциплины в Узбекистане позволило разработать предложения по совершенствованию законодательной базы.

**Ключевые слова:** налогоплательщик, налоговая дисциплина, налоговая культура, налоговое администрирование, налоговая система, бюджет, обязательство, виды налогов, налоговая концепция, обязательные платежи.

## INCREASING TAX CULTURE AS AN IMPORTANT ELEMENT OF TAX DISCIPLINE

**Ergashev Ikrom Abdurasulovich,**

Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor,  
Independent Researcher  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article covers the issues of legal regulations of taxation system, its simplification, improvement of tax discipline and increase of investment attractiveness, which acquire more and more global and topical character. The article analyzes the ongoing large-scale systemic work on strengthening tax discipline, forming a tax culture, creating a fair, transparent tax system for all taxpayers and bringing it in line with international standards, simplifying tax administration, eliminating contradictions and inconsistencies in tax legislation, strengthening the protection of the rights and legitimate interests of honest taxpayers. Moreover, there were studied the theoretical and practical aspects of the importance of legal regulation of issues related to the development of new effective mechanisms for ensuring compliance with tax discipline on the part of tax entities, as well as issues of relations arising between them. In addition, this research paper emphasizes the importance of improving tax discipline, further enhancement of the tax culture in order to introduce paperless document management, and solving problems of development and implementation of software products aimed at improving the efficiency of relations between the state tax service and taxpayers. By analyzing the main directions of ensuring tax discipline in Uzbekistan, proposals for improving the legislative framework were developed.

**Keywords:** taxpayer, tax discipline, tax culture, tax administration, tax system, budget, obligation, types of taxes, tax concept, mandatory payments.

### Кириш

Солиқ сиёсатининг мазмун-моҳияти, мақсади, амал қилиш шакли ва воситалари ҳар бир фуқарони қизиқтирар экан, солиқ саводхонлиги ва қонунчилиги бўйича улар-

да ёшлиқдан кўникма ҳосил қилиб бориш солиқ тарғиботидаги энг яхши самарали мақбул усуллардан бири ҳисобланади.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳуқуқий интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда



солиқ интизоми масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шунини қайд этиш лозимки, солиқ тўловчиларда солиқлар ва йиғимларни ихтиёрийлик тамойили кўникмаси шакллансагина, солиқ ва йиғимлар бўйича тўловларни амалга ошириш сезиларли даражада ошади.

Умуман олганда, фуқароларнинг солиқ интизоми солиқ маданиятининг муҳим элементи ва аҳолининг солиқ саводхонлиги даражасини кўрсатадиган асосий индикаторлардан бири ҳисобланади.

Солиқ маданиятининг энг муҳим элементи солиқ интизоми бўлиб, солиқларни тўлаш ва солиқ мажбуриятларини қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш бўйича солиқ органлари ўзаро муносабатларининг турли вазиятларини ҳисобга олган ҳолда, солиқ тўловчининг бюджетлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ахлоқий ва молиявий қобилиятлари ҳамда имкониятларини мунтазам равишда тайёрлаш, ривожлантириш ва назорат қилишдир.

Солиқ интизоми солиқ маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, фуқароларнинг бюджетга қонун билан белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбуриятларига муносабатини кўрсатади.

Фикримизча, солиқ интизомини солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилигининг комплекс бажарилиши деб тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги белгиланган.

Солиқ тўловчиларга айнан конституциявий бурчларини тўғри тушунтириш ва улар томонидан тўланадиган солиқлар ҳамда йиғимлар сарфланиши бўйича маълумотлар очик ва шаффоф ҳолда етказилиши солиқ маданиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Давлат бюджетига тўланаётган солиқ ва йиғимлар қандай мақсадлар учун сарф-

ланаётгани ҳар бир солиқ тўловчига аниқ рақамлар асосида тушунтириб борилсагина солиқ ва йиғимлар бўйича тўловларни амалга оширишда ихтиёрийлик тамойили сезиларли даражада ошади.

Шу жиҳатдан, мамлакат ривожини, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, ислохотлар самарадорлигига эришишда солиқ ва йиғимлар сарфланиши тўғрисидаги маълумотларнинг очик ва шаффофлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири саналади.

Солиқ маданияти фуқароларнинг солиқларни тўлаш давлат ва жамият учун муҳимлигини тушуниши ва уларни тўлаш бўйича уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билишдан иборатдир. Содда қилиб айтганда, солиқ тўловчи давлат ўз вазифаларини бажариши учун солиқ ва йиғимлар тушумлари керакли эканлигини билиши керак.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ҳозирги ривожланиши жамиятда солиқ маданияти шаклланиш босқичида, чунки унинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган бир қатор омиллар мавжуд.

Биринчидан, давлат бюджетига тўланаётган солиқ ва йиғимлар қандай мақсадлар учун сарфланаётгани ҳар бир солиқ тўловчига аниқ рақамлар асосида тақдим этиш бориш амалиёти жорий этилмапти.

Иккинчидан, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари етарли даражада амалга оширилмапти.

Учинчидан, солиққа оид ҳуқуқий муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, солиқ солишининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш бўйича ишлар етарли даражада самара бермапти.

Тўртинчидан, давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норма ва қоидаларини солиқ тўловчиларга тушун-

тириш бўйича самарали ишлар ташкил этилмаяпти.

### **Материаллар ва методлар**

Мазкур мақолада солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ маданиятини шакллантириш ҳамда барча солиқ тўловчилар учун бирдек адолатли, шаффоф солиқ тизимини яратиш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, солиқ солиш соҳасида қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли тизимли ишлар таҳлил қилинган. Солиқ субъектлари томонидан солиқ интизомига риоя этишни таъминлаш, улар ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг янги самарали механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятли эканлигининг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Солиқ интизомини такомиллаштириш, солиқ маданиятини янада юксалтириш мақсадида қоғозсиз ҳужжат алмашинувида такомиллаштириш ва давлат солиқ хизмати органлари ҳамда солиқ тўловчилар ўртасида ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш борасидаги вазифаларни ҳал қилиш муҳим эканлиги таҳлил этилган.

### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

Солиқ интизоми таксономияси (A Taxonomy of the Tax Compliance) назарияси вакили Maryann Richardson and Adrian Sawyerларнинг фикрига кўра, солиқ интизомига таъсир қилувчи бир қанча омиллар, хусусан: ёш, жинс, таълим, даромад даражаси, даромад манбаи, касб, тенгдошнинг таъсири, одоб, адолат, солиқ қонунчилигининг мураккаблиги, солиқ органларининг муносабати, санкция, текширишнинг

эҳтимолийлиги, солиқ ставкалари, солиқ интизомининг нархи ва бошқа ҳолатлар таъсир қилишини таъкидлайди [1].

Шу ўринда қайд этиш лозимки, солиқ маданияти тушунчаси ҳам солиқ тўловчилар, ҳам солиқ органлари фаолиятини қамраб олади. Бундан ташқари, ушбу фаолиятни биргаликда кўриб чиқиш талаб этилади.

Солиқ маданияти – бу давлат солиқ тизимининг ўзини намоён қилиши ва ўзини ўзи билиш шаклларида намоён бўладиган инсон фаолияти.

Солиқ маданияти – бу солиқ тўловчиларнинг солиқ фаолиятининг барқарор шакллари мажмуи, уларсиз уни қайта тиклаш мумкин эмас, шунинг учун ҳам мавжуд бўлмайди.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятини янада ошириш, солиқ тўловчиларнинг билим савиясини юксалтириш, пировард натижада эса солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ихтиёрий равишда тўлашга асос бўлиб хизмат қилади.

М.В. Лук'яненконинг фикрига кўра, солиқ интизоми бу солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини қабул қилиш ва уларни расмийлаштириш бўйича ўзаро таъсирини мувофиқлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, солиқ тўловчининг бюджетлар олдидаги солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича хулқ-атвор, ахлоқий ва молиявий қобилиятлари ҳамда имкониятларини мунтазам равишда шакллантириш, ривожлантириш ва назорат қилишдир [2].

Солиқ маданиятини қонунлар билан белгиланган муддатларда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши деб тушуниш лозим [3].

Солиқ тўловчиларнинг хатти-ҳаракатлари солиқ мажбуриятларини бажаришнинг юқори эмаслиги билан боғлиқ ва шунинг учун жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишни таъминлаш мушкул. Солиқ маданияти да-

ражасини ошириш, хусусан, интизом, кўп қиррали талаблар билан жуда қийин вазифадир. Бунинг учун, аввало, солиқ мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ва кузатиб бориш бўйича яхши ташкил этилган хизмат, яъни солиқ маъмуриятининг юқори даражада ташкил этилган тизими зарур.

Powerful authority and trustful taxpayers (Кучли ҳокимият ва ишонувчан солиқ тўловчилар) назарияси вакиллари Katharina Gangl, Eva Hofmann, Barbara Hartl ва Mihály Berkicsларнинг фикрига кўра, солиқ органи солиқ тушуми ва интизомини таъминлаш учун иккита ёндашувдан фойдаланади, биринчиси – ҳокимият ёндашуви ва иккинчиси – ишонч ёндашуви. Ҳокимият ёндашуви (бошқарув, назорат ва ушлаб туриш деб ҳам деб аталади) доимий солиқ текшируви ва солиқдан бўйин товлаш ҳолатларида оғир жарималар тайинлашга асосланади. Ишонч ёндашуви эса шаффофлик, адолатли жараён ва солиқ тўлаш ижтимоий бурч эканлигига ишонтаришда ифодаланишини таъкидлашади [4].

Солиқ инспекциялари фаолияти ва уларни амалга ошириш воситалари солиқ тўловчиларнинг хулқ-атвор хусусиятларига кучли таъсир кўрсатади, шунингдек, улар томонидан солиқ инспекцияларига маълум босим ўтказилади. Шунинг учун бу жараён ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг бирон-бир қисми бўлмаса, мавжудлиги имконсиз бўлиб туюлади. Шу билан бирга, шуни тушуниш керакки, бундай босимнинг умумий маданият чегараларидан чиқиб кетиши низоли вазиятларга олиб келади.

Crime and Punishment: An Economic Approach (Иқтисодий ёндашув) назарияси вакили Gary S. Becker фикрига кўра, рационал солиқ тўловчининг асосий мақсади молиявий маблағларини кўпайтириш ҳисобланади. Шу сабабли текшириш хавфи ва жазони ҳисоблаб кўриб, солиқ ҳуқуқ-

бузарлигидан доимий даромад олишга интилади. Шу сабабли солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтириш ва солиқ тушумини оширишнинг энг маъқул усули солиқ текширувларининг юқори эҳтимоллиги ва аниқланган ҳуқуқбузарлик учун юқори жарималар эканлигини таъкидлайди. Соддароқ айтганда, солиқ текшируви ва жарималар солиқ интизоми ва бюджет тушумини кафолатлашини қайд этади [5].

Аҳолининг солиқ интизомини такомиллаштиришнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги солиқ тўловчилар билан ишлашнинг янги ва замонавий ёндашувларини тақозо этади. Солиқ инспекторлари ва маслаҳатчилари учун тарғибот ишлари солиқ тўловчиларга керакли маълумотларни тақдим этишда энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Солиқ интизомининг ушбу даражасига фақат солиқ тўловчилар ва давлат ўртасида тескари алоқа мавжуд бўлганда эришиш мумкин.

Slippery Slope Framework (сирпанчиқ қиялик модели) назарияси вакиллари Erich Kirchler, Erik Hoelzl, Ingrid Wahlларнинг таъкидлашича, солиқ интизоми солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатга боғлиқлиги, агар улар ўртасида “полиция ва ўғри” муносабати бўлса, солиқчилар солиқ тўловчиларни доим “ўғри” сифатида солиқ тўлашдан бўйин товлаши ва текшириб туриш лозим деб ҳисоблайди. Солиқ тўловчилар эса солиқ органлари (полиция) томонидан доим таъқиб остида эканлиги учун яширинишга ҳаракат қилади. Ушбу ҳолатда тарафлар ўртасида ҳурмат ёки ижобий муносабат бўлмайди, аксинча, солиқ тўловчи “рационал ўлчов”, яъни солиқдан бўйин товлашнинг даромади ва харажатларини ўлчаб кўриш принципида ишлайди. Мазкур назария вакиллари солиқ органлари ва солиқ тўловчилар “хизмат ва мижоз” принципида ишлаши лозимлиги, солиқ органи солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиши, натижада солиқ

тўловчилар солиқ тизимининг адолатли ишлаётганлиги ва ишонганлиги сабабли ихтиёрий солиқларни тўлашга ўтишини таъкидлайди. Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий тўлаш принципи харажатли бўлган солиқ текширувларини камайтириши ҳамда “текширувчиларни текшириш” каби ортиқча харажатлардан воз кечишга олиб келишини таъкидлашди [6].

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, Давлат солиқ хизматига илк маротаба ишга қираётган шахсларни махсус амалиётга ихтисослаштирилган курсларда ўқитиш, уларнинг давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ каби фундаментал билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу эса натижада солиқ интизомини тўғри ташкил этишга имкон беради.

Legislating Morality (The Effects Of Tax Law Complexity On Taxpayers' Attitudes) (Солиқ қонунчилиги мураккаблигининг солиқ тўловчилар муносабатига таъсири) назарияси вакили David A. Nugentнинг фикрларига кўра, солиқ интизомига солиқ тўғрисидаги қонунчиликнинг мураккаблиги тўғридан-тўғри таъсир қилади. Аниқроғи, солиқ тўғрисидаги қонунчилик, хусусан, солиқ текширувлари қанчалик мураккаб бўлса, солиқ тўловчиларда солиқ интизомига риоя қилмаслик тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келиши ва шунчалик солиқ одоби бузилишига сабаб бўлишини таъкидлайди. Солиқ тизими ва солиқ текширувлари тўғрисидаги қонунчиликнинг мураккаблиги, ўз навбатида, солиқдан бўйин товлаш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаларга олиб келади [7]. Шу сабабли солиқ интизомини таъминлашда солиқ қонунчилиги аниқ ва соддароқ бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Мазкур ҳолатни ўтказилган сўровнома натижалари ҳам тасдиқлайди. Жумла-

дан, Давлат солиқ қўмитаси тизимидаги ходимларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларини тўғри қўллашда қайси жиҳатлар халақит беради, деган саволга респондентларнинг 25 % Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг кўпчилик ҳолатларда ноаниқлиги, 44 % юридик нормаларни талқин қилиш ёки шарҳлаш кўникмасининг етарли эмаслиги, 30 % юридик маълумот бўйича таълимнинг мавжуд эмаслиги деб қайд этганлар<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, ушбу масала амалиётчилар орасида ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда солиқ интизомини яхшилаш учун кўплаб солиқ тўловчилар солиқ маслаҳатчиларига мурожаат қилмоқда. Сўнгги йилларда солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар ўртасида воситачилар, яъни солиқ маслаҳатчилари зарурлигини солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва солиқлар ва йиғимлар соҳасидаги янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳамда мазкур тизимдаги ривожланиш тенденциялари билан изоҳлаш мумкин.

Ривожланган ҳозирги асрда замонавий бозорни консалтинг хизматсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бошқа кўплаб касблар сингари консалтинг фаолияти ҳам дифференциацияси ва билимлар ихтисослашувининг умумий тенденциялари туфайли алоҳида фаолият йўналиши сифатида вужудга келди.

Ушбу консалтинг хизматларидан бири бусолиқмаслаҳатидир. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати тўғрисида”-ги қонунига кўра, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолияти солиқ маслаҳати ҳисобланади. Солиқ маслаҳатчилари солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлашда, керакли ҳужжатларни тўлдиришда ва солиқ харажатларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг 2019 йил 23 октябрдаги 01-584-сон хати.



оптималлаштиришда солиқ тўловчиларга ёрдам беради ва натижада солиқ интизомини таъминлашга эришилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, солиқ маслаҳатчилари хизматларидан фойдаланиш бўйича эҳтиёжларини таққослаш мумкин. Масалан, Европа ва АҚШда солиқ хизматларининг 10 ходими учун 11 та солиқ маслаҳатчиси, Австралияда эса ҳар 18 млн кишига 18000 солиқ хизмати ходими ва 21000 солиқ маслаҳатчиси тўғри келади [8].

Солиқ маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мамлакат солиқ сиёсати-га самарали таъсир кўрсатадиган, давлат ва жамиятнинг ўзаро алоқасини кўрсатиб берадиган мезонлардан бири ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, солиқ интизомини таъминлаш давлат солиқ органлари томонидан тушунтиришларга ҳам боғлиқ эканлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ бугунги кунда давлат солиқ органлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ соҳасидаги нормаларни қўллаш бўйича бераётган тушунтиришлари умумий характер касб этиб, қўйилган саволларни тушунишда қийинчилик мавжуд бўлган нормани қўллаш бўйича аниқ тушунтириш эмас, балки уларни қонун нормасидан олиб, шу ҳолда талқин қилмаган ҳолда му-рожаатчига бериш амалиёти кенг тарқалган. Яна бир ҳолат: бир давлат солиқ органи томонидан айнан бир солиқ нормасини қўллаш бўйича берган тушунтириш бошқа давлат солиқ органи талқинига мос келмайди.

Сўровнома натижаларига кўра, янги солиқ солиш тизимига ўтиш шароитида соҳада юзага келаётган ноаниқликлар, тушунмовчиликлар ёки ҳуқуқий тартибга солинмаган масалалар бўйича солиқ ва бошқа мутасадди идораларнинг тезкор қарорлар қабул қилиш ва тушунтиришлар

бериш каби механизмларини самарали деб ўйлайсизми, деган саволга респондентларнинг 60 % ҳа, 40 % йўқ деб жавоб берган<sup>2</sup>.

Солиқ субъектлари, яъни солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва ваколатли органлар ўртасидаги юзага келадиган солиқ муносабатларида солиқларни тўлашнинг аниқлиги ва соддалиги, давлат томонидан сарфланадиган бюджет маблағларининг шаффофлиги, уларнинг самарадорлигига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Бу эса келажакда солиқ қонунчилигига риоя қиладиган, солиқ тўловларини ўз вақтида ва ўз вақтидан олдин тўлашни режалаштирадиган солиқ тўловчилар сонини ошириб боришга замин яратади.

#### Хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, солиқ маданиятини шакллантириш тарғиботи ёш авлодга қаратилган бўлиши ва солиқлар зарурияти, солиқларнинг давлат бюджетини шакллантиришдаги роли ҳамда мазкур бюджет маблағлари айнан нималарга сарфланиши, шунингдек, мазкур маблағлар давлат ва жамият ҳаётида нақадар муҳим эканлиги бўйича тушунчаларни шакллантиришдан бошлаш лозим. Умумтаълим мактаблар фанлари рўйхатига солиқ билимлари асослари бўйича ўқув курсини киритиш ўринли;

иккинчидан, аҳоли, аввало, ёшларни солиқ маданиятини юксалтириш бўйича манзилли ва предметли тарғибот тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, давлат солиқ органлари ва ташкилотлар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норма ва қоидаларини аҳолига тушунтириш бўйича намунавий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш ишларини кенгайтириш керак;

учинчидан, солиқ соҳаси бўйича қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳи-

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг 2019 йил 23 октябрдаги 01-584-сон хати.

яти ҳамда аҳамиятини кенг ёритиш бўйича ахборот-таҳлилий медиа материаллар, шу жумладан, аудио- ва видеороликлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажларни тайёрлаш ва тарқатиш, шунингдек, босма ва электрон даврий ижтимоий-ҳуқуқий нашрларни тайёрлаш ва чоп этиш ишларини янада ривожлантириш;

тўртинчидан, амалдаги солиқ қонунчилиги тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш ва уларга маслаҳат бериш жараёнларини такомиллаштириш;

бешинчидан, солиқ тўловчилар учун ўз ҳаракатларини амалга оширишдан олдин давлат солиқ хизмати органлари-

дан ушбу ҳаракатларни солиқ ҳуқуқий оқибатлари ҳақида тушунтириш ёки хулоса олиш ҳуқуқини мустақкамлаш лозим.

Мамлакатнинг молиявий барқарорлигига эришиш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун фуқароларнинг солиқ маданиятини ошириш билан бирга солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш талаб этилади. Шунда юқори профессионалик, ўзаро жавобгарлик, солиқ маданияти ва солиқ интизоми солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларига айланиши мумкин.

## REFERENCES

1. Richardson M., Sawyer A.J. A Taxonomy of the Tax Compliance Literature: Further Findings, Problems and Prospects. Article in Australian Tax Forum. June 2001, pp. 145-149.
2. Luk'janenkov M.V. Nalogovaja dissiplina kak jelement social'no otvetstvennogo povedenija gosudarstva, biznesa i grazhdan [Tax discipline as an element of socially responsible behavior of the state, business and citizens]. Izvestija vysshih uchebnyh zavedenij – Proceedings of higher educational institutions, 2007, no 3.
3. Nalogovaya gramotnost' naseleniya – faktor stabil'nosti investicionnogo potentsiala ekonomiki strany. Kollektivnaya monografiya [Tax literacy of the population is a factor in the stability of the investment potential of the country's economy. Collective monograph]. Ed. D.N. Suleymanova. Moscow: MNI, 2017, 266 p.
4. Gangl K., Hofmann E., Hartl B., Berkics M. The impact of powerful authorities and trustful taxpayers: evidence for the extended slippery slope framework from Austria, Finland, and Hungary. Policy Studies, 41:1, pp. 98-111. DOI: 10.1080/01442872.2019.1577375/.
5. Becker G.S. Crime and Punishment: An Economic Approach. Article. Journal of Political Economy. The University of Chicago Press. Mar. - Apr., 1968, vol. 76, no 2, pp. 169-217.
6. Kirchler E., Hoelzl E., Wahl I. Enforced versus voluntary tax compliance: The "slippery slope" framework. Article. Faculty of Psychology, University of Vienna, Universitaetsstrasse 7, A-1010 Wien, Austria. Journal of Economic Psychology. 2008, 29, pp. 210-225.
7. Nugent D.A. Legislating Morality: The Effects of Tax Law Complexity on Taxpayers' Attitudes. Robert Morris University, USA. The Journal of Applied Business Research, September-October 2013, vol. 29, no 5.
8. Rossijskaya gazeta [Internet-portal Rossiyskaya Gazeta]. Available at: <https://rg.ru/> (accessed 23.05.2021).

UDC: 368.041

ORCID: 0000-0001-8685-2586

## ИХТИЁРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ ОБЪЕКТИНИ АНИҚЛАШ МУАММОЛАРИ

**Болтаев Мансуржон Сотиволдиевич,**  
юридик фанлар номзоди, доцент,  
Тошкент давлат юридик университетининг  
Ихтисослаштирилган филиали кафедра мудири,  
e-mail: beshkap0721@gmail.com

**Аннотация.** Мақола ихтиёрий тиббий суғурта шартномаларини бажариш бўйича амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти муаммоларига бағишланган. Шу сабабли унда ихтиёрий тиббий суғурта соҳаси муносабатларини тартибга солишга оид асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги нормалари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада суғурта манфаати категориясини аниқлаш муаммолари таҳлили асосида ихтиёрий тиббий суғуртанинг объектини аниқлаш масалалари ёритилган. Бунда суғурта манфаати сифатида суғурта қилдирувчи ва суғурта объектининг ўзаро ҳуқуқий боғлиқлиги асосий мезон сифатида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** суғурта, ихтиёрий тиббий суғурта, суғурта манфаати, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, суғурталовчи, суғурта объекти, мол-мулк, шахсий суғурта, мулкый суғурта.

## ПРОБЛЕМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ОБЪЕКТА ДОГОВОРА ДОБРОВОЛЬНОГО МЕДИЦИНСКОГО СТРАХОВАНИЯ

**Болтаев Мансуржон Сотиволдиевич,**  
кандидат юридических наук, доцент,  
заведующий кафедрой Специализированного филиала  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** Статья посвящена проблемам действующего законодательства и правоприменительной практики по реализации договоров добровольного медицинского страхования. Анализируются основные нормативные правовые акты, регулирующие отношения в сфере добровольного медицинского страхования: Гражданский кодекс Республики Узбекистан и законодательство зарубежных стран. В статье также рассматриваются вопросы определения объекта добровольного медицинского страхования на основе анализа проблем определения категории страховых выплат. В этом случае основным критерием является отношение страхователя к объекту страхования в качестве страхового возмещения.

**Ключевые слова:** страхование, добровольное медицинское страхование, страховое возмещение, страховщик, застрахованное лицо, объект страхования, имущество, личное страхование, страхование имущества.

## PROBLEMS OF DETERMINING THE OBJECT OF THE VOLUNTARY HEALTH INSURANCE CONTRACT

**Boltayev Mansurjon Sotivoldiyevich,**

Candidate of Legal Sciences, Associate Professor,  
Head of the Department of the Specialized Branch  
of the Tashkent State University of Law

**Abstract.** *The article is devoted to the problems of the current legislation and law enforcement practice on the implementation of voluntary medical insurance contracts. Therefore, basic normative legal acts, regulating the relations in the field of voluntary health insurance, Civil Code of the Republic of Uzbekistan and legislations of foreign countries are analyzed. The article also discusses the issues of determining the object of voluntary medical insurance based on the analysis of the problems of determining the category of insurance payments. In this case, the main criterion is the attitude of the policyholder to the insurance object as insurance compensation.*

**Keywords:** *insurance, voluntary medical insurance, insurance compensation, insurer, insured person, insurance object, property, personal insurance, property insurance.*

### Кириш

Тиббий суғурта – соғлиқни сақлаш соҳасида аҳоли манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш шакли бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта қилдирувчилар томонидан тўпланган маблағлар ҳисобига тиббий ёрдам учун тўловларни кафолатлайди.

Тиббий суғуртанинг икки тури мавжуд: мажбурий (давлат) ва ихтиёрий.

Мажбурий тиббий суғурта – бу давлат томонидан яратиладиган чора-тадбирлар тизими бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда инсон бепул тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлади. Мажбурий тиббий суғуртада суғурталовчининг даволанишга имкони бор-йўқлигидан қатъи назар, айнан давлат суғурталовчининг ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлайди.

Ихтиёрий тиббий суғурта – бу шахсий суғурта бўлиб, бунда ҳар бир шахс қайси компанияни танлаш, шартномада қайси хизматлар рўйхати кўрсатилишини ўзи ҳал қилади. Кўпгина мамлакатларда суғурта компаниялари чекланган миқдордаги хизматларни ўз ичига оладиган стандарт полис ёки мижоз истаклари ва соғлиғи кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда ту-

зилган полисни таклиф қилишлари мумкин. Тиббий хизматларнинг харажатлари мижозлар томонидан тўлиқ қопланади. Шунинг учун ихтиёрий суғурта кўплаб фуқароларнинг чўнтагига тўғри келмайди.

Бугунги кунда ихтиёрий тиббий суғурта ихтиёрий суғуртанинг энг кенг тарқалган турларидан бири саналади. Бу, шубҳасиз, унинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқади, чунки мазкур механизм аҳолида маблағлар етарли бўлмаган шароитда, шунингдек, мажбурий тиббий суғурта ресурслари чекланганлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида белгиланган фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишига оид ҳуқуқларининг тўлиқ реализация қилинишини таъминлайди. Шу муносабат билан ихтиёрий тиббий суғуртани ходимлар ва улар оила аъзоларини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш турларидан бири сифатида жамoa шартномалари ва келишувларига кириштиш ўринли бўлади.

### Материал ва методлар

Тиббий суғурта шартномаси, жумладан, ихтиёрий тиббий суғурта шартномасининг



таъриф амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган. Бироқ қонунчиликда суғурта ихтиёрий ва мажбурий турларга бўлиниши назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 914-моддаси “ихтиёрий ва мажбурий суғурта” деб номланади. Лекин ушбу моддада ихтиёрий ва мажбурий суғуртага оид аниқ қоидалар белгиланмаган ҳамда ихтиёрий суғуртанинг тавсифловчи жиҳатлари назарда тутилмаган. Мазкур модданинг мазмунидан фақат шахслар (жисмоний ва юридик) ва суғурта ташкилоти мулкӣ ва шахсий суғурта шартномаси тузиш йўли билан суғуртани амалга ошириши, муайян ҳолларда суғурта шартномаси тузиш мажбуриятининг юклатилиши, суғурта давлат бюджети ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги англашилади, холос. Ушбу норманинг бу тарзда абстракт (мавҳум) ифодаланиши уни турлича талқин этиш, шарҳлаш ва қўллашга замин яратади ҳамда суғурта қайси ҳолларда ихтиёрий ва қайси ҳолларда мажбурий амалга оширилишини англаш имконини бермайди. Қонун чиқарувчининг бундай ёндашуви суғурта муносабатларининг мавҳумлиги ҳамда суғурталовчилар ва суғурта қилдирувчилар ўртасида ички зиддиятлар ҳамда суиистеъмоликлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки суғуртани ихтиёрий ва мажбурийга ажратишда уларнинг аниқ чегараларини белгилаш ҳамда ихтиёрий суғурта шахслар томонидан эркин ва ўзаро келишувга асосан амалга ошириладиган қонунчиликда белгиланган манфаатларини суғурталашни ифодалаш назарда тутилиши лозим.

Ихтиёрий мулкӣ суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи ва тиббий суғурта ташкилоти ўртасида тузиладиган келишув бўлиб, унга мувофиқ, суғурталовчи келишилган тиббий суғурта дастурлари бўйича суғурталанган шахсга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади ва молиялаштириш, суғурта қилдирувчи эса ўз

вақтида суғурта тўловларини тўлаб туриш мажбуриятини олади [1].

Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, барча турдаги тиббий суғурта шартномалари: мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта шахсий суғурта шартномаси ҳисобланади. Айни пайтда ихтиёрий тиббий суғурта (ИТС) шахсий суғуртанинг барча турлари орасида ўзига хосликка эга. Бундай ўзига хослик, биринчидан, бу таъминлаш асоси пул шаклида эмас, натура кўринишида амалга ошириладиган шахсий суғуртанинг ягона тури ҳисобланишида ва иккинчидан, иштирокчилар таркиби ва вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни нуқтаи назаридан суғуртанинг мураккаб тури саналишида намоён бўлади. Мазкур ўзига хосликдан келиб чиқиб, ФКда белгиланган суғуртага оид нормаларнинг суғуртанинг алоҳида турлари сифатида тиббий хизмат ҳамда суғуртанинг бошқа алоҳида турларига ҳам қўлланилишига тааллуқли қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб, ФКга “Суғурта тўғрисидаги умумий қоидаларни суғуртанинг алоҳида турларига қўлланилиши” номли 961-1-моддани киритиш ва уни қўйидаги мазмунда ифодалаш зарур:

Ушбу бобда назарда тутилган қоидалар ноғижорат хавфлардан чет эллик инвесторларни суғурталаш, тиббий суғурта, банк омонатларини суғурта қилиш, пенсия ва экспорт кредитлари ҳамда инвестицияларни тадбиркорлик ва сиёсий хавфлардан суғурталашга нисбатан, агар мазкур суғурта турларини тартибга солишга қонунларда бошқа қоидалар ўрнатилмаган бўлса, қўлланилади,

#### **Тадқиқот натижалари**

Таъкидлаш лозимки, ИТСни норматив-ҳуқуқий тартибга солишдаги асосий муаммолардан бири ҳали тегишли қонунчилик базасининг яратилмаганлиги билан боғлиқдир. Ҳозирги кунда тиббий суғуртага оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 2002

йил 5 апрелдаги 358-II-сон “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Бироқ ушбу қонун ҳужжатлари суғурта шартномаси (ФКнинг 914-, 921-, 929- ва 944-моддалари) ҳамда мажбуриятлар ва шартномаларга (234-, 236-, 237-, 341-, 353- ва 358-моддалари) оид умумий қоидаларни назарда тутаяди, холос. Ушбу нормаларнинг айримлари, хусусан, 358-модда (оммавий шартнома тўғрисидаги) ва 921-модда (шахсий суғурта шартномасининг моҳиятини белгиловчи) ихтиёрий тиббий суғуртани тартибга солишга мос келмайди ва унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмайди. Шу жиҳатдан Ўзбекистондаги бугунги вазиятга кўра, ИТС, асосан, суғурта қоидалари, ихтиёрий тиббий суғурта шартномаси ва ИТС бўйича тиббий хизматларни кўрсатиш шартномалари билан тартибга солинади.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига кўра, суғурта фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли орган Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги суғурталовчилар ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензиялашни амалга оширади. Бироқ ҳозирда тиббий суғуртага оид қонунчилик базаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳам ушбу органнинг мазкур соҳадаги ваколатлари мавҳумдир.

ИТС амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимларини топишда ИТСнинг моҳияти ва унинг объектини аниқлаш муҳим аҳамият эга. Илмий манбаларнинг суғурта шартномалари объектини аниқлаш ва айнан қандай ҳуқуқ, воқелик ёки элемент суғурталанишини аниқлаш борасида яқдил фикрлар мавжуд эмас. Кўпчилик мутахассислар суғурта объекти сифатида аниқ қийматга эга бўлган “мол-мулк” ёки жисмий ашёга нисбатан мулкӣ манфаатлар ёхуд етказилган зарар оқибатида қопланиши лозим

бўлган нарсаларни эътироф этади [2].

О. Оқюлов ва Н.Х. Эгамбердиеваларнинг фикрига кўра, суғурта объекти нафақат фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, балки ҳозирги кунда жавобгарлик мажбуриятлари, тадбиркорлик хавфи ва яна бир қатор манфаатлар ҳам бўлиши мумкин [3].

Бир гуруҳ муаллифлар суғурта манфаатини фақатгина мол-мулк суғуртасига хос бўлган элемент сифатида талқин этади ва шахсий суғуртада бундай талаб мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Шахсий суғуртада суғурта манфаати мавжуд эмаслигини таъкидловчи олимларнинг қайд этишича, суғурта манфаатининг асоси суғурталанган шахсни муайян зарардан ихоталаш зарурати ҳисобланади. Шу сабабли ҳам суғурта манфаати фақат мулкӣ суғуртанинг объекти бўлиши мумкин. Шахсий суғуртада суғурталанган шахснинг манфаатлари мулкӣ суғуртадаги суғурта манфаатидан фарқ қилади. Чунки шахсий суғуртада суғурта манфаати зарар билан боғлиқ ҳисобланмайди ҳамда зарарнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, суғурталанган шахс суғурта пулини олади. Бундай ёндашув тарафларидан бири Г.Ф. Шершеневичнинг фикрича, шахсий суғурта етказилган зарар қопланишини мақсад қилмайди. Шу боис суғурта манфаати тушунчаси шахсий суғурта учун бегонадир [4].

Шунингдек, А.В. Собакинских суғурта манфаати суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурталанган шахсга етказилган зарарни ифодалаганлиги сабабли ҳам ушбу ҳуқуқӣ категория фақат мулкӣ суғуртага хосдир [5], деб ҳисоблайди. Бу ҳолатда А.В. Собакинских ҳам шахсий суғурта манфаати борлиги тўғрисидаги фикрни рад этади. Шунга қарамасдан, суғурта шартномаси бўйича машҳур тадқиқотчилардан бири В.И. Серебровскийнинг фикрига кўра, суғурта манфаати категорияси шахсий ва мулкӣ суғурта шартномасининг ҳуқуқӣ

асосини ташкил этувчи элемент саналади [6]. В.Ю. Абрамов ҳам суғурта манфаати мулквий ва шахсий суғурта шартномасининг объекти бўлишини таъкидловчи муаллифлардан бири саналади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришиш ва шу йўл билан ўзининг субъектив ҳуқуқларини реализация қилиш вақтида ушбу муносабат иштирокчилари фақатгина моддий эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ҳаракат қилади.

Шартнома туридан қатъи назар, субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришиш сабаби муайян моддий манфаатларини таъминлаш саналади. Агар муайян манфаатдорлик мавжуд бўлмаса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат вужудга келмайди. “Суғурта манфаати” категорияси нафақат суғурталанган шахс мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланиши натижасида вужудга келган зарарни бартараф этиш ва қоплашни назарда тутаяди, балки суғурталанган шахснинг бошқа эҳтиёжлари, яъни келгусида тўсатдан юз бериши мумкин бўлган ҳодиса натижасида харажатларни қоплаш учун пул маблағларини олиш эҳтиёжини таъминлашни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, ҳар қандай суғурта шартномасининг мақсади шахснинг пуллик эҳтиёжларини қоплаш ҳисобланади [7].

Дарҳақиқат, агар суғурта қилдирувчи билан суғурталанган шахс ҳаётидаги муайян суғурта манфаатини кўзламасдан шахсий суғурта шартномаси тузилса, ҳаётни суғурта қилиш шартномаси XVIII асрда Англияда кенг тарқалган муайян шахснинг ўлимига тикиш шартномаси билан бир хил бўлиб қоларди. Бинобарин, бу турдаги суғурта шартномаларида суғурта қилдирувчи суғурталанган шахс ҳаёти учун ҳеч қандай манфаатни кўзламас эди. Шу боис суғурта тўловини олиш учун суғурталанган шахсни ўлдириш билан боғлиқ жиноят ишлари кенг тарқалган эди. Бундай ҳодиса рўй беришининг ол-

дини олиш учун 1774 йилда Англияда Ҳаёт суғуртаси акти (Life Assurance Act) қабул қилинди ва ҳаётни суғурта қилиш шартномасининг асосий шартларидан бири сифатида суғурта қилдирувчининг суғурталанган шахс ҳаёти учун манфаатдорлиги белгиланди [8, p. 41]. Бундан кўринадики, суғурта манфаати категорияси шахсий ҳамда мулквий суғурта шартномасининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, шахсий ва мулквий суғурта шартномаларини бирлаштирувчи категория сифатида суғурта манфаати категорияси турли шаклларда намоён бўлади. Жумладан, мулквий суғуртада суғурта манфаати суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта қилдирувчи манфаатига етказилган зарарни қоплашда ифодаланар экан, етказилган аниқ зарар қиймати доирасида белгиланади, объектив тус касб этади. Шахсий суғуртада эса суғурта манфаати суғурта қилдирувчининг номоддий неъматлари билан боғлиқ манфаатларга хавф солувчи суғурта ҳодисаси юз беришидаги суғурта манфаатининг қиймати суғурта пулини олишга бўлган интилишдан келиб чиқиб, суғурта қилдирувчи томонидан исталган даражада белгиланади ва субъектив тус касб этади.

Аммо ушбу ижобий манфаатдан ташқари суғурта қилдирувчида унинг мулквий манфаатларига таҳдид қилувчи суғурта хатари юз бериши билан боғлиқ битта салбий манфаат ҳам бўлиши лозим. Бошқача айтганда, суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида ўзининг мулквий манфаатларига етказилган зарар қопланиши ва суғурта хатари юз берганда, суғурта тўловини олиши ҳақида билгани ҳолда, у суғурта ҳодисаси юз беришидан манфаатдор бўлмаслиги ва уни истамаслиги лозим. Инчунун, салбий манфаатнинг мавжуд эмаслиги суғурта хатари юз бериш эҳтимоли ошишига таъсир кўрсатувчи мезон ҳисобланади ва ушбу мезон суғурта-

ловчи учун хавфсизлик омили сифатида ўрин тутлади.

Қитъа ҳуқуқи тизимига кирувчи кўп-лаб мамлакатларда, масалан, Франция, Германия каби давлатлар қонунчилигида ҳанузгача мулкӣ суғуртада суғурта манфаати суғурта қилдирувчининг суғурта предметига, суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида етказилган зарарга нисбатан моддий манфаатини талаб қиладиган суғурта шартномасининг асосий шарти ҳисобланса, шахсий суғуртада суғурта манфаати бошқа шакл – суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билан алмаштирилган. Яъни агар суғурта қилдирувчи суғурталанган шахс ҳисобланмаса, ҳаёт суғуртасини ҳақиқий деб тан олиш учун суғурталанган шахснинг ёзма розилиги етарли ҳисобланади.

Англо-саксон мамлакатларида эса мулкӣ суғуртада ҳам, шахсий суғуртада ҳам суғурта манфаати суғурта шартномаси ҳақиқийлигининг асосий шарти ҳисобланади [9].

Бироқ ҳар қандай манфаат эмас, балки фақат муайян шартларга жавоб берадиган манфаат суғурта шартномасининг объекти саналади ва суд томонидан ҳимоя қилинади.

Суғурта манфаатининг дастлабки белгиси пул эквивалентида ифодаланган иқтисодий категорияни ташкил этади. Бошқача айтганда, суғурта манфаатининг асосини аниқ шахснинг пул суммасига нисбатан моддий манфаати ташкил этади. Бу борада қонун ҳужжатларида, суғурта манфаати тушунчасининг ифодаланганлик ҳолатига эътибор қаратадиган бўлса, айрим давлатларда, Ўзбекистондан фарқли равишда фуқаролик кодексида “суғурта манфаати”нинг легал тушунчаси ўз ифодасини топган ва айнан суғурта манфаати термини нима ни англатиши белгиланган. Хусусан, Озарбайжон ГКнинг 889-моддасига кўра:

Суғурта манфаати – суғурта ҳодисаси юз берганда, шахсга молиявий йўқотиш-

лар келтириш имкониятини ҳосил қиладиган ва унинг суғурта объектини суғурта қилиш ҳуқуқини асослайдиган фойда ҳисобланади.

Суғурта манфаатининг мавжудлиги қонун ёки шартнома асосида эътироф этилади. Агар шахс ва суғурта объекти ўртасида тегишли тарзда тан олинган боғлиқлик бўлмаса, суғурта манфаати мавжуд эмас деб ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчида ўзининг ҳаёти, шунингдек, хотини (эри), ота-онаси, болалари, ходимлари, иш берувчиси, қарздори, васийси, васийликдаги шахснинг ҳаёти билан боғлиқ суғурта манфаати мавжуд бўлади.

Суғурта манфаати мавжуд бўлмагани ҳолда тузилган суғурта шартномаси у тузилган пайтдан бошлаб яроқсиз ҳисобланади.

Суғурта манфаатининг келгусида вужудга келиш эҳтимоли тегишли суғурта шартномаси тузиш учун асос бўлмайди.

Агар суғурта шартномаси амал қилинган муддатда суғурта манфаати барҳам топса, суғурта шартномаси бекор бўлиши лозим.

Агарда мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси сифатида тан олиниши мумкин бўлган ҳодиса ёки ҳолат юз берган пайтда суғурта манфаати мавжуд бўлмаса, ушбу ҳодиса ёки ҳолат суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди ва суғурталовчи суғурта тўлови бўйича ўз мавжбуриятини бажаришдан озод қилинади.

Озарбайжон ГКнинг ушбу нормасидан кўринадики, суғурта манфаати моддий тус касб этиши лозим ва маънавий манфаат суғурта қилинмайди. Яъни суғурта манфаати муайян қийматга эга бўлиши керак. Бироқ суғурта манфаатининг иқтисодий асоси мулкӣ ва шахсий суғуртада бир-биридан фарқ қилади. Шахсий суғуртада суғурта манфаатининг иқтисодий томони таъминловчи характер, мулкӣ суғуртада тикловчи характерга эга бўла-



ди. Хусусан, мулкый суғуртада суғурта манфаати етказилган зарарни бартараф этиш ва қоплашда ифодаланса ҳамда иқтисодий асос зарар қийматидан келиб чиқиб белгиланса, шахсий суғуртада инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва бошқа номоддий неъматлари билан боғлиқ манфаатлари, шунингдек, етказилган зиённинг қийматини белгилаш имкони бўлмаганлиги сабабли, суғурта манфаати фақат таъминловчи тус касб этади ва иқтисодий асослари тарафларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади.

Европа Иттифоқининг кўплаб мамлакатларида шахсий суғурта шартномаси бўйича маънавий манфаатларни суғурталашга йўл қўйилади. Масалан, Бельгия, Нидерландия, Туркия каби давлатларда шахсий суғуртада суғурта қилдирувчи ва суғурталанган шахс ўртасидаги ҳар қандай шахсий муносабатлар, агар суғурта қилдирувчининг суғурталанган шахс ҳаёти учун моддий манфаатдорлиги мавжуд бўлмаса, шартнома ҳақиқий деб ҳисоблаш учун етарли бўлади [10]. Бироқ Англияда ҳанузгача отанинг вафоти билан унинг қарамоғи (боқими)да бўлган ўғлида ҳеч қандай моддий талаб юзага келмайди ва ўғилнинг ҳаётида муайян суғуртанинг мавжуд эмаслиги тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади [8, р. 47].

Қоидага кўра, суғурта манфаати ҳуқуқий бўлиши зарур. Ҳуқуққа хилоф, яъни ғайриқонуний бўлган манфаатлар суғурталашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон ФКда айнан қандай манфаатлар суғурталашга йўл қўйилмаслиги санаб ўтилади. Бундан шундай маъно англашиладики, ФКнинг 916-моддаси санаб ўтилганларидан ташқари, бошқа барча манфаатлар суғурталаниши мумкин. Лекин суғурта манфаати ҳуқуқий бўлиши учун муҳим шарт сифатида суғурта қилдираётган шахс суғурта объекти билан муайян алоқадорликка эга бўлиши лозимлигини эътироф этиш зарур. Чунки суғурталанган шахс ўзи ҳуқуқий боғлиқликка эга бўлмаган объект

(мол-мулк ёки муайян номоддий неъмат (учинчи шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи))га нисбатан суғурта манфаатига эга бўлиши турли суиистеъмолликлар ва ғайриқонуний манфаатларни келтириб чиқариши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, қитъа ҳуқуқига мансуб давлатлар қонунчилиги манфаатнинг фақат ҳуқуқий бўлишини мажбурий талаб сифатида белгиламайди. Хўжалик ёки амалий алоқадорлик ҳам суғурта манфаати мавжудлиги учун етарли ҳисобланади. Бошқача айтганда, суғурта манфаати нафақат ҳуқуқий муносабатлар, балки муайян фактик ва маиший муносабатларга ҳам асосланади. Ушбу нуқтаи назарга кўра, суғурта қилдирувчи нафақат ашёвий ёки мажбурий ҳуқуқига эга шахс, балки мол-мулкка муайян алоқадорликка эга бўлмаган шахс ҳам иштирок этиши мумкин. Бунда асосий талаб шу билан белгиланадики, шахс мол-мулкнинг яхлитлиги ва сақланишидан фойда кўрса, унинг йўқотилиши зарарни келтириб чиқаради.

Англо-саксон мамлакатларида суғурта манфаати суғурта қилдирувчи ва суғурта предмети ўртасидаги муайян ҳуқуқий алоқанинг мавжудлиги билан асосланади. Англияда 1774 йилда қабул қилинган Денгиз суғурта актида қайд этилишича, суғурта шартномаси компенсациявий шартнома ҳисобланар экан, суғурта манфаати суғурта қилдирувчи учун мажбурий ҳисобланади ва фақатгина агар шахс мол-мулкнинг мулкдори ёки қонуний тан олинган шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ эгаси бўлса, суғурта манфаатига эга саналади.

Бироқ ҳозирги даврда Англияда кўплаб муаллифлар суғурта манфаатини фақат фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг мавжудлиги билан асосланишини тан олмайди. Масалан, Kyriaki Noussianing ёзишича, Денгиз суғурта актида суғурта тушунчасига чекланган таъриф берилган. Суғурта манфаати мавжуд бўлиши учун шахс томонидан мол-мулкнинг яхлитлиги ва

сақланишидан фойда олиш, мол-мулкнинг шикастланиши ёки нобуд бўлишидан йўқотишлар қопланиши етарлидир [11]. Бундан ташқари, “Luceana v Graufurd” ишида судья Лоуренс қуйидагиларни таъкидлаган: манфаатнинг мавжудлиги мол-мулк билан ҳуқуқий боғлиқлик мавжуд бўлишини талаб қилмайди, фақат суғурта қилдирувчи ва мол-мулк ўртасида қандайдир муносабат мавжуд бўлиши керакки, бунда суғурта ҳодисаси оқибатида суғурта қилдирувчига зарар етиши ва бу зарар жисмий кўринишда бўлмаслиги, кутилаётган фойданинг йўқотилиши ҳам зарар ҳисобланиши мумкин ((1806) 2 Bos & PNR 269, p. 302). 2005 йилда Англияда “Қимор ўйинлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилганидан сўнг суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси оқибатида зарар кўрганлигини исботлаш суғурта қилдирувчи ва суғурта предмети ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқлик эътиборга олинмаган ҳолда шартномани ҳақиқий деб топиш ва шу асосда суд ҳимоя қилиш мумкинлиги билан таъминланган [12].

Таъкидлаш ўринлики, фақат субъектив манфаатгина суғурталаниши мумкин. Манфаат тушунчаси эса, ўз навбатида, объектив ва субъектив маъноларга эга. Суғурта манфаатининг эгаси ва ундан фойдаланувчи фақат аниқ шахс ҳисобланади. Бироқ фуқаролик жамияти кўп сонли субъектив ҳуқуқ ва манфаатлардан ташкил топади. Ушбу субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар умумфуқаролик – объектив манфаатларни ҳосил қилади.

Субъектив манфаат объектив манфаат – жамиятнинг умумий манфаатларига мос бўлиши лозим. Шу жиҳатдан суғурта манфаати ҳуқуқий категория сифатида индивидуаллаш субъектига тегишли манфаат саналади. Масалан, нефть-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқараётган корхона моддий бойлик сифатида баҳоланади ва ундан фойдаланувчи кўплаб субъектлар манфаатининг объектига айланади. Бу ҳо-

латда ушбу корхонага нисбатан манфаат объектив аҳамиятга эга бўлади. Айримлар учун бу иш жойи, тадбиркорлик объекти, баъзиларга илмий ва бошқа мақсадлар учун зарурдир. Бошқача айтганда, кўрсатиб ўтилган корхона билан боғлиқ объектив манфаат ўзида кўплаб субъектив эҳтиёжларни бирлаштиради. Санаб ўтилган ҳар бир эҳтиёж муайян субъектив манфаатни ифодалайди. Бироқ ўзининг субъектив манфаатларини амалга ошириш, яъни муайян моддий эҳтиёжни таъминлаш учун субъект фаол ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Биринчи навбатда, у муайян фуқаролик-ҳуқуқий муносабат, яъни суғурта муносабатига киришиши зарур. Субъект томонидан муайян фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришиш ва суғурта шартномасини тузишгача манфаат объектив манфаат саналади. Чунки субъект ўз эркини муайян мулкий манфаатга нисбатан ифодалайди, объектив манфаат барҳам топади ва субъектив манфаатга айланади. Субъектив манфаат деганда, муайян мол-мулкка нисбатан манфаат эмас, балки аниқ шахснинг мол-мулкига нисбатан манфаат тушунилади ва айнан субъектив манфаат суғурта объекти бўлиши мумкин. Яъни суғурта мажбуриятининг субъекти аниқ суғурта манфаатига эга бўлган шахс ҳисобланади [7]. Агар суғурта манфаати объектив аҳамиятга эга бўлганда, суғурта шартномасига хос бўлган ўзига хослик мавжуд бўлмас эди. Хусусан, битта мол-мулк билан бир нечта шахсларнинг манфаати бирлаштирилса ва ушбу барча манфаатлар битта суғурта шартномаси билан таъминланса, суғурталовчи номуайян шахслар доирасига нисбатан таваккал қилишга мажбур бўлади. Масалан, юкнинг денгиз суғуртасида кўплаб шахслар: юк эгаси, экспедитор, кема капитани ва бошқалар суғурталаниши мумкин. Агар ушбу субъектлардан ҳар бири юкнинг йўқотилиши ёки шикастланиши оқибатида суғурталовчига нисбатан даъ-

во кўзгатса, у барча талабларни таъминлай олмайди. Шу боис замонавий суғурта қонунчилиги фақат субъектив манфаатни суғурталашга йўл қўяди.

### Хулосалар

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ИТС объекти деганда, жисмоний шахс соғлиғидаги бузилишлар натижасида тиббий ва дори-дармон ёрдами (тиббий хизмат)ни ташкил этиш ва кўрсатиш тўловлари, шунингдек, тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш, жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига нисбатан хавфларни пасайтиришга қаратилган профилактик чораларни ўтказишни талаб қиладиган бошқа хизматлар ҳақини тўлаш билан боғлиқ мулкӣ манфаат тушунилади.

Фикримизча, ҳар қандай суғурта шартномасида, шунингдек, ИТС шартномасининг объекти сифатида суғурта манфаатини аниқлаштириш ҳамда суғурта манфаати ҳуқуқӣ категориясининг ҳуқуқӣ тавсифини белгилаш учун ФКга “Суғурта манфаати” номли 924-1-моддани киритиш ва уни қуйидаги мазмунда белгилаш лозим:

Суғурта манфаати – суғурта ҳодисаси юз берганда, шахсга молиявий йўқотишлар келтириш имкониятини ҳосил қиладиган ва унинг суғурта объектини суғурта қилиш ҳуқуқини асослайдиган фойда ҳисобланади.

Суғурта манфаатининг мавжудлиги қонун ёки шартнома асосида эътироф этилади. Агар шахс ва суғурта объекти ўртасида тегишли тарзда тан олинган боғлиқлик бўлмаса, суғурта манфаати мавжуд эмас деб ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчида ўзининг ҳаёти, шунингдек, хотини (эри), ота-онаси, болалари, ходимлари, иш берувчиси, қарздори, васийси, васийликдаги шахснинг ҳаёти билан боғлиқ суғурта манфаати мавжуд бўлади.

Суғурта манфаати мавжуд бўлмагани ҳолда тузилган суғурта шартномаси у тузилган пайтдан бошлаб яроқсиз ҳисобланади.

Суғурта манфаатининг келгусида вужудга келиш эҳтимоли тегишли суғурта шартномаси тузиш учун асос бўлмайди.

Агар суғурта шартномаси амал қилган муддатда суғурта манфаати барҳам топса, суғурта шартномаси бекор бўлиши лозим.

Агарда мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси сифатида тан олиниши мумкин бўлган ҳодиса ёки ҳолат юз берган пайтда суғурта манфаати мавжуд бўлмаса, ушбу ҳодиса ёки ҳолат суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди ва суғурталовчи суғурта тўлови бўйича ўз мавжбуриятини бажаришдан озод қилинади.

## REFERENCES

1. Kovalevskij S.M. Nekotorye pravovye problemy dogovorov dobrovol'nogo medicinskogo strahovaniya [Medicine and health care organization]. 2019, vol. 4, no 1, p. 18.
2. Abbasova R.A. Problema opredelennosti strahovogo interesa kak jelementa dogovora strahovaniya [The problem of certainty of the insurance interest as an element of the insurance contract]. Gaps in Russian legislation. 2013, no 6, p. 100-104.
3. Fuqarolik huquqi [Civil law]. Tashkent: Ilm-Ziyo, 2008, part 2, p. 533.
4. Shershenevich G.F. Kurs togovogo prava [Commercial Law Course], vol 2, Moscow, Statut, 2003, p. 388.

5. Kommentarij k Grazhdanskomu kodeksu RF [Commentary on the Civil Code of the Russian Federation]. O.N. Sadikova. Part 2. Moscow, 1999, 500 p.
6. Serebrovskij V.I. Izbrannye trudy po nasledstvennomu i strahovomu pravu [Selected works on inheritance and insurance law]. Moscow, Jurist, 1997, 395 p.
7. Abramov V.Ju. Strahovanie: teorija i praktika [Insurance: theory and practice]. Moscow, Walters Kluver, 2007, pp. 262-263.
8. Birds J., Hird N.J. Modern Insurance Law. London: Sweet & Maxwell, 2001, pp. 41, 47.
9. Fogel'son Ju. Osnovnye ponjatija strahovogo prava [Basic concepts of insurance law]. State and law, 2001, no 8, p. 19.
10. Mertol Can. Sigorta hukuku. Imaj [Insurance law. Image]. Ankara, 2005, pp. 167-168.
11. Kyriaki Noussia. The principle of indemnity in Marine Insurance Contracts. Springer 2004, pp. 245-246.
12. Kyriaki Noussia. Insurable Interest in Marine Insurance Contracts: Modern Commercial Needs Versus Tradition. Journal of Maritime Law and Commerce, January 2008, vol. 39, no 1, p. 81.



UDC: 341.1:347

ORCID: 0000-0003-1521-3394

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ҚАРЗДОРНИНГ АЙБДОРЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

**Гуломов Акмалжон Шукуруллаевич,**  
Самарқанд давлат университети доценти,  
юридик фанлар номзоди;  
e-mail: gulomovakmaljon@mail.ru

**Аннотация.** Фуқаролик ҳуқуқи назариясида шартнома юридик факт сифатида унинг иштирокчилари томонидан ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтириш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ҳақидаги келишув ҳисобланади. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида мол-мулк топшириш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш каби мулк муносабатлар шаклланишида ҳам асосий ҳуқуқий восита саналади. Аграр соҳада қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ташкилотлари билан контракция шартномалари; таъминотчи ташкилотлар билан моддий-техника ресурслари етказиб бериш бўйича шартномалар; хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан механизациялашган ишларни бажариш; хўжаликларга сервис, агрокимё, агротехника хизматлари бўйича шартномалар кенг қўлланилади. Мазкур шартномалар иштирокчилари унинг мазмуни юзасидан ўз зиммаларига маълум мажбуриятлар олади. Бироқ шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши ёки лозим даражада бажарилишига эришиш контрагентлар ҳаракатига боғлиқ. Шартнома интизомига риоя этмаслик эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради. Бу, ўз навбатида, даъвогар (кредитор) тарафнинг айбдорлик презумпцияси тамойилидан фойдаланишига сабаб бўлади. Мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги учун қарздор жавобгардир. Мазкур мақолада тадқиқот предмети сифатида шартномавий мажбуриятни бажармаганлик учун қарздорнинг айбдорлик презумпцияси ўрганилади.

**Калит сўзлар:** шартнома, мажбурият, айб, презумпция, қарздор, кредитор, жавобгарлик, форс-мажор.

### ПРЕЗУМПЦИЯ ВИНОВНОСТИ ДОЛЖНИКА ЗА НЕВЫПОЛНЕНИЕ ДОГОВОРНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

**Гуломов Акмалжон Шукуруллаевич,**  
кандидат юридических наук, доцент  
Самаркандского государственного университета

**Аннотация.** В теории гражданского права договор как юридический факт – это соглашение о возникновении, изменении и прекращении прав и обязанностей его участниками. Это основной правовой инструмент во всех сферах общественной жизни, в том числе в сельском хозяйстве, при формировании имущественных отношений, таких как: передача собственности, выполнение работ, оказание услуг. В аграрном секторе широко используются: договоры контракции с сельхозпроизводителями, организациями по производству и переработке сельхозпродукции; договоры с поставщиками на поставку материально-технических ресурсов; договоры с обслуживающими организациями на механизированные работы, сервисные, агрохимические, агротехнические

услуги. Стороны этих соглашений принимают на себя определенные обязательства по их содержанию. Однако выполнение договорных обязательств надлежащим образом зависит от действий контрагентов. Несоблюдение контрактной дисциплины влечет за собой гражданско-правовую ответственность. Это, в свою очередь, заставляет истца (кредитора) использовать принцип презумпции виновности. Должник несет ответственность за ненадлежащее исполнение обязательств. В статье как предмет исследования рассматривается презумпция виновности должника за неисполнение договорного обязательства.

**Ключевые слова:** договор, обязательство, вина, презумпция, должник, кредитор, ответственность, форс-мажор.

## PRESUMPTION OF GUILT OF THE DEBTOR FOR FAILURE TO FULFILL CONTRACTUAL OBLIGATIONS IN AGRICULTURE

**Gulomov Akmalzhon Shukurillayevich,**  
Associate Professor of Samarkand State University,  
PhD in Law

**Abstract.** In the theory of civil law, a contract as a legal fact is an agreement on the emergence, change and termination of rights and obligations of its participants. It is the main legal instrument in all spheres of public life, including agriculture, in the formation of property relations, such as the transfer of property, the performance of work, and the provision of services. In the agricultural sector, the following are widely used: contracts of contracting with agricultural producers, organizations for the production and processing of agricultural products; contracts with suppliers for the supply of material and technical resources; as well as contracts with service organizations for mechanized work, service, agrochemical, agrotechnical services. The parties to these agreements assume certain obligations regarding their content. However, the fulfillment of contractual obligations depends on the actions of the counterparties. Failure to comply with contractual discipline entails civil liability. This, in turn, forces the plaintiff (creditor) to use the presumption of guilt principle. The debtor is responsible for the improper performance of the obligation. The article examines the presumption of the debtor's guilt in failure to fulfill contractual obligation as a subject of research.

**Keywords:** contract, obligation, fault, presumption, debtor, creditor, liability, force majeure.

### Кириш

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ишти-рокчилари шартнома муносабатларига киришишлари орқали ўзаро мажбуриятли бўлади. Шартнома институтига тегишли нормалар бошқа соҳалар сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам мажбурият муносабатлари вужудга келишида кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев: “Фермер хўжалиklarининг зарур техника ва бошқа техник ресурсларга эга эмаслиги қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятларининг бажарилишига ва фермер хўжалиklarининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсат-

моқда” [1], деб таъкидлаган эди. Демак, фермер хўжалиklarини зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш-техника хизматлари кўрсатиш, провардида, юқори ҳосилдорликка эришиш шартнома ва унинг мазмунини ташкил қилган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши орқали таъминланади.

Шартномавий мажбуриятларда мажбурият ҳуқуқи нормаларига мувофиқ, унинг тарафлари қарздор ва кредитор бўлиб, улар бир-бирларига нисбатан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Масалан, олди-сотди шартномасига кўра, бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф

(сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (ФК 386-м, 1-қ). Мазкур мажбуриятда тарафлар ўз зиммаларига олган вазифаларни лозим даражада бажариши зарур. Яъни олди-сотди шартномасида келишилган товар маълум сифат, миқдор, ассортимент, идиш ва ўрамларда, тегишли жой ва бошқа келишилган шартларга мувофиқ бажарилиши ва тегишинча ҳақ тўланиши лозим. Мажбуриятларнинг шартлашилган тартибда бажарилмаслиги ҳолатлари ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бу, ўз навбатида, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради. ФКнинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Фуқаролик ҳуқуқида қарздорнинг айбдорлик презумпцияси амал қилади, яъни мажбуриятни бузган шахс ўзининг айб йўқлигини исботлай олмаса, у айбдор ҳисобланади ва унга жавобгарлик юклатилади [2]. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, айбсиз деб топилади.

### **Материал ва методлар**

Мазкур мақолада тадқиқот предмети сифатида шартномавий мажбуриятни бажармаганлик учун қарздорнинг айбдорлик презумпцияси ўрганилади. Тадқиқотда таҳлил ва синтезнинг назарий усуллари ҳамда илмий билиш усуллари қўлланилди.

### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

Маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосларидан бири бу қарздорнинг айби ҳисобланади. Мажбуриятни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда келиб чиққан зарарни ундириш ҳақида даъво тақдим этилганда, мажбу-

риятни бажармаганлик факти, шунингдек, зарар ва ҳуқуқбузарлик факти ўртасидаги сабабий боғланиш мавжудлигини исботлаш зарур. Қарздорнинг айби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини исботлаш талаб қилинмайди, чунки унинг ўзи айбсизлигини исбот қилмас экан, у айбдор деб эҳтимол тутилади [3]. Шунинг учун мажбуриятни бажармаган шахс ўзининг айби йўқлигини исботлаши талаб қилинади. Агар қарздор барча ҳолатларда фуқаролик қонунчилигининг умумий асосларига кўра, айбсизлигини исботлай олса, жавобгарликдан озод бўлади [4]. Бунда айбдорлик презумпциясини Жиноят ҳуқуқидаги айбсизлик презумпцияси билан таққослаганда, ўзгача ҳолатни кўриш мумкин. Жиноят қонунчилигида айбсизлик презумпциясига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи фойдасига ҳал қилиниши керак. Демак, ҳуқуқбузарнинг айби борлиги ҳуқуқбузар эмас, балки тергов органлари томонидан далиллар асосида исботланиши лозим. Агар улар айби борлигини исботлай олмаса, далиллар бунинг учун етарли бўлмаса ёки далилларда шубҳага асос бўлса, булар ҳуқуқбузарнинг фойдасига қаратилиб, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жавобгарликдан озод бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида бунинг акси ўлароқ, қарздорнинг айбдорлигини рад этиш учун да-

лиллар етарли бўлмаса, масала кредитор фойдасига ҳал этилади.

Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларда мажбуриятларнинг лозим даражада қарздор томонидан бажарилмаслиги кредитор томонидан даъво қўзғатишга сабаб бўлади ва бу суд ишлари юритишнинг даъво тартибида кўриб чиқилади. Бунда кредитор мажбурият бажарилмаганлиги оқибатида кўрган зарар, қарздор эса бу ишда ўзининг айби йўқлигини исботлаши талаб қилинади. Шу сабабли айбдорлик презумпцияси кредиторга имконият беради, зарар етказишда айби йўқлигини исбот қилиб бериш учун қарздорга эса мажбурият юклайди. Ушбу мажбуриятни амалга ошириш учун унга қатор ҳуқуқлар берилган. Жумладан, Иқтисодий процессуал кодексининг 42-моддасига кўра, қарздор иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нусха олиш, рад қилиш тўғрисида ариза бериш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важлари, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодексининг 333-моддаси, иккинчи қисмига кўра, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаган-

лигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. “Форс-мажор” ҳолатларини ҳуқуқшунос олим О.Оқюлов қуйидагилардан бирининг мавжудлиги билан боғлаш лозимлигини таъкидлаган [5]:

а) эълон қилинган ва эълон қилинмаган урушлар, шу жумладан, фуқаролар уруши, тартибсизликлар, исёнлар, инқилоблар, қароқчилик, саботаж;

б) табиий офатлар, яъни бўрон, сиклон, зилзила, сув тошқини, яшин уруш;

в) портлаш ва ёнғин натижасида машиналар, қурилмалар, асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиши;

г) байкотлар, иш ташлашлар, локаутлар, ишни секинлаштиришлар, фабрикалар ва иш жойларини босиб олишлар, корхонадаги иш ташлашлар;

д) ҳокимиятнинг қонуний ва ноқонуний ҳаракатлари.

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 67-бандига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контракция шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади.

Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади. Агар хўжалик зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар натижасида енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)



муносабати билан, уларнинг иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўз зиммаларига олган шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлигини далиллар асосида исботлай олса, жавобгар бўлмайди. Бу орқали қишлоқ хўжалик корхоналари айбдорлик презумпциясини бартараф қилади. Борди-ю, мажбуриятнинг бажарилмаслигига сув тошқини сабаб бўлган бўлса, дарҳол туман (шаҳар) ҳокимлари бошчилик қиладиган “Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия”га мурожаат қилиш лозим. Мазкур комиссия таркибига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудий органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киради. Кузатилган ҳолатларни ўрганиб чиқиб, Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) оқибатида шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун қишлоқ хўжалик корхоналарини жавобгарликдан озод қилиш юзасидан хулоса беришлари мумкин.

Фуқаролик кодексининг 333-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошига кўра, қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатлар жумласига кирмайди. Шу сабабли Олий суд Пленумининг қарорига кўра, мажбуриятлар бўйича қарзни тўлаш учун зарур бўлган пул маблағларининг қарздорда мавжуд эмаслиги, унинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак товарларнинг бозорда йўқлиги қарздорни қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада келишилган неустойкаларни тўлашдан озод этиш учун асос

бўла олмайди. Демак, қарздор айби йўқлигини исботлаш учун форс-мажор ҳолатлар саналмайдиган жиҳатларни назардан қочирмаслиги керак.

Қарздорнинг жавобгарликда айби йўқлигининг исботлаш асосларидан бири – бу қарши контрагент томонидан бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларнинг муқобил суръатда бажарилмаслигидир. Масалан, низомнинг 71-банди иккинчи хатбошига кўра, тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пасайиши ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрлов ташкилоти хўжаликка кўрилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди. Бунда хўжалик сифатсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

#### **Хулосалар**

Хулоса сифатида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ва лозим даражада бажарилмаслигида қарздорнинг айбдорлик презумпциясини бартараф этадиган ҳолатлар сифатида:

биринчидан, зарар енгиб бўлмас куч таъсирида етказилганлиги;

иккинчидан, зарар келиб чиқишида қарши тарафнинг ҳам ҳиссасининг мавжуд бўлиши;

учинчидан, бошқа ноқулай шароитларнинг мавжуд бўлишини кўрсатиш мумкин. Масалан, об-ҳаво билан боғлиқ вазиятда кўп ёмғир ёғиши натижасида буғдойзорнинг занг касаллигига чалиниши ва кутилган ҳосилга эга бўлмаслик. Лекин бу ҳолатларни исботлаш юки қарздор зиммасида бўлади. Шу ўринда таклиф сифатида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомнинг контр-

агентларни жавобгарликдан озод қилишнинг асослари қисмини “бошқа ноқулай шароитлар” мазмуни билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат ҳам мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда қарздорнинг айби йўқлигини исботлашга хизмат қилади.

Демак, қишлоқ хўжалигида мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашда айбдорлик презумпцияси қарздорга ўзининг айби йўқлигини исбот қилиш мажбуриятини юклайди ва кредитор фойдасига мажбурият бажарилишига имконият беради.

### REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz [We will resolutely continue our path of national development and take it to a new level]. Tashkent, Uzbekistan, 2017, p. 277.
2. Suxanov E.A. Grajdanskoye pravo. Uchebnik [Civil law. Textbook]. Moscow, Yurist, 1997, p. 449.
3. Ioffe O.S. Obyazatelstvennoye pravo [Obligatory law]. Moscow, Yuridicheskaya literatura, 1975, p. 72.
4. Rahmankulov H. Dogovornye otnosheniya v agropromyshlennom komplekse [Contractual relations in the agro-industrial complex]. Tashkent, Fan, 1989, pp. 92-93.
5. Oqyulov O. Tadbirkorlarning mulkiy javobgarligi. Monografiya [Property liability of entrepreneurs. Monograph]. Tashkent, Adolat, 2001, p. 14.

UDC: 349.6(045)(575.1)  
ORCID: 0000-0001-9357-3200

## ШАҲАРЛАРДА ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ЭКОЛОГИЗАЦИЯЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Узакова Гўзал Шариповна,**

Тошкент давлат юридик университети,  
“Экология ҳуқуқи” кафедраси мудирини,  
юридик фанлар номзоди, доцент,  
e-mail: g.uzakova@tsul.uz

**Аннотация.** Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, энг аввало, улар яшайдиган ҳудудларда – шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ер, сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида экологик нормативларга риоя қилиш, қурилиш жараёнини экологизациялаш, ҳудудларни оқилона зоналаштириш каби ларга боғлиқ. Амалга оширилган мазкур тадқиқот ишида шаҳарлардаги асосий экологик муаммолар қурилиш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ равишда кўриб чиқилди. Бунда қурилиш ишларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлари ва илмий-назарий асослари ўрганилди. Шунингдек, ҳудудларни зоналаштириш, қурилиш жараёнини экологизациялаш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг афзалликлари, чиқитсиз технологияларни жорий этиш, шунингдек, энергия тежамкор бино-иншоотлар ва уй-жойларни барпо этиш масалалари илмий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилди. Бундан ташқари, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида назарда тутилган стратегик мақсадларга эришишда экологик жиҳатдан самарали инновацион технологияларни жорий этиш, атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш ва камайтириш, экологик йўналтирилган иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш, қурилиш фаолиятида ҳам “яшил” стандартларни қўллашнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиш, “яшил” иқтисодиёт, қурилиш фаолияти, аҳоли пункти (шаҳар), экологизациялаш, камчиқит технология, энергия тежамкор иншоот.

### ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ЭКОЛОГИЗАЦИИ СТРОИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ГОРОДАХ

**Узакова Гузал Шариповна,**

кандидат юридических наук, доцент,  
заведующая кафедрой “Экологическое право”  
Ташкентского государственного  
юридического университета

**Аннотация.** Обеспечение прав граждан на благоприятную окружающую среду связано, в первую очередь, с соблюдением экологических нормативов в процессе использования земельных, водных, подземных и других природных ресурсов, экологизации процесса строительства, рационального зонирования территорий в городах и в других населенных пунктах. В данной исследовательской работе основные экологические проблемы в городах были рассмотрены с выполнением строительных работ. Были изучены организационно-правовые меры и научно-теоретические

основы строительных работ. С научно-правовой стороны изучены вопросы зонирования территорий, экологизации процесса строительства, преимущества развития «зеленой экономики», внедрения малоотходных технологий, а также строительства энергоэффективных зданий и жилья. Кроме того, для достижения стратегических целей Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года были разработаны научно-теоретические основы внедрения экологически чистых инновационных технологий, предотвращения и снижения негативного воздействия на окружающую среду, обеспечения роста экологически ориентированной экономики, применения «зеленых» стандартов в строительной деятельности.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, «зеленая экономика», строительная деятельность, населенные пункты (города), экологизация, малоотходные технологии, энергоэффективное строительство.

## LEGAL ISSUES OF GREEN CONSTRUCTION ACTIVITIES IN CITIES

**Uzakova Guzal Sharipovna,**

Head of the Environmental Law Department  
of Tashkent State University of Law,  
PhD, Associate Professor

**Abstract.** Ensuring the right of citizens to favorable natural environment depends, first of all, on compliance with environmental standards in usage of land, water, underground and other natural resources, as well as following the rules of green construction processes and rational zoning of urban territories and other residential areas. This study considers main environmental problems in cities in connection with construction processes. At the same time, we also studied organizational legal measures and scientific-theoretical bases of construction activities. In addition, legal assessment and review of zoning issues, greening of construction processes, benefits of developing “green economy,” introduction of low-waste technologies, as well as construction of energy-efficient buildings and housing were carried out. In the context of achieving goals set by the Concept on Environmental Protection of the Republic of Uzbekistan until 2030, scientific and theoretical foundations for the introduction of environmentally friendly innovative technologies, prevention and reduction of negative impact on the environment, ensuring growth of environmental economics, the application of “green” building standards in construction sphere were developed.

**Keywords:** sustainable development, “green economy,” construction activities, populated areas (cities), greening, low-waste technology, energy-efficient construction.

### Кириш

Сўнги йилларда дунё аҳолисини ташвишга солаётган экологик муаммолар тегишли халқаро ташкилотлар ва алоҳида давлатлар зиммасига ушбу муаммоларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан кескин чоралар кўриш вазифасини юклармоқда.

Шаҳарлар атроф-муҳитини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари БМТнинг Инсон атроф-муҳити масалалари бўйи-

ча Стокгольм конференцияси (1972 йил), БМТнинг уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши бўйича Хабитат-III конференцияси (2016 йил 17–20 октябрь, Кито, Эквадор)да кўриб чиқилган бўлиб, Хабитат-III конференцияси доирасида янги шаҳарсозлик дастури қабул қилинди [1].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, 2020 йилда дунё аҳолиси 7,8 миллиард кишига етди ва 2050 йилга бориб яна 2 миллиарддан ортиқ кишига кўпаяди [2]. Келгуси ўн йил-



ликларда, айниқса, Африка ва Осиё аҳолиси сезиларли даражада кўпайиши кутилмоқда. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда истиқомат қилганлиги туфайли шаҳар агломерациялари сони йил сайин ўсиб бормоқда. БМТнинг тахминларига кўра, XXI асрнинг ўрталарига келиб, шаҳар аҳолиси ҳар куни ўртача 200 минг кишига кўпаяди, ҳар ўн кишидан еттитаси шаҳар ҳудудларида яшайди [3, 714-724 б.].

Бугунги кунда ҳал қилиниши керак бўлган шаҳарларнинг асосий экологик муаммолари сифатида атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ифлосланиши; шовқин (акустик) таъсири; шаҳарлар ва уларга туташ “яшил” ҳудудларнинг камайиши; мегаполисларни яратиш орқали шаҳарларни катталаштиришга интилиш атроф-муҳит ва одамларга жиддий босим ўтказётганлиги; кўпчилик давлатларда шаҳарларнинг экологик сифатини таъминлашга қаратилган давлат бошқаруви функцияларининг номувофиқлиги; ҳудудий режалаштириш ва шаҳарсозлик зоналаштирилишини экологиялаштириш жараёнининг сустлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Айниқса, бугунги пандемия шароитида ушбу муаммоларнинг баъзилари кескин тус олмоқда [4].

Ваҳоланки, инсоният шаҳардаги табиий ва ижтимоий тизимнинг мувозанатини сақлаган ҳолда, атроф-муҳитни қулай ҳолатда сақлайди ва шу йўл билан ушбу муҳитда ўзининг ҳаёт сифатини таъминлайди. “Табиат – инсон – шаҳар” барқарорлигини таъминлаш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, бунда шаҳар ҳудудини режалаштириш (city planning), шаҳарларни зоналаштириш, қурилиш жараёнларини экологизациялаш муҳимдир.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар ичида иқтисодий фаолиятнинг айрим йўналишларини экологиялаштириш ишлари олиб борилган, барқарор ривожланишга ўтиш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шаро-

итлар яратилган бўлса-да, шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида кўпгина масалалар ҳануз ўз ечимини топмаган.

Мазкур соҳадаги ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаблиги шундан иборатки, бир томондан, қонун ҳужжатлари экологик муносабатлар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини шаҳар аҳолиси учун мақбул йўналишга айлантириши, иккинчи томондан, прогноз ҳужжатларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши керак.

Шаҳарда экологик талабларни ҳисобга олмасдан туриб, одамларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш мумкин эмас. Шу билан бирга, шаҳардаги экологик тоза муҳит инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши учун имконият яратади. Инсон нафақат психологик жиҳатдан соғлом шаҳар муҳити, балки экологик жиҳатдан зарарсиз муҳитга ҳам муҳтож. Табиий муҳит ҳам инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароит яратиб, ўзига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

Шаҳарлар ҳудудининг ривожланиши ва қурилиши учун экологик жиҳатдан асосланган режалаштириш тамойили, асосан, ҳудудий режалаштириш, шаҳарсозликни зоналаштириш, ҳудудларни қуриш, экологик экспертиза, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, атроф-муҳитни тартибга солиш учун экологик талабларда намоён бўлади. Шунингдек, иқлим ўзгариши билан боғлиқ экологик муаммолар аҳоли ҳаёт сифатига таъсир кўрсатмоқда [5, 58-61 б.].

Иқтисодий ривожланишда саноат сектори асосий роль ўйнайди. Шу муносабат билан бугунги кунда атроф-муҳит ифлосланишининг асосий омили саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш тенденцияси бўлиб қолмоқда. Анъанавий саноат (кимё, металлургия, тоғ-кон саноати ва бошқалар) билан бир қаторда замонавий тех-

нологияларни қўллаш билан боғлиқ янги тармоқлар кенг тарқалиб, ушбу соҳалар оғир металллар каби атроф-муҳитни заҳарли чиқиндилар билан ифлослантиришга сабаб бўлмоқда.

Аҳоли пунктлари ва уларга туташ ҳудудлардаги табиий ва табиий антропоген ландшафтларни муҳофаза қилишда ландшафтни режалаштириш муҳим восита сифатида хизмат қилиши керак. Бундан ташқари, шаҳар ландшафтнинг ажралмас қисми бўлган, ҳар доим шаҳарлар ҳаётида муҳим тарихий аҳамиятга эга шаҳарлардаги кўкаламзорларни ҳимоя қилиш долзарб муаммо саналади, чунки айнан улар шаҳарлар аҳолисининг турли эҳтиёжларига хизмат қилади (коммунал-маиший, рекреация, атроф-муҳитни муҳофаза этувчи, санитария, урбанистик ва бошқалар) [6, 104-6].

Шаҳар муҳитининг долзарб муаммоларидан бири бўлган шовқин таъсири табиий ва табиий-антропоген объектлар, шунингдек, аҳолига комплекс таъсир қилиш хусусиятига эга. Илмий-техник тараққиётнинг аксарият ютуқлари шовқин таъсирининг манбалари (автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти, хўжалик, одамларнинг қурилиш ва ишлаб чиқариш фаолияти ва бошқалар) бўлиб, уларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида шаҳар муҳитига таъсир қилиши мумкин.

Шовқин таъсирини аниқлаш давлатнинг экологик ва урбанизация бўйича сиёсатини амалга ошириш доирасидаги устувор йўналишларидан бири бўлиши зарур. Бунда шаҳарларнинг “акустик” барқарорлигини таъминлаш учун бир қатор техник (технологик), шаҳарсозлик ва санитария-эпидемиологик чоралар кўрилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур йўналишдаги ижобий тажрибаларидан бири шундан иборатки, ушбу давлатда қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

концепциясида шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Белгиланган чора-тадбирлар мамлакатда “Яшил ўсиш” йўлига ўтишнинг устувор вазифаларини белгилаб беради. Улар қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, оқова сувларнинг пайдо бўлишини тартибга солиш кабиларни назарда тутати.

### **Материал ва методлар**

Мазкур мақола доктринал тадқиқот сифатида қонун ҳужжатлари ва илмий-назарий манбалар таҳлилининг ўз ичига олади. Ушбу мақолада соҳага оид илмий тушунчалар, назарий олимларнинг қарашлари, хулоса ва фикрлари ўрганилган. Шунингдек, қурилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақола мавзуга оид асосий тушунчаларни ўрганишдан бошланган, ушбу тушунчаларни ривожлантириш билан давом эттирилган ҳамда мавжуд механизмларни такомиллаштириш, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатишга оид хулосаларга келиш билан якунланган. Бу хулосаларнинг амалга ошиши инсониятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда ҳудудларни зоналаштириш ҳамда қурилиш соҳасини экологизациялашнинг ўрни ва ролини очиб бериш, аҳоли пунктларида атроф-муҳитни соғломлаштириш ҳисобига фуқароларнинг қулай атроф-табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадларига эришишга хизмат қилади.

### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

Шаҳарлар барқарор ривожланишининг муҳим шартларидан бири ҳам айнан шаҳар ривожланишининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларининг уйғунлигини таъминлашни назарда тутати. Ушбу тамойил шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этади. 1987 йилда БМТнинг Атроф-муҳит ва

ривожланиш бўйича халқаро комиссияси томонидан жорий этилган “барқарор ривожланиш” (“sustainable development” атамаси – мувозанатли, доимий қўллаб-қувватланадиган, ўзини ўзи таъминлайдиган, мақбул ривожланиш) келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини хавф остига қўймаган ҳолда ҳозирги пайтдаги эҳтиёжларни қондирадиган ривожланишни англатади.

Бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг тенг манфаатлилиги ғоясига таянадиган, экологик жиҳатдан асосланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдир. Шу билан бирга, кўплаб олимлар барқарор ривожланиш концепциясининг пайдо бўлишини БМТнинг Инсон атроф-муҳити масалалари бўйича Стокгольм конференцияси (1972) натижалари билан боғлайди. Шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий экологик муаммолари ҳамда ўсиб бораётган урбанизация масалалари БМТнинг уй-жой ва барқарор шаҳар ривожланиши бўйича Хабитат-III конференцияси (2016 йил 17–20 октябр, Кито, Эквадор) қатнашчилари томонидан ҳам кўриб чиқилган. Кун тартибидаги мақсадни (шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги, пухталиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш) амалга ошириш доирасида янги шаҳарсозлик дастури қабул қилинди (Барча учун экологик барқарор шаҳарлар ва аҳоли пунктларга бағишланган Кито декларацияси).

БМТнинг Шаҳарларни ривожлантиришнинг янги дастурини (Хабитат-III) амалга ошириш режасига мос ҳолда, алоҳида давлатларда барқарор ривожланиш концепцияси доирасида шаҳарлар ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштиришда қўлланилиши керак бўлган аниқ экологик ва ҳуқуқий чоралар комплекс тизимини яратиш лозим. Хусусан, шаҳарларни ривожлантириш ва қуришни режалаштиришда бир қатор омилларни ҳисобга олиш керак: атроф-муҳит ҳолати

(физикавий, кимёвий, биологик кўрсаткичлар ва табиий муҳит таркибий қисмлари бўйича атроф-муҳитга бўлган босим; атроф-муҳитда тўпланган зарар ва бошқа омиллар); шаҳар аҳолисининг саломатлик ҳолати (меҳнатга лаёқатли ва лаёқатсиз; ёш гуруҳлари бўйича) ва аҳолининг маълумот даражаси; шаҳарлар тури ва аҳоли сони; шаҳарнинг ихтисослашуви (иқтисодий, фан, техниканинг устувор тармоқлари ёки ўз ҳудудидан ноёб тарихий, маданий ва ҳ.к. ёдгорликларга эгаллиги); табиий ва географик омиллар (атроф-муҳит ҳарорати, сув объектларининг мавжудлиги, қуёшли ёки ёмғирли кунлар сони, энг кўп учрайдиган табиий ҳодисалар, шу жумладан, прогноз қилинадиган, ҳудуднинг сейсмик фаоллиги, сув тошқини зоналари ва бошқалар); шаҳарсозлик омиллари (мавжуд қурилишнинг табиати, шаҳарда устувор бўлган капитал қурилиш лойиҳаларининг хусусиятлари, жамоат жойлари, кўча ва йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва бошқалар).

Шаҳарларни барқарор ривожлантиришда қурилиш фаолиятини экологик, шаҳарсозлик, сейсмик ва бошқа талаблар доирасида амалга ошириш ниҳоятда муҳим бўлиб, бунда ернинг юза қатламидаги “тупроқ”ни сидириб олиш, ундан шаҳарни кўкаламзорлаштириш каби йўналишларда фойдаланиш мумкин. Қурилиш фаолиятини амалга ошириш жараёнида тупроқ эмас, балки айнан ердан фойдаланилади. Шу муносабат билан Ю.Г. Жариковнинг фикрича, “тупроқ” тушунчаси мустақил мавжуд бўлиши мумкин бўлса-да, бу ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятини ўзгартирмайди [7, 3-б.]. Бу қараш, айниқса, бино ва иншоотларни қуриш учун табиатдан фойдаланиш объектини тавсифлашда ўринлидир. Афсуски, сўнгги пайтларда юридик адабиётларда қурилиш ишларига фақат ердан фойдаланишнинг тури сифатида умумий ёндашиш қабул қилинган. Бу эса бундай фаолият-

нинг экологик (кенг маънода) мазмуни ва аҳамиятини етарли даражада акс эттирмайди.

Қурилиш ишларини режалаштиришда, одатда, қурилиш мўлжалланган участка остидаги ер қаърида фойдали қазилмалар мавжудлиги ёки йўқлиги, атмосфера ҳавосининг сифати ва радиация даражаси ҳам аниқланади. Ўзбекисон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ-393-сон қонунига биноан, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари ҳамда объектларни жойлаштириш бўйича истиқболли режалар, шунингдек, корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари, қурилиш учун ер участкалари бериш, хўжалик ва маиший мақсадларда сувдан фойдаланиш жойлари ҳамда оқова сувлар тозаланишидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, заҳарли, кимёвий, радиоактив моддалар ва бошқа моддаларни утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш масалалари бўйича, иншоотлар, турар жойлар, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасалари ва бошқа муассасалар, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда санитария-маиший бинолар, шунингдек, ускуналар, транспорт воситаларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради (12-модда).

Қонунда берилган ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик табиатдан фойдаланувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ, лекин давлат нафақат субъектга қурилиш қилиш ҳуқуқини беради, балки табиий объектдан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ мажбуриятларни ҳам ўз ичига оладиган унинг эркинлик чегарасини ҳам белгилайди.

Био ва иншоотларни қуриш ёки реконструкция қилиш натижасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар турли ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади. Қурилиш ишларини амалга ошириш учун рухсат олиш маъмурий-ҳуқуқий, қурилиш ишларини бажариш, фуқаролик-ҳуқуқий (тадбиркорлик-ҳуқуқий), ёлланма меҳнатдан фойдаланишда меҳнат-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Шунингдек, субъектлар ўртасида “жамият – табиат” соҳасидаги ижтимоий муносабатлар – ер майдонига қурилиш қилиш, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли экологик муносабатлар ҳам вужудга келади.

Аҳоли пунктларида қурилиш фаолияти – бу жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг табиий объектлардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятидир. Бунинг натижасида ер сатҳининг тегишли қисми ва унда (ёки унинг остида) жойлашган табиий объектлар сунъий равишда кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар, тугалланмаган қурилишлар, рухсатсиз қурилишлар) қуриш ёки реконструкция қилиш натижасида табиий ва антропоген объектга айлантирилади. Ер майдонларига қурилиш қилишга оид ишларни экологик жиҳатдан аҳамиятли фаолият [8, 18-б.] сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, мазкур фаолият ҳам табиий манбаларга интенсив таъсир кўрсатиш усули билан тавсифланади ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатларини кўзлаб, уларни амалга оширишда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни талаб қилади.

Гувоҳи бўлганимиздек, қурилиш қадим-қадимдан ер ва табиий объектларни ўзгартиради. Шунга қарамай, экологик қонунчилик табиий хусусиятларини сақлаб қолган ерларни айнан табиий объектлар қаторига қўшиш имконини беради. Шунинг учун қурилиш натижасида ер юзаси табиий ва антропоген объектга айланади, деб таъкидлаш мумкин.



Биоларни қурилган ерлар, уларнинг қонунийлигига қараб таснифлашда қонуний равишда қурилган бино ва иншоотлар эгаллаб турган ерлар ҳамда рухсатсиз қурилган биолар эгаллаб турган ерларга ажратиш мумкин. Функционал мақсадига кўра эса биолар икки гуруҳга ажратилади: турар-жой ва нотурар-жой, яъни яшаш учун мўлжалланмаган биолар.

Ер юзасидан, айниқса, мегаполис-шаҳарларда оқилона фойдаланиш зарурати савдо ва умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ва бошқа мақсадлар учун ер ости иншоотларини қуриш заруратини очиб берди. Шу боис замонавий дунёда бир хил миқдордаги ер ости ва ер усти қаватларига эга биолар қурилиши кенг учрайди. Ер ости иншоотлари ер сатҳидан пастда жойлашиб, уларни қуриш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ер ости бойликлари тўғрисидаги махсус қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

Бугунги кунда деярли барча аҳоли пунктлари улардан фойдаланиш шакли ва мақсадига кўра зоналаштирилади. Юридик адабиётларда “худудларни экологик зоналаштириш” тушунчасига ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Хусусан, айрим муаллифлар экологик зоналаштиришни улардан оқилона фойдаланиш ва зарур даражада ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида худудлар, сув зоналари, ҳаво бўшлиғи, табиий объектлар ва манбаларнинг чегараларини аниқ ва яққол белгилаш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирлар тизими сифатида белгилайди [9, 134-б.].

Худудий зоналаштириш – бу аҳоли пунктининг худудини зоналарга бўлиш ва уларнинг ҳуқуқий режимини шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қурилиш қоидаларида белгилаш, шаҳарсозлик соҳасидаги тегишли органларнинг ер участкаларидан фойдаланиш, уларда бино ва иншоотларни ягона комплекс сифатида ташкил этиш ва улардан фойдаланишни келишилган ҳуқуқий

тартибга солишга қаратилган фаолиятидир [10, 22-б.].

In addition, if the violation is committed repeatedly, the perpetrator may be sentenced to imprisonment from 15 days to two years and a fine (2.5-10 thousand dollars), with aggravating circumstances – to imprisonment from 90 days to 3 years and a fine (5-25 thousand dollars). Punishment can be imposed simultaneously – and a fine, and imprisonment.

As for drug trafficking, the institution of “drug-free zones” around schools and other childcare facilities has been established at the

federal level. Under the Schoolyard Act, the United States provides more severe penalties for selling drugs in the immediate vicinity of playgrounds (up to 1,000 feet) or within 100 feet of places where children gather. In this case, the term of imprisonment is doubled [8].

In addition, according to the United States Anti-Drug Abuse Act of 1986 when people who are under the age of 18 use drugs for their own purposes, their sentences are doubled (when minors are first involved in their business) [10].

With the re-involvement of minors, the time shall be tripled. Similarly, responsibility for the sale of drugs to persons under the age of 21 is progressing.

For the sale of special substances under control near schools to a person whose age is below 19 years, the US Marijuana Reform Act of 1977 provides for liability in the form of imprisonment for up to 25 years.

### Conclusions

To summarize all of the above, we can draw the following conclusions. International studies show that the population of Sweden is especially health-conscious. In Russia, among youth, the level of self-preserving behavior is lower. Among respondents under the age of 35, 10-11% consider drug use acceptable or requiring condescension.

Sweden's achievements are additional evidence that each state is responsible for the scope of the drug problem in its country.

The problem of the illegal distribution of drugs and their non-medical consumption cannot be solved by police methods alone without unifying national laws in this area, the constant exchange of information, and establishing trusting relationships with society.

Control is necessary not only over drug trafficking, but also over the people who use drugs. It is very important to provide society with a value system, as, for example, in Sweden, a "drug-free society" was raised to the level of a national idea. At the state level, as practice shows, this is achievable.

It is important to remember that legislation has an important, but not the most important role in the fight against drugs. The most effective measure will be those that affect the causes of the problem directly, i.e. they reform the criminal justice system, provide it with personnel and finances, and improve the prevention system.

In many developed countries today there is a system of legal, medical, social and other support for the rehabilitation of drug addicts at the same time as a powerful propaganda campaign against drugs. In the Republic of Uzbekistan, unfortunately, such a system is not sufficiently developed, which complicates the mobilization of all the forces of society in the fight against this serious illness.

For more than 30 years, drug courts have been functioning there, involuntary (alternative) treatment of offenders for drug addiction has been organized, students are required to periodically test for drug use in almost all states, and a universal ban on smoking in public places with the use of economic sanctions for smokers is legally established.

A comparative analysis of the criminal law shows that the USA has more stringent requirements for recognizing the offender as insane, in comparison with the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, more severe penalties for similar criminal and administrative offenses are provided in USA.

Most states have retained the death penalty as a criminal offense. Under US law, when a person commits several offenses, the criminal punishment provided for in each of them is added up.

In the Republic of Uzbekistan, in a similar situation, the principle of absorption of a shorter sentence is used:

- repressive or prohibitive policies;
- liberal or non-prohibitory policies;
- restraint or restrictive policies.

The aim of the repressive strategy of the anti-drug policy is to form an active civic

stand on drug abuse and drug trafficking to maximize the eradication of this negative social phenomenon. In accordance with this, the ideology of a repressive strategy is as follows:

- drug addict is a social danger;
- addiction is incurable and the use of medical measures is not enough;
- tough measures of social control over drug trafficking (both legal and illegal) are needed.

In conclusion, it is worth noting that the use of search equipment is important in the activities of customs authorities in identifying crimes in the field of drug trafficking.

For the detection of caches for storing narcotic drugs, they use publicly and secretly the means of search technology of contact action (cats, probes, borax), and for the detection of caches with cavities – they use means of non-contact search technology (metal detectors and X-ray television equipment). Detection of drugs during transportation in freight wagons and containers by personal investigations is a labor-intensive and time-consuming process. Therefore, without the proper organization of operational work, achieving high results in this direction is rather difficult.

## REFERENCES

1. Shmaly O.V. The effectiveness of the executive branch as a legal category: monograph. Moscow, University book, 2011, pp. 12-13.
2. UNODC World Drug Report 2012, p. 2. Available at: [http://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/WDR2012/Executive\\_summary\\_russian.pdf/](http://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/WDR2012/Executive_summary_russian.pdf/) (accessed 01.03.2021).
3. Sokrashchenie sprosa na narkotiki. Analiticheskiy obzor [Reducing the demand for drugs. Analytical review]. Available at: <http://ncdc.uz/ru/sokrashchenie-sprosa-na-narkotiki/analiticheskie-obzory/> (accessed 10.02.2021).
4. Convention on Psychotropic Substances. Vienna, 02.21.1971.
5. Shvedskaja model' bor'by s narkotikami dolzhna stat' primerom dlja drugih gosudarstv. Direktor Upravlenija OON po narkotikam i prestupnosti Antonio Marija Kosta [The Swedish model of the fight against drugs should become an example for other states. Director of the United Nations Office on Drugs and Crime Antonio Maria Costa]. Available at: <https://news.un.org/ru/story/2006/09/1092601/> (accessed 01.02.2021).
6. Koziakov R.V. Experience of Sweden. NarcoNet. 2013, no 1, pp. 28-31.
7. Ugolovnoe pravo zarubezhnyh stran [Criminal law of foreign countries]. Available at: <https://zaochnik.com/spravochnik/pravo/ugolovnoe-pravo-zarubezhnyh-stran/istochniki-ugolovnogo-prava-ssha/> (accessed 20.05.2021).
8. Opyt SShA v bor'be s narkomaniej. Spravka [US experience in the fight against drug addiction. Reference]. Available at: <https://ria.ru/20110627/393838957.html> (accessed 01.02.2021).
9. Drug Possession Penalty Act of 1986, ст. 21 Title 21 USC. Available at: <http://www.unodc.org/doc/enl/1986-30-E.pdf> (accessed 01.02.2021).
10. H.R.5484 – Anti-Drug Abuse Act of 1986. Available at: <https://www.congress.gov/bill/99th-congress/house-bill/5484/> (accessed 01.05.2021).

UDC: 343.244.23

ORCID: 0000-0002-8155-9839

## ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

**Очилов Самариддин Камолиддинович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Ихтисослаштирилган филиали,  
“Жиноят-ҳуқуқий фанлар” кафедраси  
мудири вазифасини бажарувчи;  
e-mail: ochilovsamariddin20@gmail.com,

**Аннотация.** Мазкур илмий мақолада шартли ҳукм қилиш институтининг мазмуни, ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти, уни қўллаш асослари, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти динамикаси, бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили, тадқиқотчи-олимларнинг илмий-назарий қарашлари, шартли ҳукмни қўллашнинг долзарблиги, уни қўллашда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари, шартли ҳукм қилиш институтини қўллашни кенгайтириш масалалари, шартли ҳукм қилишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенгайтириш юзасидан илмий-назарий хулосалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** маҳкум, суд, ҳукм, жазо, шартли ҳукм, синов, мажбурият, жазодан озод қилиш.

### ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ИНСТИТУТА УСЛОВНОГО ОСУЖДЕНИЯ

**Очилов Самариддин Камолиддинович,**  
и.о. заведующего кафедрой  
«Уголовно-правовые дисциплины»  
Специализированного филиала  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** Данная статья содержит результаты изучения института условного осуждения, динамики его социально-правовой значимости, основ применения, существующей судебной практики и определения в законодательстве. Проанализировано законодательство зарубежных стран и научно-теоретические взгляды ученых-исследователей данного направления. Рассмотрены вопросы срочности применения условного осуждения и проблемы расширения использования этого института. Теоретические выводы и рекомендации направлены на изменение и дополнение законодательства и расширение практики правоохранительных органов при использовании института условного осуждения.

**Ключевые слова:** заключенный, суд, приговор, наказание, условное осуждение, тестирование, обязательство, освобождение от наказания.

### THE LEGAL NATURE OF THE INSTITUTE OF SUSPENDED SENTENCE

**Ochilov Samariddin Kamoliddinovich,**  
The Head of the Department Criminal Law Disciplines  
of Specialized branch of Tashkent State University of Law

**Abstract.** This article contains the results of the study of the institute of suspended sentence, the dynamics of its socio-legal significance, the bases of application, the existing judicial practice and the definition in the



*legislation. The legislation of foreign countries and scientific-theoretical views of scientists-researchers of this direction are analyzed. The issues of the urgency of suspended sentence application and the problems of expanding the use of this institution are considered. Theoretical conclusions and recommendations are aimed at changing and supplementing the legislation and expanding the practice of law enforcement agencies in the use of the institution of suspended sentence.*

**Keywords:** prisoner, court, sentence, punishment, suspended sentence, testing, obligation, discharge.

## Кириш

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла-тўқис рўёбга чиқаришни таъминлашга қаратилган ислоҳотлар демократик жамиятнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари замирида ҳам жиноят қонунчилигини такомиллаштириш орқали жиноий-ҳуқуқий муносабатларда унга энгиллик бериш назарда тутилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар сифатида эътироф этилди.

Жиноий жазоларни инсонпарварлаштириш, ўз навбатида, шахснинг ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, тайинланган жиноий жазодан ижобий хулоса чиқариш, жамият тартиб-таомилларини қабул қила олиш, энг муҳими, тайинланган жиноий жазонинг инсонийлиги ва суднинг чинакам одиллигини ҳис қила олишини назарда тутди.

Жиноят қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири деб эътироф этилди.

Бунинг учун эса жиноят қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эр-

кинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чораларини етарли даражада қўллаш ҳамда самарадорлигини ошириш тақозо қилинмоқда.

Шу сабабли жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, пировард натижада, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари сифатида қайд этилди.

Маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилган жазо жиноятга эмас, балки жиноятчига мослаштирилган бўлиши керак. Мазкур қараш замирида жиноятчи кейинчалик жиноят содир этмаслиги, жамият эса унинг реабилитациясини таъминлаши лозим, деган фикр ётади. Бироқ ушбу назарияни содир этилган жиноят учун чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларга қўллаб бўлмади [1, 20-б.].

Жиноят қонунчилигидаги жазо институтини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Концепциянинг “Жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш” йўналиши доирасида рағбатлантирувчи нормалар, жумладан, жазони энгиллаштириш ёки шахсни жи-

ной жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш назарда тутилди.

Умуман олганда, жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш зарурияти, биринчидан, жазони тайинлашдан кўзланган ҳуқуқий мақсадга эришиш бўлса, иккинчидан, инсонпарварлик принципи рўёбга чиқарилишини таъминлаш, шунингдек, яна бир муҳим жиҳат – биринчи марта жиноят содир этган шахснинг қайта жиноят содир этишига йўл қўймасликдир.

### **Материал ва методлар**

Ўрганиш учун шартли судланганлик институтини, унинг ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамияти динамикасини, қўлланилиш асосларини, амалдаги суд амалиёти ва қонунчиликдаги таърифларни ўрганиш керак. Чет давлатларнинг қонунчилиги ва тадқиқотчиларнинг ушбу соҳадаги илмий-назарий қарашлари таҳлил қилинди ва шунингдек, синов муддатини қўллаш муддати ва ушбу муассасадан фойдаланишни кенгайтириш муаммоларини муҳокама қилади. Бу қонунчиликни ўзгартириш ва тўлдириш ҳамда ички ишлар идоралари томонидан институционал шароитлардан фойдаланиш амалиётини кенгайтиришга қаратилган назарий тахминлар ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

Жиноий жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган мажбурлов чораси сифатида эътироф этилади. Ҳуқуқий жиҳатдан жазо қўллашнинг учта мақсади мавжуд. Булар маҳқумни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш, янги жиноятларнинг олдини олишдир. Жазо қўллашда шу учта мақсадга эришиш кўринмаса, бундай ҳолатда жазо қўлланилиши самарасиз бўлади.

Жазодан озод қилиш турлари орасида шартли ҳукм қилиш инсонпарварлик принципининг амалий ифодаси бўлиб,

жазодан кўзланган мақсадга максимал даражада эришишга хизмат қилади. Бунда шахсни жазоламасдан туриб ҳам хулқини тузатиш имкони мавжудлигига асосий эътибор қаратилади. Айнан жазодан озод қилишнинг шартли ҳукм қилиш институтини қўллашни кенгайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шу сабабли шартли ҳукм қилиш институтини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, ушбу институтни қўллаш доирасини кенгайтириш жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларидан биридир.

Шартли ҳукм қилиш жиноий жазони амалга оширишдан кўзланган мақсадга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади. Мазкур жиноий-ҳуқуқий институт содир этилган қилмиш учун жиноят қонунда назарда тутилган муқаррар жазони қўлламасдан туриб ҳам шахсни тарбиялаш ва жиноят содир этишдан қайтариш мумкин деган суд хулосасини ифодалайди. Жиноят содир этган шахс жавобгарлик процесси якунига етмасдан ҳам ўз қилмишининг моҳиятини тушуниб етади ва тегишли хулосага келади. Бундай ҳолат қонунда муқаррар бўлган жиноий жазони қўлламаслик заруриятини келтириб чиқаради.

Жиноят ҳуқуқи жиҳатидан синов муддати муқобил жиноий жазонинг тури ҳисобланади. Шартли қамоқнинг жиноий-процессуал жиҳатлари – судгача иш юритиш босқичлари, жазо тайинлаш ва муайян ҳуқуқий чоралар таъсири (асосий ва ихтиёрий мажбуриятлар)да намоён бўлади. Жиноят ҳуқуқи жиҳатидан синов муддати муқобил жиноий жазонинг тури ҳисобланади [16, 54-б.].

Синов муддатини амалга ошириш ёки синовни назорат қилишдаги замонавий тенденциялар синов муддати давомида пробацацияга олинган шахсни қайта тиклаш (реабилитация) ва жамиятга мослаштириш (ресоциализация)нинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг бўшинчи бўлимида жавобгарлик ва жазодан озод қилиш доирасида 72-моддага мувофиқ, шартли ҳукм қилишнинг норматив асослари белгиланган. Мазкур моддага кўра, суд шартли ҳукмни қўллаш масаласини озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида ҳал қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддасида синов муддати, синов муддатини назорат қилувчи органлар, шартли ҳукм қилинган шахсга юклатиладиган мажбуриятлар, шартли ҳукм мажбуриятларини бажармаслик оқибатлари, мажбуриятларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини олиб ташлаш ёки янги мажбуриятлар юклаш тартиби баён этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасидаги давлатлар жиноят қонунчилигида ҳам шартли ҳукм қилишга оид нормалар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Мазкур давлатлар жиноят қонунчилигидаги шартли ҳукм қилиш орқали жазодан озод қилиш механизми бир қатор ўзига хос бўлган хусусиятларга кўра, бизнинг жиноят қонунчилигимиздан фарқли жиҳатлари намоён бўлади.

Хусусан, Беларусь Республикасининг Жиноят кодексига [2] эса шартли ҳукм ўн биринчи бўлим, яъни жиноий жавобгарликнинг бошқа чоралари сифатида 79-моддасига мувофиқ, шартли ҳукмни жазони шартли равишда қўлламаслик билан судлаш сифатида изоҳлайди.

Грузия Республикасининг жиноят қонунчилигида шартли ҳукм қилишга оид муносабатларнинг батафсил тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур давлат Жиноят кодексига шартли ҳукмга оид қоидалар алоҳида ўн иккинчи бўлимда [3] акс этган бўлиб, 63-моддада шартли ҳукм қилиш тартиби, 63-моддада

шартли ҳукм қилиш асослари, 64-моддада синов муддати, 65-моддада масъулиятни белгилаш, 66-моддада назорат ва ёрдам, 67-моддада шартли ҳукмни бекор қилиш ёки синов муддатини қисқартириш белгиланган.

Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳам алоҳида тўртинчи бўлимда [4] шартли ҳукмга оид нормалар баён этилган. Мазкур давлат Жиноят кодексининг 63-моддасида шартли ҳукм қилиш, 64-моддасида шартли ҳукмни бекор қилиш асослари алоҳида ёритилган.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг [5] ўнинчи бўлимида жазо тайинлаш доирасида 73-моддага мувофиқ, шартли ҳукм қилиш тартиблари белгиланган. Ушбу давлат Жиноят кодексига шартли ҳукм қилиш жазодан озод қилиш тури сифатида эмас, жазо тайинлаш тоифалари сифатида қайд этилган.

Худди шунингдек, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг [6] ўнинчи бўлимида жазо тайинлаш 70-модда тартибида жазонинг шартли равишда қўлланилмаслиги белгиланган. Мазкур давлат қонунчилиги ҳам шартли ҳукм қилишни жазодан озод қилиш институти сифатида инкор этиб, жазо тайинлаш тоифаси сифатида қарайди ва шартли ҳукм эмас, балки жазони шартли қўлламаслик асоси сифатида баён қилади.

Озарбайжон Республикасининг Жиноят кодекси тўққизинчи бўлими 70-моддаси [7] тартибида шартли ҳукм қилиш ҳам Россия Федерацияси ва Арманистон Республикаси жиноят қонунчилигига ўхшаш бўлиб, шартли ҳукм қилиш жазо тайинлаш доирасида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг бешинчи бўлимида жазодан озод қилиш доирасида шартли ҳукм қилиш баён этилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғриси-

да»ги 1-сон қарорида шартли ҳукм қилишга оид нормаларга шарҳ берилган.

Ваҳоланки, жиноят қонунчилигимизга кўра, шартли ҳукм қилиш Жиноят кодексининг жазодан озод қилишга оид бўлимида тартибга солинган экан, шартли ҳукм қилишга оид нормалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сон қарори доирасида тушунти-

риш берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланарди.

Мамлакатимиз биринчи инстанция судларида жиноят ишлари кўриб чиқиши динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кўриб чиқилган жиноят ишлари, судланганлар, шундан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганлар шартли ҳукм қилинганлар сони бўйича ўзаро тафовутлар мавжудлигида кўринади.

1-жадвал

Йиллар	Жами кўриб чиқилган жиноят ишлари		Судланганлар	Шундан		
	Иш	Шахс		ОМҚ билан боғлиқ жазо тайинланганлар	ОМҚ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганлар	Шартли ҳукм қилинганлар
2019 й.	28846	36845	27603	7017	19286	1368
2020 й.	30282	38137	28000	7111	19838	1051
2021 й. 1-ч.	9808	12696	9467	2492	6610	306

Мазкур жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда жами судланган шахсларнинг 25 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо, 70 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган бўлса, 0,05 фоизи шартли ҳукм қилинган.

Шунингдек, 2020 йилда жами судланган шахсларнинг 25 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо, 52 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган бўлса, 0,03 фоизи шартли ҳукм қилинган.

Ёки, 2021 йилнинг 1-чорагида жами судланган шахсларнинг 26 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо, 70 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган бўлса, 0,03 фоизи шартли ҳукм қилинган.

Жазодан озод қилиш институти катта ижтимоий аҳамиятга эга. Маҳкумнинг хулқ-атворидаги ижобий ўзгаришларга қараб, жиноий репрессия ҳажми қисқартириб борилади, жазонинг мақсадига қараб аниқ шахсга нисбатан тегишли муносабат билдирилади [8, 4-б.].

Суд шартли ҳукмни қўллашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олади. Суд жазо тайинлаш масаласини кўриб чиқаётган вақтда шартли ҳукм қилиши учун айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиши лозим.

Айбдорга нисбатан суд белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартли-



лигини бекор қилиш асослари келиб чиқ-маса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланади.

Қонун синов муддати давомийлигини тайинланган жазо миқдори билан боғла-майди. Бу масала суд томонидан ҳар сафар содир этилган жиноятнинг хусусияти ва судланувчининг шахсидан келиб чиқиб ҳал этилади.

Озодликка чиқувчилар учун жиноятни бошқа қилмаслик шarti қўйилиб, жазо шартли равишда бекор қилинишига олиб келади. Шунинг учун ушбу турдаги озод қилиш шартли деб номланади.

Шу билан бирга, ҳукм, аслида, синов муддати сифатида ишлайди, шартли синов давомида озод қилинган шахс қонун билан белгиланган шартларгарио қилиши керак [9, 8-б.].

Шартли ҳукм қилинганда, суд мавжуд асосларга кўра, маҳкумга нисбатан му-айян вақт мобайнида бир қатор мажбури-ятларни юклайди. Мазкур мажбуриятлар ўз хусусиятига кўра икки гуруҳга бўли-нади. Бунда биринчи гуруҳга кирадиган мажбуриятларни реабилитация мажбу-риятлари, иккинчи гуруҳни режим маж-буриятлари деб эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

## 2-жадвал

ШАРТЛИ СИНОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ	
<i>Реабилитация мажбуриятлари</i>	<i>Режим мажбуриятлари</i>
Етказилган зарарни бартараф қилиш	Яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда махсус ваколатли органга хабар бериш
Ишга кириш	Иш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда махсус ваколатли органга хабар бериш
Ўқишга кириш	Ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда махсус ваколатли органга хабар бериш
Алкоголизм касаллигидан даволаниш курсини ўташ	Вақти-вақти билан махсус ваколатли органлардан рўйхатдан ўтиб туриш
Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик касаллигидан даволаниш курсини ўташ	Муайян жойларда бўлмаслик
Таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташ	Муайян вақтда яшаш жойида бўлиш

Жазони ижро этишнинг эркинликни чекламаган режими уни амалга ошириш, кўп даражада жиноят қонунчилиги, қонуности ҳужжатлари, актлар, шунингдек, суд ҳукми ва жазо тайинланиши орқали ҳуқуқий тартибга солиниши билан ажралиб туради. Бу эркинликни чеклайди, муҳим профилактика имкониятларини яратади, аммо уларни тўлиқлигича амал-га оширишда тегишли принципларга рио-я қилишни талаб қилади. Улар қуйида-гиларни ўз ичига олади: ижтимоий криминологик мустаҳкамлик, маҳкумлар томонидан тақиқ ва мажбуриятларга зарур ва етарлича рио-я қилиниши, аниқ ва

мақсадга мувофиқлиги, ўз вақтида тузатиш [10, 9-б.].

Шахснинг синов муддатини ўташи давомида суд томонидан унга юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги ёки номуносиб хатти-ҳаракат содир этиши муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Синов муддатида бўлган шахснинг хатти-ҳаракатлари ва унинг шартли синовга бўлган муносабати унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган томонидан кузатиб борилади ва тегишли муносабат билдирилади.

Хусусан, ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг

тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Шунингдек, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан, жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шу билан бирга, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва муайян ҳолатларни, маҳкумнинг шахси ва синов муддати давомидаги хулқ-атворида доир маълумотларни ҳисобга олиб, суд шартли ҳукмни аслича қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан мамлакатимизда Пробация хизмати жорий этилиб, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгаришартли озодқилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш ушбу хизмат бўлинмаларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Назорат остидаги синов муддати ва назоратсиз синов муддати бўлиб, иккаласини бекор қилиш учун қамоқ вақтини ҳисобга олиш лозим бўлган. Натижалар шуни кўрсатадики, яхши шароитлар ва кўп-роқ учрашувлар юқори даражадаги назорат олиб борилишини тақозо қилган. Пробация ходимлари ҳуқуқбузарларни чақариб олиш ва қамоққа олиш эҳтимоли юқори бўлганлигини аниқлаган. Бу жуда

муҳим бўлиб, назорат остидагиларга қўлланадиган синов муддатининг энг кенг тарқалган тури шартли ҳукм эди [11, 67-б.].

Жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик билан узвий ҳамкорликда қайта тарбиялаш пробацяннинг моҳиятини ифодалайди. Мамлакатимизда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробацян бўлинмалари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Натижада назорат остидагилар томонидан қайта жиноят содир этилиши камайишига эришилди.

Масалан, судланган шахслар томонидан оғир ёки ўта оғир жиноятлардан қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-101-моддалари) жинояти 2020 йилда (377 та) 2018 йилга (479 та) нисбатан 102 тага камайган бўлса, қасддан баданга оғир ва ўртача оғирликда тан жароҳати етказиш (ЖК 104-105 моддалари) жинояти 2020 йилда (1880 та) 2019 йилга (1614 та) нисбатан 266 тага, 2018 йилга (2073 та) нисбатан 193 тага камайган [12].

Шартли ҳукм қилиш институтининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг жорий этилиши ижтимоий ҳолати, шахсий характер ва хусусиятларига кўра, жазога ҳукм қилиниши мақсадга мувофиқ бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла-тўқис рўёбга чиқариш, жазодан кўзланган ҳақиқий мақсадга эришиш, жиноят содир этган шахснинг хулқига акс таъсирининг олдини олишга хизмат қилади. Шу боис шартли ҳукм қилиш институти илмий-назарий жиҳатдан чуқур тадқиқ этилиши орқали ушбу институтни кенгроқ қўллашга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқи ва жиноят қонунчилиги нуқтаи назаридан шартли ҳукм қилишнинг ўрнига аниқлик киритиш учун ушбу институтнинг жиноят

хуқуқи тизимида жойлашишини қайта кўриб чиқиш лозим. Жумладан, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, тадқиқотчи-олимларнинг қарашлари, шартли ҳукм қилишга оид илмий-назарий категориялар, шартли ҳукмнинг ижтимоий-хуқуқий мазмуни ҳам унинг жазо тайинлаш ёки жазодан озод қилиш институтлари доирасида бўлишини инкор қилади. Шунга кўра, шартли ҳукм қилиш институти ўзининг илмий-назарий ва ижтимоий-хуқуқий моҳиятига кўра, алоҳида хуқуқий таъсир чораси сифатида жиноят хуқуқида ўрин эгаллаши ва пировард натижада, жиноят қонунчилигида алоҳида институт сифатида ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ.

### Хулосалар

Юқорида баён этилганларга кўра, шартли ҳукм қилиш институти тадқиқ этиш бу борада юзага келган долзарб масалаларнинг илмий-назарий ечимлари юзасидан қуйидаги хулосаларни келтириб чиқаради:

*биринчидан*, шартли ҳукм қилиш институти қўллаш доирасига тушадиган

шахснинг ижтимоий-хуқуқий портретини шакллантириш, бунда шартли ҳукм талабларини шахс ижтимоий-психологик портретида асосий индикаторлар сифатида эътироф этиш;

*иккинчидан*, шартли ҳукм қилиш институти жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва расмий шарҳлар орқали берилган тушунтиришлар ёрдамида ушбу институтдан хуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланишни кенгайтириш;

*учинчидан*, шартли ҳукм қилиш институти жазодан озод қилишдан алоҳида бўлим сифатида ажратиб, бошқа хуқуқий таъсир чораси доирасидаги институт сифатида белгилаш ва хуқуқий мазмуни батафсил ёритиш.

Тадқиқот мавзуси юзасидан қайд этилган илмий-назарий ва таҳлилий хулосалар мамлакатимиз жиноят қонунчилигига шартли ҳукм қилиш институти алоҳида бўлим сифатида киритиш ва унинг хуқуқий мазмуни батафсил ёритиш орқали хуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланишни кенгайтиришга хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Holikulov U.Sh. Demokratik islohotlarni chuqurlashtirish sharoitida O'zbekiston Respublikasi jinoyat qonunchiligini takomillashtirishning nazariy asoslari. Juridik fanlar doktori dissertatsiyasi avtoreferati [Theoretical foundations of improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan in the context of deepening democratic reforms. Author's abstract of the dissertation of the Doctor of Law]. Tashkent, 2019, pp. 20-57.
2. Uголовnyj kodeks Respubliki Belarus' [Criminal Code of the Republic of Belarus]. Available at: [https://www.legislationline.org/download/id/8314/file/Belarus\\_CC\\_1999\\_am2019\\_ru.pdf/](https://www.legislationline.org/download/id/8314/file/Belarus_CC_1999_am2019_ru.pdf/) (accessed 26.01.2021).
3. Uголовnyy kodeks Gruzii [Criminal Code of Georgia]. Available at: [https://www.legislationline.org/download/id/8305/file/Azerbaijan\\_Criminal\\_Code\\_am\\_2018\\_ru.pdf/](https://www.legislationline.org/download/id/8305/file/Azerbaijan_Criminal_Code_am_2018_ru.pdf/) (accessed 26.01.2021).
4. Uголовnyj kodeks Respubliki Kazahstan [Criminal Code of the Republic of Kazakhstan]. Available at: [https://www.legislationline.org/download/id/8973/file/Kazakhstan\\_Criminal%20Code%20%20%E2%84/](https://www.legislationline.org/download/id/8973/file/Kazakhstan_Criminal%20Code%20%20%E2%84/) (accessed 26.01.2021).
5. Uголовnyj kodeks Rossijskoj Federacii [Criminal Code of the Russian Federation]. Available at: [https://www.legislationline.org/download/id/8292/file/Russian\\_Federation\\_CC\\_am2019\\_ru.pdf/](https://www.legislationline.org/download/id/8292/file/Russian_Federation_CC_am2019_ru.pdf/) (accessed 26.01.2021).

6. Ugolovnyj kodeks Respubliki Armeniya [Criminal Code of the Republic of Armenia]. Available at: [https://www.legislationline.org/download/id/8989/file/ARM\\_Criminal%20Code\\_ru\\_as%20of%2010%20Jul%202019.pdf/](https://www.legislationline.org/download/id/8989/file/ARM_Criminal%20Code_ru_as%20of%2010%20Jul%202019.pdf/) (accessed 26.01.2021).

7. Ugolovnyj kodeks Azerbajdzhanskoj Respubliki [Criminal Code of the Republic of Azerbaijan]. Available at: [https://www.legislationline.org/download/id/8305/file/Azerbaijan\\_Criminal\\_Code\\_am\\_2018\\_ru.pdf/](https://www.legislationline.org/download/id/8305/file/Azerbaijan_Criminal_Code_am_2018_ru.pdf/) (accessed 26.01.2021).

8. Jakovleva L.V. Institut osvobozhdeniya ot nakazaniya v Rossijskom prave [Institution of exemption from punishment in Russian law. Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Law]. Moscow, 2003, p. 4.

9. Rashidov Sh.M. Ugolovno-pravovye problemy primeneniya uslovno-dosrochnogo osvobozhdeniya ot otbyvaniya nakazaniya (po materialam Respubliki Dagestan) [Criminal legal problems of the application of parole from serving a sentence (based on the materials of the Republic of Dagestan). Abstract of dissertation for the degree of candidate of legal sciences]. Makhachkala, 2005, p. 8.

10. Rahmatuli Z.R. Nepenitenciarnyj rezhim ogranicheniya svobody: jeffektivnost' i sredstva obespecheniya [Non-penitentiary regime of restriction of freedom: efficiency and means of ensuring. Abstract of dissertation for the degree of candidate of legal sciences]. Tomsk, 2018, p. 9.

11. Hilgendorf J. Understanding the role of probation: observing the effectiveness of probation as an alternative to incarceration in Larimer county Colorado. In partial fulfillment of the requirements. For the Degree of Master of Arts Colorado State University Fort Collins, Colorado. Spring 2017, p. 67.

12. Jinoyat ishlari bo'yicha sudlarning 2018-2019 yillar hamda 2020 yil asosiy ko'rsatkichlari. Official website of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. Available at: [https://stat.sud.uz/file/2021/jib/jib\\_2020.pdf/](https://stat.sud.uz/file/2021/jib/jib_2020.pdf/) (accessed 26.01.2021).

13. Tynybekov N.T. Praktika primeneniya probacii v zarubezhnyh stranah [The practice of using probation in foreign countries]. Juridicheskaja nauka – Legal science. 2019, no 5, p. 54.



UDC: 343.137.5

ORCID: 0000-0002-8019-0283

## ВОЗНИКНОВЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТА ОТВЕДЕНИЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ОТ СИСТЕМЫ ПРАВОСУДИЯ

**Ташев Азизбек Ибрагимович,**  
сотрудник прокуратуры Бухарской области,  
e-mail: tashev\_azizbek@mail.ru

**Аннотация.** *Институт отведения несовершеннолетних от системы уголовного правосудия получил отражение в различных международно-правовых документах по вопросам защиты прав ребенка. Это очень значимый и в то же время, по мнению критиков, довольно спорный международный стандарт. Благодаря спорам сторонников и противников института и постоянной работе над ошибками он возник и получил развитие во многих странах. Для того чтобы получить полноценное и объективное представление о нем, в статье рассматриваются причины его возникновения, этапы формирования, перспективы развития теории и практики. Сторонников мер по отведению от формальной системы правосудия становится больше, и их позиции укрепились в науке и практике. Исследования и многолетний метаанализ доказывают, что они являются наиболее эффективными, чем формальные процедуры уголовного правосудия. Результаты этих исследований также показывают, что меры отведения – не панацея, но эффективнее официального и формального процесса уголовного расследования и преследования. В этой связи в статье проводится обзор зарубежной литературы и национального правоприменительного опыта стран США, Англии, Германии, Японии. Его целью является получить как можно больше свидетельств положительной практики по обеспечению наилучших интересов ребенка в уголовном судопроизводстве, а также оценить и избежать риски отрицательного опыта стран по имплементации международно-правовых актов. Кроме того, приводится обзор концепций и результатов научных исследований в области отведения несовершеннолетних от системы уголовного правосудия, что также создает почву для плавного и грамотного внедрения данных мер на основе научно-обоснованных выводов.*

**Ключевые слова:** *отведение несовершеннолетних, правосудие, ювенальная юстиция, реабилитация, реинтеграция.*

### ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ АДЛИЯ ТИЗИМИДАН ЧЕТЛАШТИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

**Ташев Азизбек Ибрагимович,**  
Бухоро вилоят прокуратураси ходими

**Аннотация.** *Вояга етмаганларни жиноий таъқибдан четлатиш институти бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича турли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган. Бу жуда муҳим ва шу билан бирга, танқидчиларнинг фикрича, жуда мунозарали халқаро стандарт. Институт тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасида давом этаётган низолар ва хатолар устида доимий равишда ишларнинг олиб борилиши туфайли мазкур институт кўплаб мамлакатларда вужудга келган ва ривожланиб кетган. Бу ҳақда тўлиқ ва объектив тасаввурга эга бўлиш учун мақолада институтнинг пайдо бўлиш сабаблари, шаклланиш босқичлари, назария ва амалиётнинг*

ривожланиш истиқболлари ўрганилган. Вужудга келганда ва бутун ҳаёти давомида четлатиш чоралари кучли қаршиликка дуч келингани эътиборга молик ҳолат, шу билан бирга расмий жиноий таъқибдан четлатиш чоралари тарафдорларининг вақт ўтиши билан ортиб борганлигини ва уларнинг мавқеи фан ва амалиётда мустаҳкамланганлигини ҳам инобатга олиш даркор. Тадқиқотлар ва йиллар давомида ўтказилган мета-таҳлиллар уларнинг расмий процессуал жараёнларига қараганда самаралироқ эканлигини исботлади. Шу билан бирга, ушбу тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, четлатиш чоралари ўз-ўзидан вакцина воситаси эмас, балки жиноят ишини тергов қилиш ва таъқиб қилишнинг расмий жараёнларидан бир неча баравар самарали воситадир. Шу муносабат билан, мақолада хорижий адабиётлар ва АҚШ, Англия, Германия ва Япония давлатларининг миллий ҳуқуқни қўллаш тажрибалари кўриб чиқилган. Унинг мақсади – боланинг расмий процессуал жараёнидаги манфаатларини таъминлаш учун иллатли борича илғор амалиётнинг далилларини олиш, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имплементация қилиш жараёнида салбий тажрибага дуч келмаслик ва уларнинг олдини олишдан иборат. Бундан ташқари, вояга етмаганларни жиноий таъқибдан четлаштириш бўйича тушунчалар ва тадқиқот натижаларига умумий нуқтаи назарни тақдим этади, бу эса иллатли жиҳатдан исботланган хулосалар асосида ушбу чораларни имкон қадар камчиликсиз ва самарали тарзда амалга ошириш учун замин яратади.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганни четлатиш, адлия, одил судлов, реабилитация, реинтеграция.

## THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF THE INSTITUTE OF THE DIVERSION OF JUVENILES FROM JUSTICE SYSTEM

**Tashev Azizbek Ibragimovich,**  
Personnel of the Prosecutor's Office  
of the Bukhara Region

**Abstract.** *The institution of diversion of juveniles from the criminal justice system is reflected in various international legal documents on the protection of child rights. This is a very significant and at the same time, according to critics, a rather controversial international standard. Thanks to the ongoing disputes between supporters and opponents of the institute and the constant work on mistakes, it has been developed in many countries. In order to get a full and objective idea of it, the article examines the reasons for its occurrence, stages of formation, prospects for the development of theory and practice. It is very important that at the time and throughout its existence, diversion measures faced strong resistance, but as a result, supporters of measures to divert from the formal justice system only grew in time and their positions were strengthened in science and practice. Research and years of meta-analyses prove that they are more effective than formal criminal justice procedures. Research and years of meta-analyses prove that they are more effective than formal criminal justice procedures. At the same time, it must be recognized that the results of these studies also show that diversion measures are not a panacea in themselves, but many times more effective than the official and formal process of criminal investigation and prosecution. In this regard, the article provides a review of foreign literature and the national law enforcement experience of the countries of the United States, England, Germany, and Japan. Its purpose is to obtain as much evidence of good practice as possible to ensure the best interests of a child in criminal proceedings, as well as to assess and avoid the risks of the negative experience of countries in implementing international legal instruments. In addition, it provides an overview of concepts and research findings on the diversion of juveniles from the criminal justice system, which also creates the basis for a smooth and competent implementation of these measures based on evidence-based findings.*

**Keywords:** *diversion of juveniles, justice, juvenile justice, rehabilitation, reintegration.*

## Введение

Меры отведения несовершеннолетних от уголовного правосудия признаны в качестве международного стандарта. С каждым годом увеличивается количество стран, экспериментирующих с новыми схемами и программами по отведению несовершеннолетних от уголовного правосудия, некоторые страны находятся еще на подступах к этому стандарту и принимают меры по реформированию законодательных и институциональных основ. В рамках мониторинга реализации Конвенции ООН по правам ребенка, Комитет настоятельно призывает всех государств-участниц привести свою систему ювенальной юстиции в полное соответствие с Конвенцией, а также с другими соответствующими стандартами, в том числе Республику Узбекистан – создать систему ювенальной юстиции, включая суды по делам несовершеннолетних, на основе всеобъемлющих правовых рамок системы ювенальной юстиции, принять меры для того, чтобы дети, находящиеся в конфликте с законом, не попадали в формальную систему правосудия, разработать дополнительные альтернативы, чтобы избежать стигматизации и обеспечить эффективную реабилитацию и социальную реинтеграцию [1].

Создание эффективной системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства на основе международных стандартов является одной из приоритетных задач Республики Узбекистан. Об этом свидетельствует Концепция по совершенствованию законодательства, где подчеркивается внедрение иных мер правового воздействия, ориентированного на воспитание правонарушителей, а также предупреждение новых преступлений. В этой связи в Чиланзарском районе города Ташкента запущен пилотный проект по мерам отведения и восстановительно-му правосудию для несовершеннолетних, находящихся в конфликте с законом. Ини-

циаторами проекта выступают Генеральная прокуратура при поддержке Представительства ЮНИСЕФ в Узбекистане. Проект направлен на то, чтобы несовершеннолетние смогли избежать негативных последствий контактов с формальными процедурами уголовного преследования, содержания в местах лишения свободы и специализированных учебно-воспитательных учреждениях, поскольку вышеперечисленные процессы могут приводить к их стигматизации. Альтернативные меры, заменяющие судебный процесс, будут способствовать восстановлению ущерба, причиненного преступлением, и направлены на реабилитацию и реинтеграцию несовершеннолетнего, опробовать инновационную модель предупреждения повторного совершения преступления среди несовершеннолетних [2].

Таким образом, для создания эффективной системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства, ювенальной юстиции в полном соответствии с Конвенцией приведенный в статье обзор концепций и результатов научных исследований, наилучшей и неэффективной правоприменительной практики в области отведения несовершеннолетних от системы уголовного правосудия актуален и создаст почву для плавного и грамотного внедрения данных мер в Узбекистане на основе анализа рисков и научно-обоснованных выводов.

## Материалы и методы

В ходе исследования автором использовался исторический и сравнительно-правовой методы исследования, обеспечившие целостное понимание института отведения в контексте его развития и существующих моделей наилучшей имплементации.

## Результаты исследования

История развития института отведения несовершеннолетних от формальной системы уголовного правосудия насчитыв-

вает более ста лет. Сама идея о создании специального суда, ориентированного на детей в уголовном праве, возникла еще в далеком 1899 году в Иллинойсе, в США, и уже позже под разным видом и функционалом распространилась по всему миру [3]. Например, в Англии, закон о детях в 1908 году учредил независимый суд по делам несовершеннолетних, преследовавший цель отведения несовершеннолетних от уголовной ответственности. Идеей для создания специализированного суда в Англии послужило осознание того, что ребенок отличается от взрослого, и ему необходимо иное отношение [4]. Данные суды показали свое преимущество в том, что дети начали поддаваться меньшей стигматизации, их перестали называть преступниками, а в отношении них стали применять термин «правонарушители» [5].

Закон Германии о ювенальной юстиции был принят в 1923 году, и последующие реформы законодательства в 1953, 1990 и 2008 годах в основном были направлены на отведение несовершеннолетних от уголовной ответственности и их реабилитацию [6]. В этой связи можно предположить, что стремление к отведению возникло еще раньше.

Концепция отведения несовершеннолетних от уголовной ответственности возникла в США в середине XX века. Этому послужило возникновение некоторых теорий, например такой, как «теория навешивания ярлыка», которая приводила к стигматизации ребенка из-за последствий применения в отношении него формальных подходов уголовного правосудия, что в последствии приводило к тому, что его считали «аутсайдером» [7]. Предполагалось, что это приводит к самоидентификации, при которой сам несовершеннолетний свыкался с этим и испытывал давление как внутри себя, так и снаружи (общественности), к дискриминации, что в совокупности вело к усилению девиант-

ного поведения ребенка. Такое понимание преступности и последствий формального правосудия способствовало возникновению стратегий по минимизации «навешивания ярлыка» – обеспечения минимального контакта с формальной системой уголовного правосудия для несовершеннолетнего [8]. Так, уже к 1925 году суды по делам несовершеннолетних функционировали почти во всех штатах США [9].

В 40-х годах в Японии были созданы специальные суды по семейным делам [10], которые занимались вопросами отведения несовершеннолетних от уголовной ответственности и направлением их на реабилитацию и реинтеграцию.

Отведение несовершеннолетних от уголовной ответственности получило свое мировое признание в 1988 году, когда Генеральная Ассамблея ООН приняла резолюцию по «Минимальным стандартным правилам Организации Объединенных Наций, касающихся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних» (Пекинские правила), и уже после она стала обязательством для государств-участников Конвенции о правах ребенка [11].

На сегодняшний день существуют суждения о том, что отведение старого понимания отличается от отведения нового стандарта. Считается, что изначально суды по делам несовершеннолетних создавались не для отведения несовершеннолетних от уголовной ответственности, а лишь для разделения преступников по возрасту. Тем не менее существуют противоречивые данные, свидетельствующие о том, что изначально суды по делам несовершеннолетних после вынесения приговора в отношении ребенка передавали их социальным службам либо добровольцам, оказывающим помощь социальным работникам [12]. На протяжении времени концепция по отведению несовершеннолетних ослабевала из-за различных бюрократических барьеров.



Второе дыхание институт получил именно после проведенного исследования специальной комиссии по делам несовершеннолетних при Президенте США, которая отвечала за борьбу с преступностью. Именно в 1967 году комиссия выпустила рекомендацию, где высказала поддержку судам по делам несовершеннолетних, а также определила необходимость в создании специальной организации по делам молодежи. К 1973 году специальная консультативная комиссия по стандартам в области уголовного правосудия в США выдвинула институт отведения несовершеннолетних как одну из рекомендуемых мер в уголовном правосудии.

В 1974 году вопрос отведения несовершеннолетних от уголовной ответственности обсуждался на уровне Конгресса, и его финансирование начало осуществляться за счет федерального бюджета и бюджета штатов [12]. И хотя США не присоединились к международным документам, требующим применения института отведения несовершеннолетних в качестве обязательной меры защиты, можно сказать, что Соединенные Штаты имеют богатую историю развития системы отведения несовершеннолетних.

Есть возражения о том, что при создании первых специализированных судов по делам несовершеннолетних идеологи руководствовались исключительно тем, что дети, в отличие от взрослых, нуждаются в более мягком отношении, и не задумывались об отведении несовершеннолетних от уголовного правосудия. Однако другие авторы утверждают, что создание системы ювенальной юстиции в XIX веке можно считать моментом создания мер отведения несовершеннолетних. Они аргументируют это тем, что главной целью судов было изменить отношение к несовершеннолетним для их последующей реабилитации и реинтеграции [13].

Существует мнение о том, что суды по делам несовершеннолетних отдаляются от изначального курса по отведению несовершеннолетних от уголовной ответственности.

Д.А. Чапин, П.А. Гриффин и Э.М. Лемерт в своих трудах возражают, считая, что проводимые исследования, различная международная практика и усилия международных организаций способствуют не только сохранению главной идеи, которая преследовалась изначально, но и помогают эволюционированию мер отведения путем разработки различных новых программ, процедур и создания инновационных альтернативных мер. Сегодня меры отведения помогают случайно оступившимся по тем или иным причинам несовершеннолетним [14] не дать преступной среде поглотить их. Институт отведения с момента своего возникновения и по сей день преследует только одну цель – уберечь несовершеннолетнего от формальных издержек уголовного судопроизводства для его скорейшей реабилитации и реинтеграции.

Исследователи К.А. Додж, Т.Ж. Дишон и Ж.Э. Лансфорд считают, что существуют фундаментальные теории, подарившие жизнь мерам отведения. Одна из них гласит, что контакт с формальным уголовным правосудием имеет перспективу того, что ребенок, пройдя через все процедуры и имея контакты с другими преступниками во время следственных мероприятий либо после вынесения приговора, углубляется в преступную среду [15].

Другая теория – «навешивание ярлыка» на ребенка – предполагает, что официальные меры и процедуры приведут к стигматизации несовершеннолетнего [16], к ложному осознанию им того, что он – преступник, и другого выбора у него больше нет и не будет.

Ни для кого не секрет, что человек, отбывавший срок за преступления, принимается обществом неохотно, ему труднее

найти работу, влиться в общество, найти силы взяться за учебу [12]. Контакт с формальным правосудием ведет к стигме, а она, в свою очередь, мешает жить, существовать и радоваться тем мелочам, что дарует нам жизнь. Несмотря на так называемую идеализацию мер отведения, есть и немало критиков, считающих, что отведение не приводит ни к чему хорошему, а наоборот, ведет к росту преступности [17] и расширению сети [18, 19]. Термин «расширение сети» (net-widening) предполагает, что включение молодежи в программу отвлечения просто заменяет одну форму социального контроля на другую [19]. То есть, как и при уголовном правосудии, ребенок все равно находится под надзором и подвергается официальному учету.

Хотя у мер отведения очень много противников, которые утверждают их неэффективность, наблюдаемые реформы данного института свидетельствуют о увеличении и улучшении программ и процедур по отведению [12].

На наш взгляд, консервативные взгляды на международные документы по защите прав ребенка в целом и меры отведения детей от уголовного правосудия приводят лишь к замедлению реформ, однако высказывания о чрезвычайной мягкости по отношению к детям, о том, что меры по отведению не приводят к каким-либо серьезным результатам [20], дают почву для постоянного проведения исследований в этом направлении.

Рост преступности, жестокие, резонансные преступления со стороны несовершеннолетних или же, наоборот, содержание малого количества несовершеннолетних в местах лишения свободы всегда заставляли противников мер отведения оживляться, ставить их под сомнения либо утверждать об их ненужности. В то же самое время «своеобразное» освещение того или иного преступления со сто-

роны СМИ способствует возникновению резонанса в обществе, необоснованного страха перед малолетними преступниками и ненависти в отношении них [21, 10]. В совокупности это приводило к выступлению всего общества против мер отведения.

Уровень преступности и численность несовершеннолетних в местах лишения свободы резко увеличились в 90-х годах [6] во многих странах, система правосудия лицом к лицу столкнулась с несовершенством инфраструктуры и нехваткой мест в местах лишения свободы [22]. Высокий уровень преступности является одним из факторов, отрицательно влияющих на реформы не в пользу мер отведения, однако, как бы странно это не звучало, именно это позволило в 90-х годах осуществить сильный рывок навстречу активизации усилий для распространения и принятия различных альтернативных мер по отведению несовершеннолетних от уголовного правосудия [20].

### **Выводы**

Таким образом, анализ возникновения и развития института отведения несовершеннолетних от системы правосудия свидетельствует, что данные меры, различные схемы и программы их реализации, в том числе и программы по восстановительному правосудию, продуктивно используются в системе ювенальной юстиции в различных странах. Аргументированные выводы о экономической и социальной выгоде при использовании указанных мер рассеивают возражения о сложности их процедур и механизмов. В этой связи актуальными остаются вопросы продолжения изучения передового зарубежного опыта для эффективной имплементации мер по отведению несовершеннолетних от правосудия в Республике Узбекистан и создания системы ювенальной юстиции, на основе всеобъемлющих правовых рамок.

## REFERENCES

1. Zakljuchitel'nye zamechanija Komiteta OON po pravam rebenka ot 2013 goda [2013 Concluding Observations of the UN Committee on the Rights of the Child]. Available at: <https://www.ohchr.org/ru/Countries/ENACARegion/Pages/UZIndex.aspx> (accessed 25.05.2021).
2. Pilotnyj proekt v Chilanzarskom rajone: dela nesovershennoletnih pravonarushitelej bol'she ne budut napravljat'sja v sudy [Pilot project in Chilanzar region: cases of juvenile offenders will no longer be sent to courts]. Available at: <https://nuz.uz/obschestvo/39586-pilotnyy-proekt-v-chilanzarskom-rayone-dela-nesovershennoletnih-pravonarushiteley-bolshe-ne-budut-napravlyatsya-v-sudy.html> (accessed 25.05.2021).
3. Abramson B. The Right to Diversion: Using the Convention on the Rights of the Child to Turn Juvenile Justice Rights Into Reality. Johnny Juhl Sorensen and Jorgen Jepsen (eds.), *Juvenile Justice in Transition: Bringing the Convention on the Rights of the Child to Work in Africa and Nepal*, The Danish Institute for Human Rights: Copenhagen, June 2005, pp. 55-57.
4. Arthur R. *Young Offenders and the Law: How the Law Responds to Youth Offending*. Abingdon: Routledge, 2010.
5. Gault Case, 387 U.S. 1, 87 S. Ct. 1428 (1967).
6. Frieder D. Youth justice in Germany, *Oxford Handbooks Online*, Oxford University Press - Main Account; 11 July 2017, p. 1.
7. Becker H.S. (1963) *Outsiders: Studies in the Sociology of Deviance*. New York: The Free Press.; Lemert E (1967) *Human Deviance, Social Problems and Social Control*. New Jersey: Prentice Hall.
8. Schur E. *Radical Non-intervention: Rethinking the Delinquency Problem*. Englewood Cliffs, NJ: Prentice Hall, 1973.
9. Schlossman S. *Juvenile Justice: History and Philosophy*. *Encyclopedia of Crime and Justice*. S. Kadish ed. New York: Free press, 1983, vol. 3, pp. 961-969.
10. Hiroyuki Kuzuno. *Juvenile Diversion and the Get-Tough Movement in Japan*, 22 R.L.R., 2-3. 2005, pp. 3, 5.
11. Gardner M.R. *Understanding Juvenile Law*, Matthew Bender & Co., Inc.: USA, 1997, pp. 181-186.
12. Lemert E.M. *Diversion in juvenile justice: What hath been wrought*, *Journal of research in crime and delinquency*, January 1981, pp. 35-36.
13. *Models for Change Juvenile Diversion Workgroup. Juvenile Diversion Guidebook*. 2011. Available at: <http://www.modelsforchange.net/publications/301> (accessed 10.05.2021).
14. Chapin D.A. Griffin P.A. (). *Juvenile diversion*. In K. Heilbrun, N.E.S. Goldstein, & R.E. Redding (Eds.), *Juvenile Delinquency: Prevention, Assessment, and Intervention*. New York: Oxford University Press, 2005, pp. 161-178.
16. Dodge K.A., Dishion T.J., Lansford J.E. *Deviant Peer Influences in Programs for Youth: Problems and Solutions*. New York: Guilford, 2006.
17. Maddan S., Marshall I. *Labeling and symbolic interaction theories*. In J. Miller (Ed.), *21st Century Criminology: A Reference Handbook* Thousand Oaks, CA: SAGE, 2009. Pp. 253-262.
18. Coccozza J.J. *Diversion from the juvenile justice system: The Miami-Dade juvenile assessment center post-arrest diversion program*. B.M. Veysey, D.A. Chapin, R. Dembo, W. Walters, S. Farina. *Substance Use & Misuse*, 40. 2005. Pp. 935-951.
19. Matthews R. *Decarceration and the fiscal crisis*. In: Fine B (ed) *Capitalism and the rule of law*. Hutchinson, London. 1979, pp. 100-117. Available at: <https://sk.sagepub.com/reference/crimepunishment/n286.xml/> (accessed 02.05.2021).
20. Prichard J. *Net-Widening and the Diversion of Young People from Court: A Longitudinal Analysis with Implications for Restorative Justice*, *The Australian and New Zealand journal of criminology*. 2010, vol. 43, no 1, p. 112.

21. Roush D.W. Desktop Guide to Good Juvenile Detention Practice. Research Report. Washington, DC: US Department of Justice, Office of Justice Programs, Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention, 1996.

22. Pizarro J., Chermak S.M., Gruenewald J.A. Juvenile ‘superpredators’ in the news: A comparison of adult and juvenile homicides. *Journal of Crime and Popular Culture*, 2007, 14, pp. 84-111.

23. Ray J.V., Childs K. Juvenile Diversion, *The Handbook of juvenile delinquency and juvenile justice*, first edition, edited by Marvin D. Krohn and Jodi Lane, 2015. John Wiley & Sons, Inc. Published 2015 by John Wiley & Sons, Inc., p. 424.



UDC: 343.1(045)(575.1)  
ORCID: 0000-0002-0921-9522

## ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ҲИМОЯЧИ ФАОЛИЯТИДА ТОРТИШУВ ПРИНЦИПИНING ТАЪМИНЛАНИШИ АҲАМИЯТИ

**Чориева Дилбар Менгдабиловна,**  
Тошкент давлат юридик  
университети докторанти,  
e-mail: wise2004@mail.ru

**Аннотация.** Ушбу мақолада жиноят-процессуал принциплардан бири бўлган тортишув принципининг мазмуни, унинг жиноят процессининг ишни судга қадар юритиш босқичларида амал қилиши моҳияти ҳамда ҳимоячи фаолиятидаги аҳамияти очиб берилган. Ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг моҳияти ҳамда унинг ҳимоячи фаолиятидаги аҳамияти юзасидан миллий ва хорижий давлатлар процессуалист олимларининг илмий-назарий фикрлари билан мунозарага киришилган, бу борадаги хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилган ва чуқур таҳлил қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда тортишув принципининг амал қилиш доираси чекланганлиги сабабли унинг амал қилиш доирасини кенгайтириш, хусусан, тортишув принципининг ишни судга қадар юритиш босқичларида ҳам қўлланилишига эришиш ушбу мақола-ни ёзишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Олиб борилган таҳлил-лар натижасида ЖПК 25-моддасининг номланиши ва биринчи қисмини янги таҳрирда баён этиш, хусусан, жиноят процессининг барча босқичларида, жумладан, ишни судга қадар юритишда ҳам иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишув асосида амалга оширилишини белгиловчи норма-ни қонунчилигимизда мустаҳкамлаш юзасидан илмий асослантирилган таклифлар берилган. Шунингдек, ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципининг таъ-минланиши, айблов ва ҳимоя фаолияти устидан холис суд назоратининг муваффақиятли амалга оширилиши ҳамда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш мақсадида хорижий давлатлар қонунчилигида мавжуд бўлган тергов судьяси институтини қонунчиликка имплементация қи-лиш асосида ЖПКнинг 28- ва 29-моддаларини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган. Мақо-лани ёзиш давомида қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, (анализ ва синтез), илмий билиш манбаларини комплекс тадқиқ этиш усулларида кенг фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** ишни судга қадар юритиш, тортишув принципи, ҳимоячи фаолияти, суд назо-рати, тергов судьяси.

### РОЛЬ ПРИНЦИПА СОСТЯЗАТЕЛЬНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЗАЩИТНИКА В ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ

**Чориева Дилбар Менгдабиловна,**  
докторант (PhD)  
Ташкентского государственного  
юридического университета

**Аннотация.** В данной статье раскрывается содержание одного из уголовно-процессуальных принципов – принципа состязательности, его сущность, обоснованность в уголовном процессе на стадиях досудебного производства, а также его значение в деятельности защитника. В ходе

исследования досудебного производства по делу рассмотрены научно-теоретические взгляды отечественных и зарубежных ученых-процессуалистов о сущности и значении деятельности защитника, подробно изучалось и анализировалось законодательство зарубежных стран в этой сфере. Поскольку в нашем уголовно-процессуальном законодательстве сфера действия принципа состязательности ограничена, одной из основных целей данной статьи является расширение сферы его действия, в частности применение принципа состязательности в досудебном производстве. В результате анализа были даны научно обоснованные предложения о внесении в законодательство Узбекистана изменений касательно названия статьи 25 и усиления нормы части первой УПК в новой редакции. В целях обеспечения принципа равенства и состязательности в досудебном производстве, успешного осуществления беспристрастного судебного контроля над обвинением и защитой, а также расширения прав защитника проанализированы статьи 28 и 29 УПК Республики Узбекистан. Использовались методы комплексного исследования сравнительно-правовых, логических (анализ и синтез) научных источников знаний.

**Ключевые слова:** досудебное производство, состязательность, деятельность защитника, судебный контроль, следственный судья.

## THE ROLE OF ENSURING THE ADVERSARIAL PRINCIPLE OF DEFENSE COUNSEL IN PRE-TRIAL PROCEEDINGS

**Choriyeva Dilbar Mengdabilovna,**

Tashkent State University of Law, PhD candidate

**Abstract.** This article reveals the content of adversarial principle, which is one of the criminal procedural principles, the essence of its validity in the criminal process at the stages of proceedings in court, as well as its importance in the activities of defense counsel. During the study of pre-trial proceedings, the scientific-theoretical views of domestic and foreign legal scholars on the essence and significance of the defense lawyers activities, and the legislation of foreign countries in this area were discussed and analyzed in detail. Since in our criminal procedural legislation the scope of the adversarial principle is limited, one of the main purposes of this article is to expand its scope, in particular, the application of the adversarial principle in pre-trial proceedings. As a result of the analysis, scientifically substantiated proposals were made to amend our legislation with regard to the title of Article 25 and to strengthen norms of Part One of the CPC in a new edition. In order to ensure the principle of equality and adversarial proceedings in pre-trial procedures, the successful implementation of impartial judicial control over the prosecution and the defense, as well as expanding the rights of defense counsel, Articles 28 and 29 of the CPC of the Republic of Uzbekistan were revised. When writing the article, the methods of comprehensive research of comparative legal, logical (analysis and synthesis) scientific sources of knowledge were widely used.

**Keywords:** pre-trial proceedings, adversarial principle (competition), activity of defense counsel, judicial control, examining magistrate.

### Кириш

Маълумки, ҳимоячи фаолияти мустақиллик йилларигача бўлган даврда кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти идораларига қарам ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилмасдан амалга оширилган. Собиқ иттифоқ даврида давлатнинг айблов функцияси устун мавқега эга бўлган. Прокуратура ор-

ганларининг ваколатлари ҳам ҳимоя тарафи ҳуқуқларига нисбатан жуда юқори эди [1]. 1960 йилгача бўлган қонунга кўра, дастлабки терговга ҳимоячи жалб этилмаган. Адвокатга худди жиноятчининг шериги, маслақдоши деб қаралиб, у билан мулоқот қилган терговчига, одатда, “порахўр” тамғаси босилган. Шахс ишдаги материаллар билан таништирилмаган, тер-

гов пайтида унга қўйилган айбнинг тўла мазмуни ва исбот-далиллардан хабардор қилинмаган. Бу хил “қўққисдан” айбланиш ва ишдаги далилларни яшириш инсон ҳуқуқлари бузилишининг яққол намунаси сифатида намоён бўлган [2]. Бу эса давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар бўлган даврда жиноят процессида гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланмаганлиги, жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичларида ҳимоячи иштирокига йўл қўйилмаганлиги ҳамда тортишув принципини амалга ошириш учун шароит мавжуд бўлмаганлигининг яққол исботи сифатида намоён бўлади.

Фақат мустақилликка эришилгандан сўнггина ҳимоячининг нафақат суд босқичи, балки дастлабки терговдаги иштироки масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бироқ шундай бўлса-да, 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига белгиланган тортишув принципининг амал қилиши биринчи инстанция судларида ишларни кўриш босқичидан бошланиши тўғрисидаги нормага ҳозирги кунга қадар ўзгартириш киритилмади. Натижада эса айблов тарафида иш юзасидан зарур бўлган қарорларни қабул қилишга қаратилган кўплаб ваколатларнинг мавжудлиги ҳамда процессуал имкониятларнинг юқорилиги ҳимоя тарафининг процессуал ҳолати билан қиёслаганда устунликка эга эканлиги намоён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам бугунги кунда қонунчиликни янада либераллаштириш ва ислоҳ қилиш талаб этилмоқда. Мустақилликка эришгач, тортишув принципининг жиноят процесси принципи сифатида эътироф этилиб, қонунчиликда ўз ўрнини эгаллаши давр талаби ва тараққиёт натижаси бўлгани сингари энди бу йўналишда қонунчиликни янада такомиллаштириш бугунги кун зарурияти ҳисобланади.

## Материаллар ва методлар

Ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг моҳияти ҳамда унинг ҳимоячи фаолиятидаги аҳамияти юзасидан миллий ва хорижий давлатлар процессуалист олимларининг илмий-назарий фикрлари билан мунозарага киришилган, бу борадаги хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилган ва чуқур таҳлил қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда тортишув принципининг амал қилиш доираси чекланганлиги сабабли, унинг амал қилиш доирасини кенгайтириш, хусусан, тортишув принципининг ишни судга қадар юритиш босқичларида ҳам қўлланилишига эришиш ушбу мақолани ёзишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида ЖПКнинг 25-моддасининг номланиши ва биринчи қисмини янги таҳрирда баён этиш, хусусан, жиноят процессининг барча босқичларида, жумладан ишни судга қадар юритишда ҳам иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилишини белгиловчи нормани қонунчилигимизда мустақамлаш юзасидан илмий-асослантирилган таклифлар берилган. Шунингдек, ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципининг таъминланишига, айблов ва ҳимоя фаолияти устидан холис суд назоратининг муваффақиятли амалга оширилишига ҳамда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш мақсадида хорижий давлатлар қонунчилигида мавжуд бўлган тергов судьяси институтини қонунчиликка имплементация қилиш асосида ЖПКнинг 28 ва 29-моддаларини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган. Мақолани ёзиш давомида қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, (анализ ва синтез), илмий библиографияларини комплекс тадқиқ этиш усуллари билан кенг фойдаланилган.

## Тадқиқот натижалари таҳлили

Шу ўринда тортишув принципининг мазмунига тўхталиб, шуни айтиш мум-

кинки, тортишув принципи ҳимоя ҳуқуқининг асосий кафолати сифатида намоён бўлади, яъни мазкур принципнинг амал қилиши иш юзасидан “тарафдор” ва “қарши” хусусиятга эга бўлган барча фикрларни таққослаш йўли орқали ҳақиқатни аниқлашга эришиш имконини беради. Тортишув принципининг таъминланмаслиги гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳимоя ҳуқуқи бузилиши ҳисобланади, чунки ҳимоя ҳуқуқи айбловни рад этиш ҳуқуқисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас [2, 25-26-б.]. Тортишув принципининг таъминланиши эса ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга ошишига, унинг процессуал имкониятлари кенгайишига олиб келади. Тортишув принципининг мазмуни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, М.С. Жамборов куйидагиларни таъкидлайди: “Тортишув принципининг мазмунини тарафларга ўзларидаги мавжуд далиллар асосида холис суд иштирокида ўз ҳуқуқий позициясини намоён этиш ва қарши тарафнинг далилларига нисбатан баҳсга киришиш имконини берувчи суд иш юритуви давомида ҳақиқатни аниқлашга қаратилган қонуний усул ва услублар ташкил этади” [3].

Айрим муаллифлар тортишувни нафақат жиноят процессининг принципи, балки далилларни ўрганиш усули, одил судлов вазифасини ҳал этиш имконини берувчи жиноят суд иш юритувида билишнинг методологик усули сифатида ҳам кўриб чиқади [4]. Н.А. Грешнова эса бу борада “тортишувнинг принцип сифатидаги моҳияти қарама-қарши процессуал манфаатларга эга бўлган тарафларнинг иш юзасидан позицияси моддий ва процессуал асослар бўйича ягона тўғри позиция эканлигига мустақил арбитр бўлган судни ишонтиришдан иборатдир”, дейди [5].

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, *тортишув принципи – бу ўзаро қарама-қарши тарафларнинг ўзларидаги мавжуд далиллар асосида иш юзасидан ҳақиқатга эришиш мақсадидаги “кураши”-*

*дир. Бунда тарафлар сифатида айблов ва ҳимоя тарафи ҳамда ишни холис ҳал этувчи орган сифатида суд намоён бўлади.*

Қонунчилигимизда тортишув принципининг биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилатганда, амал қилиши тарзида белгиланишини давлат ва жамият тараққиётининг маҳсули дейишимиз мумкин. Бироқ тортишув принципи фақат суд босқичидагина амал қилиши билан чегараланиши керакми, деган табиий савол туғилади. Ушбу саволга жавоб топиш учун бир қатор олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб кўриш мақсадга мувофиқ. Г. Тулаганованинг бу борадаги “Жиноят процессининг тортишув принципи ҳамда уни дастлабки терговга жорий этиш масаласини амалиётда ҳали татбиқ этилмаган масалалар қаторига киритиш мумкин” [6], деган фикрлари диққатга сазовордир. Д. Базарова ҳам адвокатура институтини ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқларини тенглаштиришни таъминлашга йўналтирилганлигини эътироф этади [7]. Айни вақтда олимларимиз томонидан тортишув принципининг доираларини кенгайтириш, уни суриштирув, дастлабки тергов ҳамда юқори инстанция судлари босқичларига ҳам жорий этиш таклиф этилмоқда [8]. Хусусан, И.Р. Астанов “адвокатларга экспертиза ўтказиш учун мурожаат қилиш ваколатининг берилиши орқали тортишув принципини ишни судга қадар юритиш босқичларида ҳам амал қилишига эришиш мумкинлигини” [9] таъкидлайди.

Бироқ ушбу фикрларга қарши ўлароқ, айрим олимлар “дастлабки терговда терговчи ва айбланувчи ўртасида тортишув ҳақида сўз юритиш мумкин эмас, чунки дастлабки терговда айблов, ҳимоя ва ишни ҳал этиш функциялари мавжуд эмас” [10], деган фикрда. В. Божьевнинг



бу борадаги фикрича, тортишув принципи жиноят процессининг барча босқичларига татбиқ этилмайди, негаки бунда: а) тарафлар тенглиги мавжуд эмас; б) ишни юритиш учун масъул бўлган субъектлар тергов, айблов ва ишни ҳал этиш функцияларини аралаштириб юборади, прокурор эса айблов функциясидан ташқари, суриштирувчи ва терговчининг қонунни ижро этиши устидан назоратни ҳам амалга оширади; в) ишни судга қадар юритиш босқичларида ишни ҳал этиш вазифасини бажарувчи орган сифатида суд мавжуд эмас; г) ушбу босқичларда ишни ҳал этиш функцияси судга эмас, балки тергов органлари ва прокурорга тегишли [11].

Ю.В. Деришов В. Божьевнинг ушбу фикрларига қарши ўлароқ, ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг амал қилиши тарафлар ҳуқуқлари ва процессуал имкониятларининг трансформацияси, хусусан, “параллель иш юритув” элементларининг пайдо бўлиши ҳамда ишни судга қадар юритишда суд назоратининг кучайиши ва унинг тарафлар ўртасида юзага келадиган низоли ҳолатни ҳал этишдаги аҳамияти ошишига олиб келишини таъкидлайди [12]. Ю.В. Деришовнинг фикрларини В.З. Лукашевич ва А.Б. Чичкановлар давом эттириб [13], ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг амал қилиши процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига зарар етказиш ёки фуқароларнинг одил судловга эришишларини қийинлаштиришга олиб келувчи суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳар қандай ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг кафили бўлиб хизмат қилишини билдириб ўтади. Н.А. Лукичев эса бу борада ишни судга қадар юритишда ҳимоячи фигурасининг мавжудлигиёқ бу жараёнда тортишув принципи амал қилаётганлигидан дарак беришини айтиб ўтади. Унинг фикрича, шахснинг гумонни рад

этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиши ишни судга қадар юритишдаёқ тортишув принципи амал қилаётганлигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, тортишув принципи гумон қилинувчи ва айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради [14], дейди у. Ушбу фикрларни Т.Т. Алиев, Н.А. Громов, Л.М. Зейналовлар ҳам қўллаб-қувватлаб, тортишув принципи дастлабки терговнинг ўзига хос “маълум бир даражаси” эканлигини таъкидлайди. Улар ишни судга қадар юритишда тортишув принципини ривожлантириш омили сифатида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда ҳимоячининг ҳуқуқий мақомини модернизация қилишни кўрсатиб ўтади [15]. К. Гуценко эса тортишув принципининг амал қилиши юзасидан қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Айблов ҳулосасидан келиб чиқадиган тортишув принципи англо-саксон ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда энг кўп тарқалган. Унинг бугунги кунда кенг ёйилган классик моделига кўра, тортишув – бу давлат ва жиноий жавобгарликка тортилаётган фуқаро ўртасидаги суд жараёнидаги тортишувдан иборатдир. Бу тортишувда тарафлар далилларни тўплаш, тақдим этиш, текшириш, таҳлил этиш ҳамда аниқ бир иш юзасидан муайян далилларни илгари суришда тенг ҳуқуқий имкониятларга эга ҳисобланади. Умуман олганда, тарафлар ушбу тенг имкониятларга нафақат суд босқичи, балки иш юритишнинг судга қадар бўлган босқичларида ҳам тўлиқ эга бўлишлари керак” [16].

С. Ургалкин ҳам К. Гуценко фикрларини тасдиқлайди. Унинг фикрича, дастлабки тергов жараёнида жиноят тўғрисида кўплаб маълумотларнинг йиғилиши ва ушбу маълумотларни йиғишда ҳимоя томонининг ҳуқуқлари бузилиши судда ҳимоя функцияси бузилишига олиб келади [17]. С. Бурмагин эса судлов иш юритуви фақат-

гина суд муҳокамаси билан чегараланмаслиги, жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал манфаатлари, шубҳасиз, суднинг кейинги босқичларида ҳам давом этишини таъкидлайди. Агар процесс иштирокчиларининг ҳолати ва функцияларини процессуал фаолиятларининг асоси сифатида процессуал манфаатлар призмаси орқали чуқурроқ кўриб чиқадиган бўлсак, дастлабки тергов босқичида ҳам тарафлар мавжудлиги ҳақида гапиришимиз мумкин [18], дейди у.

Юқоридаги фикрларни муайян даражада умумлаштирган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, ишни судга қадар юритишда тортишув принципи қўлланилиши тарафдорларининг фикрича, тортишув принципининг амал қилиши натижасида:

*биринчидан*, ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқлари кенгайишига эришилади;

*иккинчидан*, тарафлар томонидан судга мурожаат қилиш имкониятлари ошиши кузатилади.

Биз ушбу фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, тортишув принципи ишни судга қадар юритиш босқичларидан бошлаб амал қилиши зарурлиги тўғрисидаги фикрларга қўшилаемиз. Зеро, ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг амал қилиши терговчининг далилларни тўплаш ва тақдим этиш билан боғлиқ функциясининг ҳимоячи фаолиятида такрорланишида акс этмайди, балки айблов тарафи ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат ўрнатилиши ҳамда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланган ҳолда, қонун томонидан рухсат этилган усул ва воситалар ёрдамида эркин амалга оширилишида акс этади.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, тарафларнинг далилларни тўплаши ва ўз позициясини исбот қилиши суд муҳокамаси жараёнига келиб, яна янгидан қайта кўриб чиқилади. Бунда юз берадиган такрорла-

ниш ёки жараённинг қайта амалга ошиш ҳолатининг олдини олиш мақсадида ишни судга қадар юритишдаёқ тарафлар томонидан тўпланган далилларнинг холис орган томонидан кўриб чиқилиб, уларга баҳо бериш механизмини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса иш суд муҳокамасига борганда, дастлабки тарзда кўриб чиқилганлиги ва далиллар баҳоланган ҳолатда бўлишини таъминлайди. Ишни судда кўриш босқичида эса иш юзасидан қарор ёки ҳукм қабул қилиниши қолади, холос.

Шу сабабли амалдаги Жиноят-процессуал кодексда белгиланган (25-модда) тортишув принципининг нафақат ишлар судда кўрилатганда, балки ишни судга қадар юритишдаёқ амал қилишига эришиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланган ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши учун шароит яратиш беради. Зеро, тарафларнинг ишни судга қадар юритиш босқичидаёқ тенг ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиши мазкур иш юзасидан адолатли суд ҳукмига эришишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Тортишув принципининг жиноят процессида амал қилиши юзасидан МДХ давлатлари қонунчилиги ўрганиб чиқилганда, хусусан, Россия Федератив Республикаси (ЖПК 5-м.56, 15-м.), Украина (ЖПК 3-м.10, 22-м.), Озарбайжон (ЖПК 7-м.7.0.8., 32-м.), Арманистон (ЖПК 23-м.), Қозоғистон (ЖПК 7-м. 23-м.), Тожикистон (ЖПК 6-м., 20-м.) ва Туркменистон (6-м.45, 22-м.) Республикалари Жиноят-процессуал кодексларида тортишув принципи *жиноят судлов иш юритувида* (айримларида “жиноят иш юритувида” шаклида берилган) амал қилишини белгиловчи нормалар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ушбу давлатлар кодексларида “жиноят судлов иш юритуви” (ёки “жиноят иш юритуви”) тушунчасига таъриф бериб ўтилган бўлиб, унга кўра, “жиноят судлов иш юритуви” (ёки “жиноят иш юритуви”) дейилганда –

ишни судга қадар юритиш ва жиноят ишлари бўйича суд иш юритуви тушунилади. Бу эса юқорида келтириб ўтилган давлатлар қонунчилигида тортишув принципининг ишни судга қадар юритиш босқичларида ҳам амал қилиши белгиланганлигини кўрсатади.

Бу борада Франция тажрибаси ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. 1958 йилги Франция ЖПК 934 моддадан иборат бўлиб, унинг 5-бўлими “Сўроқ қилиш ва тортишув” деб номланади. Ушбу кодекснинг 114-моддасига кўра, тергов органлари томонидан тарафлар ёки уларнинг адвокатлари ҳамда учинчи шахсларга экспертиза тадқиқот натижаларининг берилиши назарда тутилган ва бу ҳам бўлса ҳимоя мақсадларидагина тақдим этилиши белгиланган.

Таъкидлаш ўринлики, айблов ва ҳимоя тарафлари ўртасидаги процессуал вазифаларнинг тақсимланиши ва уларнинг суд фаолиятдан ажратилиши, ўз вазифаларини амалга оширишда тарафларнинг тенглиги ҳамда процессда суднинг фаол ва бошқарувчилик ўрни мавжудлиги тортишув принципининг амал қилишини кафолатлайди. Мазкур элементлардан биринчи ва иккинчиларининг ишни судга қадар юритишдаги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада қонунчилигимизда бўшлиқ мавжудлигини кўришимиз мумкин. Негаки ишни судга қадар юритишда айблов ва ҳимоя тарафлари ўртасида процессуал вазифаларнинг тақсимланиши, уларнинг суд фаолиятдан ажратилиши жиноят-процессуал қонунчилигимизда белгиланмаган. Бу жараёнда айблов тарафининг мутлақ процессуал ваколатлар соҳиби эканлиги кузатилса, ҳимоячи эса процессуал имкониятлари заиф тараф сифатида намоён бўлади. Суд эса бу жараёнда ҳали етарлича мавқега эга эмас.

Тўғри, жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра, дастлабки тергов жараёнида тергов ҳаракатлари билан боғлиқ ҳо-

латларда суднинг бир қатор ваколатлари мавжуд, бироқ ушбу ваколатлар ҳам иш тақдирини ҳал этишда етарли ҳисобланмаяпти. Шу билан бирга, ҳимоячининг бу жараёндаги иштироки фақатгина статист қиёфасида намоён бўлиб, доимо илтимосномалар киритиш орқалигина ўз ҳуқуқларини амалга оширишни сўровчи шахсга айланиб қолган [19]лиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу эса бугунги кун суд-ҳуқуқ тизими ривожланишига тўсқинлик қилаётган жиддий муаммолардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тортишув принципининг ишни судга қадар юритиш босқичларида амал қилиши мамлакатимиз қонунчилигида ўз аксини топмаган. Бу борада М.Х. Рустамбаевнинг “Амалдаги ЖПК ва бошқа қонунларда тортишув принципининг дастлабки тергов босқичида амал қилиши кўрсатилмаган. Демак, тортишув жараёнлари жиноят процессининг барча босқичларида амал қилишини назарда тутувчи янги қонунларни ишлаб чиқиш вақти етиб келди” [20], дея билдирган фикрлари эътиборга моликдир.

Шу сабабли ҳам суд-тергов амалиётида қандайдир косметик ўзгаришлар эмас, балки янгича қараш ва замонавий талабларга асосланган тартиб ва тамойилни ўрнатиш бугунги кун талабидир. Тортишув принципининг умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган принцип эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу принцип нафақат биринчи инстанция судларининг суд мажлисларида ва ишлар юқори судларда кўрилаётганда амал қилиши, балки жиноят процессининг барча босқичларида, жумладан, ишни судга қадар юритишда ҳам амал қилиши таъминланишига эришиш лозим. Шу орқали амалиётда ҳақиқий маънодаги тарафлар тенг ҳуқуқчилиги ва тортишув шароитини вужудга келтириш, ҳимоячи фаолиятидаги тўсиқларни бартараф этиш, унинг процессуал ҳуқуқларини кенгайтиришга

эришиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, *ЖПК 25-моддасининг номланиши ва биринчи қисмини қуйидагича янги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:*

*“25-модда. Жиноят процессида ишларни юритишда тарафлар тортишуви*

*Жиноят процессининг барча босқичларида, жумладан, ишни судга қадар юритишда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади”.*

Таъкидлаш жоизки, ишни судга қадар юритишда тортишув принципи амал қилиши учун тарафлар тенглиги талаб этилади. Ҳозирда мавжуд суд-тергов амалиётига мувофиқ, терговчи далил тўплаш мақсадида хоҳлаган шахсни, ҳаттоки ўша шахс тергов ҳибсхонаси ёки жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган бўлса ҳам, гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиши ва ёзма тушунтиришлар олиши учун уларнинг розилиги талаб этилади. Бу эса айблов тарафининг ўз касбий фаолиятини амалга оширишида ҳимоя тарафига нисбатан юқори мавқе ва имкониятларга эга эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, ҳимоячининг самарали фаолият юритиши ва иш юзасидан етарлича далиллар тўплашидан терговчи ва прокурор кўп ҳолларда ўз касбий фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб манфаатдор бўлмайди. Мисол ўрнида келтириб ўтадиган бўлсак, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ҳимоячини қизиқтирган ва иш юзасидан ҳолатни янада аниқлаштиришга қаратилган саволларнинг акс эттирилиши суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг хоҳишига боғлиқ эканлиги ҳимоячи фаолиятини қийинлаштиришга олиб келади, айблов тарафига эса ушбу ҳолат устунлик беради. Натижада эса ҳимоячининг муваффақиятли фаолият олиб боришида сунъий тўсиқлар юзага келади. Бу ҳолатни немис ҳуқуқшуноси Фердинанд Лассал таъбири билан

ифодалайдиган бўлсак, “қонуний, асосланган ва адолатли суд ҳукмига эришиш учун прокурор юздан ошиқ полициячидан иборат бутун бошли команда билан ҳаракат қилса, адвокат эса бу йўлда ёлғиз ўзи ҳаракат қилади ва курашади” [21].

Шу ўринда ҳимоячининг айблов тарафи билан тенг имкониятлардан фойдаланиши учун унинг холис орган бўлган судга мурожаат қилиши орқали ўз имкониятларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бироқ айтиш жоизки, бу ўринда амалда фаолият олиб борувчи судлар назарда тутилмаяпти. Амалда фаолият юритувчи судларга ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишувни назорат қилиш вазифасини юклаб бўлмаслигининг қатор омиллари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича келтириб ўтамиз:

*Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг статистик маълумотларига кўра, республикамизда бугунги кунда 4000 га яқин адвокат фаолият юритади [22]. Судлардаги иш ҳажмининг юқорилиги эса ишни судга қадар юритишда адвокатларнинг ҳар бир мурожаатини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш имкониятини бермайди.*

*Иккинчидан, кўпгина замонавий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, судьянинг айблов тарафи тўплаган далилларни баҳолашга киришиши жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишдаги холислигига шубҳа туғдиришга олиб келади. Шу сабабли ҳам гумон қилинувчи (айбланувчи)ни қамоққа олиш асосларини белгилаган судья унинг айблилиги масаласини ҳал қилиши мумкин эмас [23, 241-б.].*

*Учинчидан, судьянинг суд процессининг бошланғич босқичидаги ҳар қандай хулосаси у ёки бу тарзда айблилик масаласига бориб тақалади. Бу масалани ҳал қиларкан, судья қонунда берилган кўрсатмадан қатъи назар, жинойий таъқибга дахлдор бўлиб қолади [24].*



*Тўртинчидан*, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назоратини амалга ошириш билан боғлиқ тарздаги судьянинг ҳар қандай хулосаси суд муҳокамаси жараёнида судьянинг холислигига қандайдир даражада таъсир қилишини инкор этиб бўлмайди.

Судьялар фикрига кўра, судья ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жиноят содир этганлиги ҳақида қатъий ишончи бўлгандагина қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муддатини узайтириш ҳақида илтимосномани қаноатлантириши зарур. Амалиётда эса судья шахснинг айблилигига доир далиллар мавжудлигини ўрганади, фақат мазкур фикрни муҳокама қилмайди [23, 242-б.].

Адвокатларнинг бу борадаги фикрларига кўра эса жиноят иши юзасидан айблов хулосасининг прокурор томонидан тасдиқланиш амалиётини бекор қилиш ва бу ҳақдаги нормани ЖПКдан чиқариш зарур ҳисобланади. Ишни судга қадар юритишда прокурорнинг ҳам худди адвокат сингари иш материаллари ва тўпланган далиллар билан танишиши ҳамда унга ўз розилигини англатувчи хулоса (“розилик хулосаси”)ни расмийлаштириши, далилларнинг эса ишни судга қадар юритишда ёқ суд томонидан баҳоланишидан иборат тартибни жорий этиш керак. Бу эса тортишув принципи амал қилган ҳолда, айблов ва ҳимоя тарафларининг тенг ҳуқуқлилиги асосида далилларни тақдим этишлари ҳамда ўз позицияларини ҳимоя қилишларига имкон беради.

Юқорида келтирилган ҳолатларга қўшимча тарзда ишни судга қадар юритишда суд назорати зарурлигини асослаш асосида Б. Мўминов “фақатгина ишни мазмунан кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этилган судьягина ишни судга қадар юритишда суд назоратини холис амалга ошириши мумкин”лигини таъкидлайди [23, 249-б.]. Халқаро экспертлар ҳам ишни

судга қадар юритиш устидан суд назоратини кенгайтириш, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд томонидан ҳал қилинадиган масалаларни ишни мазмунан кўриб чиқишдан тамоман ажратиш, шунингдек, ишни судга қадар юритиш босқичида инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича судлар тизими яратилишини талаб қилишини қайд қилган [25].

Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, айнан ишни судга қадар юритишда тарафлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўлақонли фойдаланишлари ҳамда ўз процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда холислик ҳамда беғаразликни таъминловчи *жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ* деб ҳисоблаймиз. Тергов судьяси томонидан суд назоратининг амалга оширилиши ишни судга қадар юритишда ҳақиқий тортишув муҳитини яратади, сабаби ҳимоячининг илтимосномасини энди жиноий таъқиб ва ишни ҳал қилиш функциясини бир вақтда бажарувчи ишни судга қадар юритувчи органлар ҳал қилмайди, балки кучлар мувозанати яратилади. Бу, ўз навбатида, жиноят процессида ҳимоячининг мавқеи ошишига, уни исботлаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини реал таъминлашга хизмат қилади. Сабаби далилларни топиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимосномаси рад қилинган ҳолларда, тергов судьяси унга мазкур ҳуқуқидан фойдаланиш имконини кафолатлайди. Шу билан бирга, унинг кейинчалик ишни мазмунан кўриш мажбуриятидан халос этилиши унинг ички мустақиллигини таъминлайди, яъни унинг қабул қилган қарорига келгусида боғланиб қолишининг олдини олади [23, 249-б.].

Шу ўринда тергов судьясининг кимлиги ва унинг жиноят процессидаги мақомига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддаси 3-қисмига мувофиқ, тергов судьяси – те-

гишлича биринчи инстанция судининг раиси томонидан тайинланадиган, судга қадар терговга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши устидан суд назоратини амалга оширишга ваколатли судьядир.

Б. Мўминов тергов судьясига қуйидагича таъриф беради: “Тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичида, ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг илтимосномалари ва манфаатдор шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш орқали шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши устидан суд назоратини амалга оширишга ваколатли судьядир” [23, 249-б.]. С. Адиллов эса тергов судьяси ишни судга қадар юритиш жараёнида келиб чиқадиган масалалар юзасидан холис ва мустақил ҳакам бўлиши мумкинлиги, чунки у кейинги суд инстанцияларида одил судловни амалга оширишдан четлатилган бўлишини эътироф этади [26].

Шу тариқа айтишимиз мумкинки, тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиб берувчи масъул мансабдор шахс ҳисобланади. Ваколат доирасига кўра, тергов судьяси зиммасига Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўрсатилган ишни судга қадар юритиш жараёнида суднинг қарори (ажрими) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатлар бўйича суд ваколатларининг барчаси ўтказилади. Энг асосийси эса тергов судьясининг иш юзасидан холислик ва тарафлар тенглигини таъминлаши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, унга айблов тарафининг бир қатор ваколатлари, жумладан, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш, мол-мулкни

хатлаш ва уни тақиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш каби ваколатларининг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тергов судьясининг адвокат сўрови юзасидан мансабдор шахс томонидан рад жавоби берилган тақдирда, тегишли юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки нарсаларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш ваколатига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

ЖПКнинг 377-моддаси ҳимоячининг жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиққач, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини кафолатласа-да, 99 % ҳолларда терговчи томонидан илтимоснома асоссиз рад қилинади. Бинобарин, дастлабки тергов давомида ҳимоячининг деярли барча илтимосномалари қаноатлантирилмасдан қолади, ҳимояланувчининг важларига етарли эътибор қаратилмайди, ҳимоя ҳуқуқи расмийлик билан амалга оширилади [25]. Яъни тергов судьяси далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам беради, далиллар тортишув муҳитида тўпланса, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги таъминланади, ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Шу аснода иш юзасидан холислик таъминланишига тўсқинлик қиладиган кўплаб ваколатларнинг бошқа бир мустақил орган иш юритувига ўтказилиши натижасида ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглигининг таъминланишига, бу жараёнда айблов ва ҳимоя фаолияти устидан суд назоратининг муваффақият-

ли амалга оширилишига, шунингдек, ҳимоячининг ўз касбий фаолиятини амалга оширишида кенг имкониятлар ва қулайликлар яратилишига эришиш мумкин. Зеро, тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши жиноят ишларини шаффоф ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида олиб боришга шароит яратиб беради. Ишни судга қадар юритишда тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши, бир томондан, ишни судга қадар юритишда тарафлар тортишуви принципи амал қилишига имкон берса, иккинчи томондан, далиллар баҳолашининг ҳаққонийлигига эришиш имконини беради. Булар биргаликда биринчи инстанция судида тарафлар ўртасидаги эҳтимолий низолар бартараф этилишини таъминлайди [26].

А. Давлетов таъкидлаганидек, ишни судга қадар юритиш босқичларида тарафлар тенглиги ва тортишув принципи таъминланиши учун энг камида амалдаги дастлабки тергов тизимини тубдан ўзгартириш керак. Тергов судьяси институтини жорий этиб, ҳимоя тарафига ҳам бир вақтнинг ўзида тергов қилиш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда исботлашда тарафлар тенг ҳуқуқлар билан таъминланиши талаб этилади [27].

Тергов судьяси институтининг хорижий давлатлар суд-ҳуқуқ тизимида амал қилишини таҳлил қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда тергов судьяси институтини дунёнинг кўплаб давлатларида фаолият олиб боради. Хусусан, Германия, Бельгия, Греция, Ироқ, Испания, Нидерландия ва Хорватия давлатларида, айниқса, Францияда ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Францияда фаолият олиб борувчи тергов судьяси институтини фаолияти ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг амал қилишини таъминлайдиган холис, мустақил институт сифатида намоён бўлади. *Германияда* эса тергов судьяси (участка судьяси) жиноят процессининг

ўта муҳим фигураси бўлиб, унинг фаолияти Германия адвокатлари учун катта имконият ҳисобланади. Тергов судьяси қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, ДНК таҳлиллари ўтказиш, телефон-сўзлашув қурилмаларини эшитиш каби прокурор мурожаатлари юзасидан қарор қабул қилиш масъулиятини ўзига олади. Тергов судьяси фаолиятининг муҳим аҳамият касб этиши ўз ўрнида адвокат фаолиятига ҳам таъсир этади. У полиция ва прокуратура ҳаракатларини кўриб чиқади ҳамда ушбу органлар фаолиятининг мувофиқлиги ва қонунийлигини текширади. Шунингдек, полиция ҳаракатларини чеклайди, бу эса адвокатлар учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Иш тергов судьяси қўлида бўлган вақтда у ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиқмагунча қарор қабул қилмайди, бу эса ҳимоячи фаолиятига ижобий таъсир этади. Негаки ҳимоячи иш юзасидан прокуратурада мавжуд бўлган барча маълумотлар билан эртароқ танишиш имкониятига эга бўлади. Натижада адвокат ҳимояни тўғри ва самарали амалга оширишга эришади. Шу орқали тарафлар тенг имкониятларда ҳаракатланиши мумкин. [28].

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бугунги кунга келиб, бир қатор МДХ давлатларида ҳам тергов судьяси институтини жадаллик билан жорий этилмоқда. Хусусан, 2002 йилда Литва (ЖПК 158-м.)да, 2003 йилда Молдавия (ЖПК 41-м.) ва Эстония (ЖПК 21-м.)да, 2005 йилда Латвия (ЖПК 210-м.) да, 2013 йилда Украина (ЖПК 3-м.)да, 2015 йилда эса Қозоғистон (ЖПК 55-м.), Грузия (ЖПК 20-м.) ва Қирғизистон (ЖПК 31-м.) да ушбу институт жорий этилди. Арманистонда эса тергов судьяси институтини жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

### Хулосалар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципининг таъминланиши, айблов ва ҳимоя фаолияти устидан холис суд назоратининг муваффақиятли

амалга оширилиши, шунингдек, ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш учун хорижий давлатлар қонунчилигида мавжуд бўлган тергов судьяси институтини қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида ЖПКнинг 28-моддаси янги биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар ҳамда 29-моддаси биринчи қисм билан қуйидагича тўлдирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

#### *28-модда. Суд*

*Ўзбекистон Республикасида суд фаолияти ишни судга қадар юритишда суд назорати ҳамда биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияларида одил судловни амалга ошириш фаолиятдан иборатдир.*

*Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича ишни судга қадар юритишда суд назоратини тергов судьяси амалга оширади.*

*Тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб боровчи, айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берувчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида фаолият юритувчи масъул мансабдор шахсдир.*

#### *29-модда. Суднинг ваколатлари*

*Тергов судьяси ваколатларига: қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш ёки ўзгартириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни кўриб чиқиш; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш; айбланув-*

*чини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, мол-мулкни хатлаш ва уни тақиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги, мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатмаларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; адвокат сўрови юзасидан мансабдор шахс томонидан рад жавоби берилган тақдирда, тегишли юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки нарсаларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш; терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчининг қонунга хилоф ҳамда асосиз қарорларини бекор қилиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; дастлабки эшитув ўтказиш киради.*

*Ишни мазмунан кўриб чиқиб, ҳал қилувчи суднинг ваколатларига ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради.*



## REFERENCES

1. Abdumajidov G. Adolat dargohida [At the court of justice]. Tashkent, 2008, p. 14.
2. Gerasimova T.YU. Problemy realizacii principa sostjazatel'nosti na dosudebnyh stadiyah ugolovnogo processa. Diss. kand. jurid. Nauk [Problems of the implementation of the adversarial principle at the pre-trial stages of the criminal process. Ph.D. thesis jurid. Sciences]. Kuban State University. Krasnodar, 2017, 211/54, pp. 25-26.
3. Jamborov M.S. Konstitucionnyj princip sostjazatel'nosti kak sposob argumentirovannogo obosnovaniya pravovoj pozicii storon v Rossijskom sudoproizvodstve [The constitutional adversarial principle as a way of reasoned substantiation of the legal position of the parties in Russian legal proceedings]. Aktual'nie problemi rossiyskogo prava – Topical problems of Russian law. 2013, no 4, p. 424.
4. Efimichev S.P., Efimichev P.S. UPK Rossijskoj Federacii nuzhdaetsja v utocnhenii [The Criminal Procedure Code of the Russian Federation needs to be clarified]. Ugolovnoe pravo – Criminal law. 2003, no 1, p. 67.
5. Greshnova N.A. Problema realizacii principa sostjazatel'nosti v ramkah ustanovlenija istiny v ugolovnom sudoproizvodstve [The problem of implementing the adversarial principle in the framework of establishing the truth in criminal proceedings]. Juridicheskaja nauka i pravoohranitel'naja praktika – Legal science and law enforcement practice. 2016, no 3 (37), p. 122.
6. Tulaganova G.Z. Inson huquqlari umujahon deklaratsiyasi va tortishuv printsipi. O'quv qo'llanma [Universal Declaration of Human Rights and the Principle of Contradiction. Toolkit]. TSUL, Tashkent, 2009, pp. 6-7, 60, 78.
7. Bazarova D. Advokat kak uchastnik v dosudebnyh stadiyah ugolovnogo processa. Dissertaziya kandidata yuridicheskix nauk [A lawyer as a participant in the pre-trial stages of the criminal process. Dissertation of the candidate of legal sciences]. Tashkent, TSLI, 2011, p. 20.
8. Tuhtasheva U.A. Princip sostjazatel'nosti kak osnovnoj princip ugolovnogo sudoproizvodstva. Sbornik materialov kruglogo stola [The adversarial principle as the basic principle of criminal proceedings. Collection of materials of the round table]. Tashkent, TSLI, 2005, pp. 6-8.
9. Astanov I.R. Jinoyat ishlari bo'yicha maxsus bilimlardan foydalanishning protsessual va kriminalistik jihatlarini. Yur.f. doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya [Procedural and forensic aspects of the use of special knowledge in criminal cases. dissertation for the degree of Doctor of Laws (DSc)]. Tashkent, 2018, p. 125.
10. Djuragin N. Diskussionnye voprosy reformy ugolovnogo sudoproizvodstva [Discussion issues of the reform of criminal justice]. Yusticiya – Justice, 1989, no 7, p. 9.
11. Bozhev V.P. Sostjazatel'nost' na predvaritel'nom sledstvii [Competitiveness in the preliminary investigation]. Zakonnost' – Legality, 2004, no 1, p. 3.
12. Derishev Yu.V. Kontseptsiya ugolovnogo dosudebnogo proizvodstva v pravovoy doktrine sovremennoj Rossii [The concept of criminal pre-trial proceedings in the legal doctrine of modern Russia]. Omsk, 2004, p. 360.
13. Lukashevich V.Z., Chichkanov A.B. Printsip sostjazatel'nosti i ravnopraviya storon v novom UPK RF. Pravovedenie [Principle of adversarial and equal rights of the parties in the new Criminal Procedure Code of the Russian Federation. Jurisprudence]. 2002, no 5, p. 106.
14. Lukichev N.A. Sostjazatel'nost' i ravnopravie storon v ugolovnom sudoproizvodstve: dis. kand. jurid. nauk [Competitiveness and equality of parties in criminal proceedings. Dissertation of the candidate of legal sciences]. 12.00.09. Saratov, 2003, p. 80.
15. Aliev T.T., Gromov N.A., Zeynalova L.M., Lukichev N.A. Sostjazatel'nost' i ravnopravie storon v ugolovnom sudoproizvodstve. Uchebnoe posobie [Competitiveness and Equality of Parties in Criminal Proceedings. A Study Guide]. Moscow, 2003, p. 21.
16. Gutsenko K.F., Golovka L.V., Filimonov B.A. Ugolovnyj protsess zapadnix gosudarstv. Uchebnoe posobie [Criminal process of Western states. Tutorial]. 2nd edition. Moscow, Zertsalo-M, 2002, pp. 6, 23, 24.

17. Urgalkin A.S. Zashitnik v dokazivaniy po ugovnomu delu na stadii predvaritel'nogo sledstviya [Defense attorney in proving a criminal case at the stage of preliminary investigation]. Moscow, Pravovoy status advokata, p. 199.

18. Burmagin S.V. Printsip sostyazatel'nosti v teorii i sudebnoy praktike [The adversarial principle in theory and jurisprudence]. Ross. Yustitsiya – Russian justice, 2001, no 5, p. 17.

19. Irgashev S.V. Povyshenie processual'nogo statusa zashhitnika: problemy i puti resheniya. Puti obespecheniya realizatsii prav zashhitnika v dosudebnom proizvodstve i neobходimost' v jetom sledstvennogo sud'i: za i protiv [Raising the procedural status of a defender: problems and solutions. Ways to ensure the implementation of the rights of a defender in pre-trial proceedings and the need for an investigating judge: pros and cons. Materials of the collection of abstracts based on the results of the international scientific and practical online conference]. Tashkent, 2020, pp. 14-16.

20. Rustambaev M.X., Nikiforova YE.N. Pravooxranitel'nie organi. Uchebnik [Law enforcement agencies. Textbook]. Tashkent, TSLI, 2003, pp. 423-428.

21. Horrer V. Nezavisimaya advokatura i sudebnaya vlast', kak kraeugol'niy kamen'verxovenstva prava. Sitata nemetskogo politika, yurista i filosafo F. Lassalya [Independent legal profession and judiciary as a cornerstone of the rule of law. Quote from the German politician, lawyer and philosopher F. Lassalle]. Tashkent International Conference of Lawyers. 2019.

22. O'zbekistonda advokatura: hozirgi holati va rivojlanish istiqbollari. O'zR Advokatlar Palatasining nomli ma'ruza matni tarqatma materiallaridan [The Bar in Uzbekistan: state and development prospects. The text of the report of the Chamber of Lawyers of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, 2019.

23. Mo'minov B.A. Jinoyat ishlarini sudga qadar yuritish ustidan sud nazorati., Yur.f. doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya [Judicial supervision of criminal proceedings, Yur. dissertation for the degree of Doctor of Science (DSc)]. O'zbekiston Respublikasi Sud'yalar Oliy Kengashi huzuridagi Sud'yalar Oliy maktabi – Higher School of Judges under the High Council of Judges of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, 2020, pp. 241-242, 249.

24. Smirnov A.V. Modeli ugovnogo protsesssa [Models of the criminal procedure]. St. Petersburg, 2000, p. 52.

25. Predlojeniyapo kontseptsii sovershenstvovaniyasistemi ugovnogo i ugovno-protsessual'nogo zakonodatel'stva Respubliki Uzbekistan [Proposals for the concept of improving the system of criminal and criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan]. Available at: [https://www.unodc.org/documents/centralasia//2018/UNODC\\_Criminal\\_justice\\_reforms\\_in\\_Uzbekistan\\_Apr\\_2018\\_EN.pdf](https://www.unodc.org/documents/centralasia//2018/UNODC_Criminal_justice_reforms_in_Uzbekistan_Apr_2018_EN.pdf) (accessed 01.06.2021).

26. Adilov S.A. Pravovoe polojenie sledstvennogo sud'i v ugovnom protsesse Respubliki Kazaxstan. Diss. na soiskanie uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk [The legal status of an investigating judge in the criminal process of the Republic of Kazakhstan. Dissertation for the degree of candidate of legal sciences]. Moscow, 2018, p. 166.

27. Davletov A.A. Problema sostyazatel'nosti reshena v UPK RF neudachno [The problem of adversariality has been unsuccessfully resolved in the RF Code of Criminal Procedure]. Rossiyskaya yustitsiya – Russian justice, 2003, no 8, p. 22.

28. Rolnik G. Sledstvenniy sud'ya v Germanii i yego rol' v deyatel'nosti advokata-zashitnika. Puti obespecheniya realizatsii prav zashitnika v dosudebnom proizvodstve i neobходimost' v etom sledstvennogo sud'i: za i protiv. Materialy sbornika tezisov po itogam mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy onlayn-konferentsii [Investigative judge in Germany and his role in the activities of a defense lawyer. Ways to ensure the implementation of the rights of a defender in pre-trial proceedings and the need for an investigating judge: pros and cons. Materials of the collection of abstracts based on the results of the international scientific and practical online conference]. Tashkent, 2020, pp. 7-8.

UDC: 343.98(045)(575.1)  
ORCID: 0000-0001-8742-4815

## ҲОДИСА ЖОЙИНИ ҚЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Абдуллаев Рустам Кахраманович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
«Криминалистика ва суд экспертиза»  
кафедраси ўқитувчиси,  
e-mail: r.abdullayev@tsul.uz

**Аннотация.** Мақолада криминалист олимларнинг илмий қараш ва фикрлари асосида ҳодиса жойини қўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти мақсад ва вазифаларини аниқлашдаги ёндашувлар таҳлил қилинган, ҳодиса жойини қўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти мақсадларининг якуний ва оралиқ мақсадлардан иборатлиги, бу тергов ҳаракатининг оралиқ мақсадлари ташкилий, технологик ва баҳолаш-назорат қилиш каби таркибий қисмлардан иборат бўлиши илмий асосланган. Ундан ташқари, ҳодиса жойини қўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти мақсадларининг мазмуни ушбу тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусияти – унинг вазифаларнинг ўзига хослиги орқали кўриб чиқилиши кераклиги асосланиб, ҳодиса жойини қўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти вазифалари ташкилий-криминалистик, техник-криминалистик ва тактик-криминалистик ҳамда баҳолаш-назорат қилиш вазифаларидан иборат бўлиши бўйича илмий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** ҳодиса жойини қўздан кечириш, криминалистик таъминот, криминалистик таъминот мақсадлари, ҳодиса жойини қўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти якуний ва оралиқ мақсадлари, ташкилий элемент, технологик элемент, баҳолаш-назорат қилиш элементи, ташкилий вазифалар, технологик вазифалар, баҳолаш-назорат вазифалари.

### ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОСМОТРА МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ

**Абдуллаев Рустам Кахраманович,**  
преподаватель кафедры  
“Криминалистика и судебная экспертиза”  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье на основе научных взглядов и мнений ученых-криминалистов проанализированы подходы к определению целей и задач криминалистического обеспечения места происшествия; научно обосновано, что цели криминалистического обеспечения осмотра места происшествия могут быть конечными и промежуточными. Выявлено, что промежуточные цели данного следственного действия состоят из таких компонентов, как организационный, технологический и оценочно-контрольный. Кроме того, исходя из того, что цель криминалистического обеспечения места происшествия должна рассматриваться через специфику данного следственного действия – специфику задачи, даны научные рекомендации по криминалистическому обеспечению места происшествия в зависимости от организационно-криминалистических, технико-криминалистических, тактико-криминалистических и оценочно-контрольных задач.

**Ключевые слова:** осмотр места происшествия, криминалистическое обеспечение, цели криминалистического обеспечения, конечная и промежуточные цели криминалистического обеспечения осмотра места происшествия, организационный элемент, технологический элемент, оценочно-контрольный элемент, организационные задачи, технологические задачи, оценочно-контрольные задачи.

## PURPOSES AND OBJECTIVES OF CRIMINALISTIC SUPPORT FOR INSPECTION OF THE SCENE OF INCIDENT

**Abdullayev Rustam Qakhramanovich,**  
Tashkent State University of Law  
Teacher of the department  
of Criminalistics and Forensic Investigation

**Abstract.** Based on the scientific views and opinions of forensic scientists, the article analyzes the approaches to defining the goals and objectives of forensic support of the scene. Moreover, the article scientifically substantiates that the goals of forensic support for the inspection of the scene of the incident may be final and intermediate. The study reveals that the intermediate goals of this investigative action consist of such components as organizational, technological and evaluation-control. In addition, based on the fact that the purpose of forensic support of the scene should be considered through the specificity of this investigative action – the specificity of the task. Thus, scientific recommendations for forensic support of the scene, depending on the forensic organizational, forensic technological, forensic tactical and evaluative-control tasks are given.

**Keywords:** inspection of the scene (the scene of incident), forensic support, the goals of forensic support, the final and intermediate goals of the forensic support of the inspection of the scene, organizational element, technological element, evaluation and control element, organizational tasks, technological tasks, evaluation and control tasks.

### Кириш

Ҳодиса жойини кўздан кечириш – текширилаётган жиноятга сабабий алоқадор бўлган излар ва объектлар аниқланган жойларда жойлашган объектларни бевосита идрок этиш ва ўрганишдан иборат бўлган, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган шароитларнинг мавжудлиги ва уларнинг моҳиятини аниқлаш мақсадида керакли изларни аниқлаш, қайд этиш ва тадқиқ қилишга қаратилган, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатидир. Жиноятнинг очилиши ва унинг самарали тергов қилинишида ҳодиса жойини кўздан кечириш марказий ўрин тутди ва муҳим аҳамият касб этади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти – бу махсус билимлар субъектлари томонидан криминалистик маълумотларни олиш, тўп-

лаш, баҳолаш, қайта ишлаш ҳамда келгусида жиноятларни тергов қилиш жараёнида фойдаланиш мақсадида, ҳодиса жойини кўздан кечиришда замонавий техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалар ҳамда технологияларни қўллашга асосланган, ўзаро боғлиқ назарий билимлар ва амалий таркибий қисмларнинг (ташкилий, технологик ва баҳолаш-назорат таъминотини амалий қўллаш кўникма ва малакалари) динамик ташкилий-функционал тизимидир.

Бинобарин, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти тизимининг тузилиши ва ишлаши – аниқ бир ҳодиса жойини кўздан кечиришда юзага келадиган вазиятни инобатга олган ҳолда (бунга эса ушбу тергов ҳаракатининг муаммоларини ҳал қилиш учун



мавжуд криминалистик билимларни янгилаш орқали эришилади), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг техник-криминалистик ва тактик-криминалистик восита ҳамда технологияларни амалга оширишга нисбатан энг мақбул ташкилий, технологик ва баҳолаш-назоратга оид тайёрлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти субъектларининг фаолияти ахборот танқислиги шароитида амалга оширилади. Шу боисдан бу тергов ҳаракатининг мақсадларига жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик таъминоти самарадорлигига эришиш учун қўйилган вазифаларнинг аниқлиги ва натижадорлигини аниқлаш йўли билан эришишнинг аҳамияти ортиб боради. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг мақсадлари бу тергов ҳаракатининг самарадорлигига эришилганда, криминалистика фанининг умумий мақсадлари билан, яъни жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш; уларнинг олдини олиш; аниқланган барча ҳолатларни исбот қилиш [1, 7-8-б.], шунингдек, 2003 йилдаёқ ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг “Ҳодиса жойини кўздан кечириш кўп жиноятларни тергов қилишда дастлабки тергов ҳаракати ҳисобланиб, терговни тўғри ташкил этиш, версияларни тузиш ва уларни текшириш ҳамда лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга имкон беради”, деб таъкидланган мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлади [2, 237-б.]. Шу сабабли Д. Базарова ва И. Астановлар ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий мақсади сифатида қуйидагиларни таъкидлайди: “юз берган жиноят воқеаси ҳолатлари; унга дахлдор шахслар ва объектлар; уларнинг ўзаро алоқалари ва ҳаракатлари тўғрисида фактик маълумотларни процессуал йўл билан олиш” [3, 169-б.].

А. Раҳмонқулов ва Д. Миразовлар “Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришдан

асосий мақсад ҳодисанинг келиб чиқиш ҳолатини бевосита кўриш билан мавжуд из, ашёвий далилларни топишдан иборат”, деб иккита мақсадни таъкидлаган бўлса [4, 213-б.], белорусиялик мутахассис Г. Мухин ҳам, ўз навбатида, юқоридаги каби учта мақсадни аниқлаштириб берган: “жиноят изларини аниқлаш; ҳодисанинг ҳолатларини аниқлаш; иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш” [5, 125-126-б.]. А. Закурлаев ва К. Маҳмудовларнинг фикрича, “Ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади: 1) ҳодиса жойидаги вазиятни ўрганиш ва ишнинг далилий моҳиятини аниқлаш; 2) жиноят излари, уни содир этиш қуроллари ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш ва қадоқлаш; 3) ҳодиса жойини қайд этиш” [6, 473-б.].

Криминалистик адабиётларда ҳодиса жойини кўздан кечириш мақсадларини аниқлашнинг бошқа ёндашувлари ҳам мавжуд:

а) мақсадлар вазифалар билан аниқланади [7, 3-14-б.]; б) иш учун муҳим бўлган ҳолатлар билан боғлиқликда талқин қилинади [8, 5-6-б.]; в) тизимли ёндашув нуктаи назаридан кўриб чиқилади [9, 155-б.; 10, 47-50-б.].

Д. Базарова ва И. Астановлар тизимли ёндашув асосида, текширилаётган воқеа қандай шароитларда юз берганини аниқлаш, уларни баённомада ва техник-криминалистик воситалар ёрдамида қайд этиш; жиноятнинг моддий изларини аниқлаш, қайд этиш ва олиб қўйиш; излар ва нарсаларнинг жиноятчи, жабрланувчи ва бошқа субъектлар ва объектлар билан алоқасини аниқлаш; айбдор шахсни аниқлаш, қидириш ва фош этиш; бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш; суд экспертларини тайинлаш учун бошланғич ахборотни тўплаш кабиларни жиноятларни тергов қилишнинг техник-криминалистик таъминоти асосий (пировард)

мақсади; шунингдек, воқеа гувоҳлари ва шохидларини аниқлаш; жиноятчида у фойдаланган қурол ва транспорт воситаларида қолиши мумкин бўлган изларни аниқлаш; ушбу жой объектлари ва жиноят содир этилган пайтда шу ерда бўлган шахсларнинг алоқасини аниқлаш учун ҳодиса содир бўлган жойдан олиниши лозим бўлган тупроқ, ўсимлик, сув ва ҳоказоларнинг намуналарини белгилаш ҳамда шу кабиларни оралиқ мақсад ва махсус вазифалар эканлигини таъкидлайди [3, 169-б.].

### **Материал ва методлар**

Мазкур ёндашувдан ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминот тизими фаолиятининг махсус мақсад ва вазифаларини кўриб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Унинг асосини эса ваколатли субъектлар томонидан техник-криминалистик ва тактик-криминалистик восита ҳамда технологиялардан фойдаланган ҳолда, бу тергов ҳаракатини ўтказиш амалиёти ташкил этади. Бу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти мақсадлари қуйидагиларга тўғридан-тўғри боғлиқ деб айтиш мумкин:

1) ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти якуний мақсадига, яъни келгусида жиноятни очиш ва тергов қилиш жараёнида фойдаланиш учун криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни самарали аниқлаб олиш, тўплаш, баҳолаш ва қайта ишлаш;

2) якуний мақсадга эришишга йўналтирилган ва ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти тизимининг амалий (ташкилий, технологик ва баҳолаш-назорат қилиш) таркибий қисмлари (элементлари) билан боғлиқ бўлган оралиқ мақсадларга;

3) тактик-криминалистик таъминот мақсадларига “нима юз берган ва қандай объектларни излаш керак” деган саволни ҳал қилиш, шунингдек, “кўздан кечириш чегаралари ҳамда уни ўтказиш учун за-

рур бўлган кадрлар ва техник ресурсларни аниқлаш” [11, 154-б.] кабиларни киритиш мумкин.

Фикримизча, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти оралиқ мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ташкилий таркибий қисмда (элемент) – терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) томонидан кўриб чиқиладиган тергов ҳаракатларининг криминалистик таъминот самарадорлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилиши (мутахассисни жалб қилиш, кўздан кечиришда қўллаш учун аниқ техник-криминалистик ва тактик-криминалистик восита ҳамда технологиялар мажмуини танлаш ҳамда уларни ҳодиса жойига тезкор жойлаштириш).

2. Технологик таркибий қисмда (элемент) – жиноят излари ва объектларни аниқлаш, қайд этиш ва олиш самарадорлигига эришиш учун махсус билимлар, техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалар ва технологияларни қўллашни ҳуқуқий тартибга солиш ва амалда сифатли фойдаланилишини таъминлаш.

3. Баҳолаш-назорат қилиш таркибий қисмида (элемент) – ҳодиса жойини кўздан кечириш пайтида техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалар ҳамда технологиялардан фойдаланиш самарадорлигининг тўлиқлиги, ўз вақтидалиги, жиноят изларини кўздан кечиришда аниқланган изларнинг ишончлилиги; бу тергов ҳаракатининг самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан натижавийлигини баҳолаш ҳамда назорат қилиш.

В.Волынскийнинг фикрича, “мақсадларнинг мазмуни, аввало, уларга эришиш учун ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар орқали аниқланиши мумкин” [12, 27-б.]. Бизнинг фикримизча эса ҳо-

диса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти мақсадларининг мазмуни ушбу тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусияти – унинг вазифаларининг ўзига хослиги орқали кўриб чиқилиши керак. Бундай хусусиятларнинг аниқланиши бўйича криминалистика фанида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан. У. Носиров, А. Закурлаев ва К. Маҳмудовлар [6, 473-б.; 13, 6-б.] ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида ҳал қилинадиган асосий масалалар сифатида қуйидагиларни таъкидлайди: 1) ҳодиса жойидаги вазиятни ўрганиш ва ишнинг далилий моҳиятини аниқлаш; 2) жиноят излари, жиноят содир этиш қуроллари ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш, олиш ва қадоқлаш; 3) ҳодиса жойини қайд этиш.

#### Тадқиқот натижалари таҳлили

Юқорида ажратиб кўрсатилган вазифалар биз таклиф қилган ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминот тизимининг технологик блокининг асосий таркибий қисмлари – ташкилий, технологик ва баҳолаш-назорат қилиш элементларига тўлиқ мос келади.

В. Сокол жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик таъминоти тизими фаолиятининг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатади: ташкилий-криминалистик, техник-криминалистик ва тактик-криминалистик [14, 59-б.]. Бу фикрларни маъқуллаган ҳолда, ушбу рўйхатни биз таклиф қилган криминалистик таъминот тизимига мувофиқ, баҳолаш-назорат қилиш вазифалари (методик вазифаларнинг таркибий қисмлари) билан тўлдириш ўринли деб ҳисоблаймиз:

I. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминот тизимининг ташкилий таркибий қисми вазифалари терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) кўздан кечиришдан олдин ҳал қилиши керак бўлган вазифалардир. Шу билан бирга, у қуйидаги

умумий вазифаларни ҳам бажариши керак: “зарур ташкилий ва техник шарт-шароитларни яратиши, унинг предмети, иштирокчилари доирасини аниқлаши ҳамда уларнинг интенсив фаолиятини таъминлаши лозим” [15, 27-б.]. Ўрганилаётган таркибий қисмнинг, кўздан кечириш бошлангунга қадар терговчи (терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки суд) томонидан ҳал қилиниши керак бўлган хусусий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– биринчидан, ҳодиса жойини кўздан кечиришга мутахассисни жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида масалани ҳал қилиш;

– иккинчидан, ҳодиса жойини кўздан кечиришда фойдаланиш учун зарур бўлган аниқ техник-криминалистик, тактик-криминалистик воситалар ҳамда технологиялар мажмуасини танлаш;

– учинчидан, ушбу восита ва технологияларни ҳодиса жойига тезкор равишда жойлаштириш.

II. Технологик таркибий қисмнинг вазифаларига жиноят излари ва объектларини аниқлаш, қайд этиш ва олиш натижавийлигига, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг юқори самарадорлигига эришиш учун техник-криминалистик, тактик-криминалистик восита ҳамда технологияларидан юқори сифатли фойдаланишни таъминлаш киради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг асосий фаолияти ва саъй-ҳаракатлари суд-экспертлик фаолияти сифатини оширишга қаратилган [16].

Ҳозирда турли хил техник-криминалистик воситалар ва технологиялар, назарий билимлар ва ҳодиса жойини кўздан кечиришда жиноят изларини аниқлаш ва олиб қўйиш учун улардан фойдаланишга оид амалий тавсиялар жуда кўп ишлаб чиқилган. Бироқ амалиётда бундай техник-криминалистик воситаларни қўллашда муам-

молар юзага келаётгани сабабли юқоридаги назарий билимлар ва методик тавсияларни етарли деб бўлмайди. Бу эса ҳодиса жойини кўздан кечириш самарадорлигига халақит беради. Ўрганилган жиноят ишлари материаллари ва ўтказилган сўровнома натижалари ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг техник-криминалистик таъминотида оид қатор муаммоларни аниқлаш имконини берди. Бу эса унинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундай муаммолар сирасига ҳодиса жойига туташ ҳудудларни кўздан кечириш, жиноят излари ва моддий объектларни аниқлаш учун криминалистик воситалар ва технологияларни қўлласлик (бу эса баъзан далилларнинг йўқолишига олиб келади); жиноят излари ва бошқа объектларни аниқлаш, қайд этиш ва олишдаги муаммолар киради.

III. Баҳолаш-назорат қилиш компонентининг вазибаларига ҳодиса жойини кўздан кечиришда техник-криминалистик, тактик-криминалистик воситалар ҳамда технологияларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш ва назорат қилиш киради. В.Бахиннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини баҳолаш тизими "... амалда унинг сифати ва ижодий ифодасини ҳисобга олмаган ҳолда, кўпинча ҳақиқатни излаш учун эмас, балки фаолиятни намоиш этиш учун амалга оширилади" деган фикрлари алоҳида қизиқиш уйғотади [17, 160-б.]. Чунки ҳозирги кунда ЭКБМда суд-экспертлик фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилган. Бу мезонларга амалдаги қонунчиликка риоя этиш ва суд-экспертлик фаолияти сифатини таъминлаш; суд экспертизалари ўтказишнинг тезкорлиги, шунингдек, тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларининг техник-криминалистик таъминот самарадорлиги даражаси кабилар киради. Даврий ҳисоботларда барча кўрсаткичлар ўтган шу давр кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда, кўрсаткич динамикаси (ўсган

ёки камайганлиги) фоизларда ифодаланган ҳолда келтирилади.

Айни пайтда, жиноятларни тергов қилишнинг техник-криминалистик таъминотини баҳолашнинг юқоридаги мезонлари бирмунча чекланган ва ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти самарадорлигини тўлиқ акс эттирмайди. Чунки, биринчидан, улар ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминот тизимининг сифатга оид таркибий қисмини ҳисобга олмаган ҳолда, муайян миқдорий кўрсаткичлар билан чекланган; иккинчидан, бундай баҳолаш чекланган турдаги: қўл-бармоқ, пойабзал (оёқ) ва транспорт воситалари изларига нисбатан амалга оширилади, бошқа турдаги излар (масалан, тиш излари, қўлқоп излари ва ҳ.к.) ҳисобга олинмайди; учинчидан, ҳодиса жойини кўздан кечиришда тактик-криминалистик воситалар ҳамда технологиялардан фойдаланиш натижалари ушбу фаолиятни баҳолаш мезони сифатида умуман кўриб чиқилмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳодиса жойини кўздан кечириш самарадорлигини тартибга солишнинг самарали воситаси сифатни назорат қилиш механизми бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

– техник-криминалистик ва тактик-криминалистик воситалар ҳамда технологиялардан фойдаланиш натижалари ва самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва сақлаш;

– ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланган жиноят излари ва бошқа моддий объектларнинг аниқланиш, қайд этиш, олиниш ва тадқиқотларнинг ўз вақтидалиги, ишончлилиги, қабул қилиниши мумкинлиги, иш учун аҳамиятлилиги, тўлиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;

– ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминотидаги тактик хатоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда бу тергов ҳара-



кати иштирокчиларига ўз вақтида ва бевосита ёрдам кўрсатиш;

– тергов ҳаракати самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш; бу эса, ўз навбатида, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти тўғрисида назарий билимларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг криминалистик таъминоти тизими каби ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти тизимининг тузилиши унинг субъектларининг функционал фаоллигини тавсифлайди. Ҳар бир функциянинг мазмуни эса аниқ вазифалар билан белгиланади [14, 59-б.]. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти барча субъектлари томонидан бу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши учун уларнинг фаолиятини аниқ ташкил этиш зарур.

#### Хулосалар

Шундай қилиб, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти тизимининг таклиф қилинган вазифалари криминалистика фанининг ижтимоий, шунингдек, амалий-фаолиятли функцияларига тўлиқ мос келади. Бу ҳолат кўриб чиқилаётган тизимнинг криминалистика фанида эгаллаган жойини ифодалайди. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти субъектлари томонидан тизимнинг мақсадлари ва функциялари ҳақидаги билимларнинг амалда қўлланилиши ушбу тизимни илмий ташкил этишнинг асосий талабларидан биридир. Кўриб чиқилаётган тизимнинг мақсадларига жиноятни аниқлаш ва тергов қилишга қаратилган умумий (якуний) мақсад ҳамда тизим фаолиятининг ташкилий, технологик ва баҳолаш-назорат қилиш қисмларининг мақсадлари билан боғлиқ бўлган хусусий (оралиқ) мақсадлар киради.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги турдаги вазифалар бажарилиши лозим:

ташкилий вазифалар – ҳодиса жойини кўздан кечиришда мутахассисни (эксперт-криминалист) мақсадга мувофиқ жалб қилиш ва ҳодиса жойига тезкор жойлаштириш учун техник-криминалистик восита ҳамда технологиялар мажмуини тўғри танлаш;

технологик вазифалар – техник-криминалистик ва тактик-криминалистик восита ҳамда технологиялардан сифатли ва самарали фойдаланиш;

баҳолаш-назорат вазифалари – ҳар бир аниқ кўздан кечиришнинг самарадорлиги ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда назорат қилиш; ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланган жиноят излари ва бошқа моддий объектларнинг аниқланиш, қайд этиш, олиниш ва тадқиқотларининг ўз вақтидалиги, ишончилиги, қабул қилиниши мумкинлиги, иш учун аҳамиятлилиги, тўлиқлиги устидан назоратни амалга ошириш; тактик хатоларни аниқлаш ва бу тергов ҳаракати самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган вазифалар.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти тизимининг мажбурий таркибий қисмлари (элементлари) бўлган мақсадлар, вазифалар, субъектларни аниқлашнинг янгилиги ушбу мақсадлар, вазифалар, субъектлар ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқарадиган тизимли ёндашувни қўллашдан иборат. Ушбу ҳолат жиноят тўғрисида максимал даражада маълумот олишни таъминлайди, шунингдек, ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг криминалистик таъминоти субъектларининг махсус билимларидан бу тергов ҳаракатининг самарадорлигига эришиш учун тўлиқ фойдаланишга имкон беради.

## REFERENCES

1. Dulov A.V. Formirovanie celej – neobhodimoe uslovie razvitija kriminalistiki. Problemy kriminalistiki: sb. nauch. tr. [Formation of goals – a necessary condition for the development of criminalistics. Problems of criminalistics: collection of scientific papers. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Belarus. Minsk, 2008. Issue. 6, pp. 7-8.
2. Kriminalistika: Oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik / Mualliflar: G' Abdumajidov va boshq. [Forensic science: Textbook for students of higher educational institutions]. Tashkent, Adolat, 2003, p. 237.
3. Bazarova D., Astanov I.R. Kriminalistika va ekspertiza. Darslik [Criminology and Expertise. Textbook]. Tashkent, TSUL, 2020, p. 169.
4. Rakhmankulov A.Kh., Mirazov D.M. Tergov dastlabs. Darslik [Initial research. Textbook.] Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, 2012, p. 213.
5. Muhin G.N. Kriminalistika. Ucheb. posobie. G.N. Muhin, D.V. Isjutin-Fedotkov [Forensic science. Textbook allowance]. Minsk, 2009, pp. 125-126.
6. Zakurlaev A.K., Mahmudov K.O. Kriminalistika: Darslik. [Forensic science: Textbook]. Tashkent: Carbi-technician institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018, p. 473.
7. Vasil'ev A.N. Osmotr mesta proisshestvija: posobie dlja prokurckih i sledstvennyh rabotnikov [Inspection of the scene: a guide for prosecutors and investigators workers]. Moscow, Gosyurizdat, 1960, pp. 3-14.
8. Osmotr mesta proisshestvija: sprav. sledovatelja / avt.-sost.: I.E. Byhovskij [i dr.]. 2-e izd., ispr. i dop. [Inspection of the scene: ref. Investigator]. Moscow, Jurid. lit., 1982, pp. 5-6.
9. Kretov B.M. Sistemnyj podhod k formirovaniju celej osmotra mesta proisshestvija. Problemy kriminalistiki: sb. nauch. tr. [A systematic approach to the formation of the objectives of the inspection of the scene]. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Belarus. Minsk, 2005, Issue 3, p. 155.
10. Pavljut' O.V. Dejatel'nost' jeksperta-kriminalista organov vnutrennih del v kachestve specialista pri osmotre mesta proisshestvija [Activities of a forensic expert of the internal affairs bodies as a specialist when examining the scene of the incident]. Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Belarus. Minsk, 2012, pp. 47-50.
11. Sobolev S.V. Kriminalisticheskie aspekty pervonachal'nogo jetapa rassledovaniya prestuplenij terroristicheskoy napravlenosti, svjazannyh s ispol'zovaniem vzryvnyh ustrojstv [Forensic aspects of the initial stage of the investigation of terrorist crimes related to the use of explosive devices]. Вестн. Удмуртского ун-та – Bulletin of the Udmurt University. Series Economics and Law, 2015, no 2-2, p. 154.
12. Volynskij V.A. Tehniko-kriminalisticheskoe obespechenie raskrytija i rassledovaniya prestuplenij: posobie [Technical and forensic support for the disclosure and investigation of crimes: manual]. Moscow, 1994, p. 27.
13. Nosirov U.M. Hodisa joyini ko'zdan kechirish: O'quv-amaliy qo'llanma [Incident Review: A Study Guide]. Tashkent: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2014, p. 6.
14. Sokol V.Ju. Taktiko-kriminalisticheskoe obespechenie raskrytija i rassledovaniya prestuplenij: metodologicheskie i organizacionnye aspekty: dis. ... kand. jurid. nauk [Tactical and forensic support for the disclosure and investigation of crimes: methodological and organizational aspects: dissertation of the candidate of legal sciences]. 12.00.09. Moscow, 1998, p. 59.
15. Turchin D.A. Polevaja kriminalistika i ee prakticheskoe primenenie: nauch.-prakt. posobie [Field forensics and its practical application: scientific-practical. Allowance]. D.A. Turchin, I.S. Chizhikov; ed. E.P. Ishchenko. Moscow, 2006, p. 27.
16. Bahin V.P. Problemy sovershenstvovaniya vnedrenija nauchno-tehnicheskikh dostizhenij v sledstvennuju praktiku. Vnedrenie v praktiku novyh metodov sudebnoj mediciny i kriminalistiki: materialy VI konf. nauch. o-va sudeb. medikov i kriminalistov [Problems of improving the implementation of scientific and technical achievements in investigative practice. Implementation of new methods of

forensic medicine and forensic science: materials of the VI conf. scientific. islands of destinies. physicians and forensic experts]. Litva, Kaunas, 20–21 oct. 1987, p. 160.

17. Kurbanov, M (2018). General description of crimes related to obstruction, unlawful interference in business activity. ProAcademy, vol. 1, no. 4, Article 14. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/14/> (accessed 01.06.2021).

18. Kadirova Mokhigul Khamitovna, Abdullaev Rustam Kahramanovich, Khujanazarov Azizjon Anvarovich, Rahimkulova Lola Ulugmurodovna. Evaluation of the results of judicial computer and technical expertises by the investigators and the court. Available at: <https://www.psychosocial.com/article/PR260256/13667/> (accessed 01.06.2021). DOI: 10.37200/IJPR/V24I6/PR260256

19. Guzalkhon Akhmedova. Certain Issues Related to the Implementation of International Standards in Uzbekistan's National Legislation with Regard to Improving Conditions of Detention of Women. Available at: <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v9i1/A2995109119.pdf> (accessed 01.06.2021).

20. Karimov B. Nauchno-teoreticheskie voprosy kategorii cifrovyyh dokazatel'stv [Scientific and theoretical questions of the category of digital evidence]. Review of law sciences. 2020, Special issue. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/nauchno-teoreticheskie-voprosy-kategorii-tsifrovyyh-dokazatelstv/> (accessed 26.05.2021). DOI: 10.24412 / 2181-919X-2020-149-153/.

Каримов Бобуржон. Научно-теоретические вопросы категории цифровых доказательств // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. DOI: 10.24412/2181-919X-2020-149-153/.

21. Rustam, A., & Otabek, G. (2021). Digital fingerprinting: New opportunities for solving crimes? Psychology and Education Journal, 58(1), 2713-2718.

22. Topildieva D. Kriminalisticheskaja harakteristika ubijstva pri obnaruzhenii raschlenennogo trupa [Forensic characteristics of a murder when a dismembered corpse is found]. Review of law sciences, 1 (Special issue), pp. 197-204. DOI: 10.24412 / 2181-919X-2020-1-197-204/.

Топилдиева Дилрабо (2020). Криминалистическая характеристика убийства при обнаружении расчлененного трупа. Review of law sciences, 1 (Спецвыпуск), 197-204. DOI: 10.24412/2181-919X-2020-1-197-204/.

UDC: 343

ORCID: 0000-0002-4579-3740

## ПРОБЛЕМЫ ПРОЦЕССУАЛЬНО-ПРАВОВЫХ ОСНОВ УГОЛОВНОГО ПРЕСЛЕДОВАНИЯ

**Кабирзода Гавхарой Косими,**  
старший преподаватель кафедры  
“Судебное право и прокурорский надзор”  
Таджикского государственного университета  
права, бизнеса и политики,  
e-mail: gavkharoy.barotova.84@mail.ru

**Аннотация.** В статье рассмотрены процессуальные вопросы о возбуждении уголовных дел по поводу частного обвинения на примере домашнего насилия в отношении женщин (потерпевших). Выявлены проблемы доказывания в уголовном процессе по поводу домашнего насилия, возбуждения уголовного дела по статье 24 УПК РТ. Определены поводы и основания возбуждения уголовного дела, критерии социальной справедливости возбуждения уголовного дела и условия устранения причин насилия. Показана актуальность уголовно-правовых вопросов частного обвинения на примере домашнего насилия. В этом контексте также рассматриваются факторы, которые препятствуют доступу женщин к правосудию в свете правовых и процессуальных норм уголовного законодательства Республики Таджикистан. Также в статье рассмотрена зависимость от характера и степени тяжести совершенного преступления частного обвинения, которое должно иметь предварительное следствие. Доказывается обязанность участия прокурора в судебных разбирательствах и подтверждаются факты прекращения уголовного дела со стороны уполномоченных лиц без оснований. Отмечено соблюдение норм уголовного и уголовно-процессуального права во время рассмотрения частного обвинения в связи с надежной защитой прав потерпевшего и соблюдением конституционно-правовых основ защиты прав потерпевшего в уголовном процессе.

**Ключевые слова:** возбуждение уголовного дела, жертва, женщина-потерпевшая, домашнее насилие, наказание, преступность, уголовное судопроизводство, расследование, проблемы доказывания, убийство, доведение, вред, альтернативная мера наказания, процессуальные права потерпевших.

### JINOIY TA'QIB QILISHNING PROTSESSUAL VA HUQUQIY ASOSLARI MUAMMOLARI

**Kabirzoda Gavharoy Kosimi,**  
Tojikiston davlat huquq, biznes va siyosat universiteti  
«Sud huquqi va prokuror nazorati» kafedrasi  
katta o'qituvchisi

**Аннотация.** Мақоллада айollarga (jabrlanuvchilarga) nisbatan oilaviy zo'ravonlik misolida xususiy ayblovlar bo'yicha jinoiy ish qo'zg'atishning protsessual masalalari ko'rib chiqilgan. Oilaviy zo'ravonlik bilan bog'liq jinoiy protsessida isbotlash, Tojikiston Jinoiy-protsessual kodeksining 24-moddasi bo'yicha jinoiy ish qo'zg'atish muammolari aniqlandi. Jinoiy ishni qo'zg'atishning sabablari va asoslari, jinoiy ishni qo'zg'atish uchun ijtimoiy adolat mezonlari



va zoʻravonlik sabablarini yoʻq qilish shartlari aniqlandi. Xususiy ayblovning jinoyat-huquqiy masalalarining dolzarbligi oiladagi zoʻravonlik misolida koʻrsatib oʻtilgan. Shu nuqtai nazardan, ayollarning odil sudlovdan foydalanishiga toʻsqinlik qiluvchi omillar, shuningdek, Tojikiston Respublikasining jinoiy qonunchiligi huquqiy va protsessual normalarida koʻrib chiqilmoqda. Maqolada, bundan tashqari, dastlabki tergov jarayonida oʻtkazilishi kerak boʻlgan xususiy ayblov jinoyatining mohiyati va ogʻirligiga bogʻliqligi koʻrib chiqiladi. Prokurorning protsessda ishtirok etish majburiyati isbotlangan va vakolatli shaxslar tomonidan jinoyat ishini asossiz tugatganligi faktlari tasdiqlangan. Xususiy ayblovni koʻrib chiqishda jinoiy va jinoyat protsessual huquq normalariga rioya qilishda jabrlanuvchining huquqlarini ishonchli himoya qilish va jinoyat protsessida konstitutsiyaviy huquqiy asoslarga rioya qilinishi qayd etiladi.

**Kalit soʻzlar:** jinoiy ish qoʻzgʻatish, jabrlanuvchi, jabrlanuvchi ayol, oiladagi zoʻravonlik, jazo, jinoyat, jinoiy ish, tergov, isbotlash muammolari, qotillik, olib kelish, zarar etkazish, muqobil jazo, jabrlanuvchilarning protsessual huquqlari.

## PROBLEMS OF THE PROCEDURAL AND LEGAL FOUNDATION OF CRIMINAL PROSECUTION

**Kabirzoda Gavharoi Kosimi,**  
Senior Lecturer of the Department  
“Judicial law and prosecutor’s supervision”  
Tajik State University  
Law, Business and Politics

**Аннотация.** Статья освещает роль неправительственных организаций, специализирующихся в области юридического образования в Соединенных Штатах Америки. По мнению автора, неправительственные организации оказывают содействие высшим учебным заведениям в области контроля качества образования, организации вступительных экзаменов, эффективного управления, продвижения научных разработок, трудоустройства выпускников, подготовки молодых специалистов. Подробно описана деятельность самых популярных из этих организаций. Автором сделаны выводы на основе анализа деятельности общественных объединений в правовом поле. После исследования опыта США были выдвинуты предложения по усилению роли в нашей стране неправительственных организаций в сфере образования.

**Ключевые слова:** юридические школы, неправительственные организации, юридическое образование, качество образования, юридическая деятельность, юридическая практика, профессиональные ассоциации, аккредитация.

## THE ROLE OF NON-GOVERNMENTAL ORGANIZATIONS IN LEGAL EDUCATION IN THE UNITED STATES

**Yunusov Khaydarali Muratovich,**

Associate Professor in the International law and Human Rights Department, Tashkent State University of Law, PhD in International Law

**Abstract.** This article highlights the role of non-governmental organizations specialized in the field of legal education in the United States of America. According to the author, non-governmental organizations provide assistance to higher education institutions in the areas of quality control of education, organization of admission examinations, effective management, promotion of scientific developments, employment of graduates, and training of young professionals. The activities of the most popular of these organizations are described in detail. Moreover, conclusions are made on basis of the analysis of the activities of non-governmental associations in the legal field. Based on the investigation of the experience of the United States, proposals will be put forward to strengthen the role of non-governmental organizations in the field of education in our country.

**Keywords:** law schools, nongovernmental organizations, legal education, quality of education, legal work, legal practice, professional associations, accreditation.

### Кириш

Барча учун идеаллик тимсолини тақдим этмаса-да, АҚШ олий таълим тизими дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Таълим беришнинг илғор услубий асослари, замонавий моддий-техник воситалар ва умуман таълим соҳасидаги мукамал инфратузилмаларнинг ўзаро уйғунлиги бу борадаги ютуқларнинг гаровидир.

Times Higher Education (THE), SQ халқаро нашрлари ва U.S. News & World Report Америка миллий нашрининг йиллик рейтинг рўйхатида доимий тарзда кучли 10 талиқдан жой олувчи Ҳарвард университети, Стенфорд университети, Йел университети, Чикаго университети, Принстон университети, Пенсильвания университети, Корнелл университети, Колумбия университети ва Калифорния университетларининг таълим дастурлари бутун дунёда шухрат қозонган.

U.S. News & World Report нашрининг 2021 йил учун эълон қилинган рейтинг рўйхатида Йел университети, Стенфорд университети, Ҳарвард университети, Колумбия университети, Чикаго университети, Нью-Йорк университети, Пенсильвания университети, Виржиния университети, Чикаго Шимоли-Шарқий университети (Northwestern university, Pritzker) ва Калифорния университети биринчи ўнталиқдан жой олган [1].

Америка олийгоҳларининг халқаро миқёсда эътироф топиши, албатта, таълим сифати билан боғлиқ. Зотан, АҚШ университетларида олий таълим сифатини юксалтиришда нодавлат ноҳукумат ташкилотлари ва касбий уюшмаларнинг алоҳида ўрни бор.

### Материал ва методлар

АҚШда нодавлат ноҳукумат ташкилотларининг юридик таълимдаги ўрни масаласини ёритишда очиқ маълумот-

лар тизими ва статистик индикаторлардан фойдаланиш айти муддаодир. Айтиқса, юридик соҳадаги нодавлат ноҳукумат ташкилотлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг фаолиятига оид маълумотлар мавзунини тўлиқ ёритишга ёрдам беради. ЮНЕСКОнинг Статистика институти ва АҚШнинг Халқаро таълим институти маълумотларига кўра, Қўшма Штатлар олийгоҳлари жаҳон миқёсида хорижлик талабалар учун таълим олишнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Дунё бўйлаб хорижда таълим оладиган талабалар (жами 4,6 млн. нафар)нинг 24 фоизи АҚШ ҳисобига тўғри келади. Кейинги ўринларни мос равишда Буюк Британия (11 фоиз ёки 500 минг нафар хорижлик талаба), Хитой (10 фоиз ёки 443 минг нафар хорижлик талаба), Австралия (7 фоиз ёки 328 минг нафар хорижлик талаба), Канада (7 фоиз) ва Европа Иттифоқи давлатлари (7 фоиз) эгаллайди [2].

АҚШ олийгоҳларидаги хорижлик талабалар орасида хитойлик талабалар (369,548 нафар), Ҳиндистон (202,014 нафар), Жанубий Корея (52,250 нафар), Саудия Арабистони (37,080 нафар), Канада (26,122 нафар), шунингдек, Бангладеш, Бразилия, Нигерия ҳамда покистонлик талабалар сон жиҳатдан асосий салмоқни ташкил қилади [3].

Америка олий ўқув юртлирида таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг сони ҳам йилдан йилдан ошиб бормоқда. “Open Doors” нашрининг 2016 йилдаги ҳисоботида кўра, *ўзбекистонлик талабалар сони олдинги йилларга қараганда 7,9 фоизга ўсиб, 530 нафарга кўпайган*. 2018 йил ҳисоботида кўрсатилишича, АҚШда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони олдинги йилларга қараганда яна 12,9 фоизга ошиб, 570 нафарни ташкил этган. Уларнинг қарийб 50 фоизи бакалавриат дастурларида, қолганлари эса магистратура босқичида ёки инглиз

тилини ўрганиш каби даража бермайдиган дастурларда таълим олмақда.

АҚШ олий таълим тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири олий таълим ва ундан кейинги узлуксиз таълим босқичларида давлатнинг иштироки камайиб, аксинча, нодавлат уюшмаларнинг роли ошиб боради. Нодавлат ноҳукумат ташкилотлари таълим сифатини назорат қилиш, қабул имтиҳонларини ташкил этиш, самарали бошқарувни таъминлаш, илмий ишланмаларни оммалаштириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, эндигина касбий фаолиятини бошлаган мутахассисларнинг малакасини ошириш соҳаларида олий таълим муассасаларига кўмак беради.

#### **Тадқиқот натижалари**

Олиб борилган тадқиқот натижасида юридик таълим соҳасига дахлдор бўлган бир қатор нодавлат уюшмаларнинг фаолияти ўрганилди ва таҳлил этилди. Қуйида уларнинг асосийлари ҳақида сўз юритилади.

Америка юристлар уюшмаси (инглиз тилида American Bar Association (ABA)) 1878 йил 21 августда Нью-Йорк шаҳрида 20 та штат ва Колумбия Округининг юристлари томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган ҳуқуқшуносларнинг миллий касбий уюшмаси бўлиб, бугунги кунда унинг аъзолари қарийб 400 мингдан зиёдни ташкил қилади. Уюшмага америкалик ва хориждаги жисмоний ва юридик шахслар (юридик соҳадаги уюшмалар, кенгашлар, фирмалар, ҳуқуқ мактаблари) аъзо бўлиши мумкин. Штатлар бўйлаб бир нечта қароргоҳлари бўлиб, улардан энг йириги Чикаго (Иллинойс штати) шаҳрида жойлашган [4].

Таъсис ҳужжатида кўра, ташкил этилган дастлабки даврда унинг мақсади “юридик фанларни ривожлантириш, одил судловни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакат бўйлаб қонунчиликни бирхиллаштириш” бўлган. Кейинчалик унинг ва-

колатлари кенгайиб борди ҳамда асосий вазифалари қаторидан қуйидагилар жой олди: ҳуқуқнинг деярли барча соҳаларида қонунчилик ташаббуси билан чиқиш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти-ни бирхиллаштириш (унификациялаш) бўйича тавсияларни илгари суриш, адвокатлик фаолияти ҳамда юридик таълимнинг умумлаштирилган стандартларини ишлаб чиқиш ва ҳоказо. АҚШ Олий суди ва бошқа федерал судларнинг судьялари ҳамда Адлия вазирлигининг юқори мансабдор шахсларини лавозимларга тайинлаш ёки тасдиқлаш жараёнида Президент ва Сенат Америка юристлар уюшмасининг тавсияларини эътиборга олади [5].

Уюшма томонидан юристлик фаолиятининг касбий этика қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида 1969 йилда “Касбий фаолият жавобгарлиги тўғрисидаги намунавий кодекс” (Model Code of Professional Responsibility) қабул қилинган. 1983 йилда эса намунавий кодексни таҳрир қилувчи “Касбий хулқ-атворга оид намунавий қоидалар” (Model Rules of Professional Conduct) тайёрланди [6] ва Калифорниядан ташқари барча штатлар томонидан эътироф этилди.

1923 йилдан бошлаб АҚШ Таълим департаменти (вазирлиги) мандати остида ҳуқуқшунослик соҳасида мутахассис тайёрлайдиган олийгоҳлар АВА томонидан аккредитация қилиниши лозим, акс ҳолда, улар томонидан бериладиган диплом ва сертификатлар мамлакат бўйлаб тан олинмайди. Хусусан, уюшма томонидан аккредитация қилинган ҳуқуқ мактабларининг битирувчиларигина амалиётчи юристлик фаолиятига лицензия берувчи имтиҳонларга қўйилади.

Малакали профессор-ўқитувчилар корпусининг мавжудлиги, мутахассислик фанлари ва ўқув курсларининг машғулотлар дастурига киритилганлиги, кутубхоналарнинг ўқув-дидактик материаллар ва юридик нашрлар билан таъминланган-

лигининг минимум кўрсаткичлари, ўқув биноларининг ўқув машғулотлари учун яроқлилиги ва минимум хавфсизлик чораларининг мавжудлиги аккредитация шартлари сирасига киради.

АВА юридик нашрлар соҳасида ҳам сезиларли фаолият кўрсатади. Уюшма томонидан амалиётчи юристлар ва адвокатлар учун мўлжалланган китоблар, ҳуқуқ мактаблари билан ҳамкорликдаги илмий журналлар, масалан, “Маъмурий ҳуқуқ журнали” (Administrative Law Review) [7], “Халқаро ҳуқуқшунос журнали” (International Lawyer) [8], газеталар, масалан, “Халқаро ҳуқуқ янгиликлари” (The International Law News) [9], моддий ҳуқуқ (substantive law) соҳасидаги янгиликлар бўйича е-маълумотлар, ҳуқуқ соҳалари кесимидаги янгиликлар мунтазам нашр этиб борилади.

*Ҳуқуқ мактабларига қабул кенгаши (Law School Admission Council (LSAC))* – Қўшма Штатлар бўйлаб 200 дан ортиқ юридик таълим мактабларини бирлаштирган нодавлат нотижорат тузилма. АВА томонидан аккредитация қилинган ҳуқуқ мактабларининг барчаси унинг аъзосидир. Кенгаш 1947 йилда ташкил этилган бўлиб, қароргоҳи Ньютаун (Пенсильвания штати) шаҳрида жойлашган. Унга Канада ва Австралиядоги марказий ва маҳаллий давлат органлари томонидан эътироф этилган ёки миллий қонунчиликка мос равишда рўйхатга олинган ҳуқуқ мактаблари ҳам аъзо бўлиб кирган.

Нотижорат тузилма сифатида Ҳуқуқ мактабларига қабул кенгаши ҳуқуқ мактабларига қабул жараёнида америкалик ва чет эллик абитуриентларнинг хужжат топширишларини осонлаштиради. Абитуриент Ҳуқуқ мактабига қабул кенгаши сайтида рўйхатдан ўтгандан сўнг Маълумот йиғиш хизмати (*Credential Assembly Service (CAS)*)дан фойдаланиш имкониятига эга бўлади ҳамда Кенгашга аъзо ҳуқуқ мактабларига онлайн хужжатлар топширади.



Кенгашга аъзо бўлмаган ҳуқуқ мактаблари ҳам унинг мазкур хизматидан фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, Ҳуқуқ мактабларига қабул кенгаши томонидан ҳуқуқ мактабларига кириш учун талаб этиладиган Ҳуқуқ мактабларига кириш тестлари тўплами яратилган. Мазкур тестлар синовлари Кенгаш сайти орқали рўйхатдан ўтган абитуриентлар томонидан онлайн топширилади ва унинг натижалари сайтда эълон қилинади. Кенгаш абитуриентларни ҳуқуқ мактаблари ва дастурларига оид энг янги маълумотлар билан таъминлаб боради, тегишли тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқади, ҳуқуқ мактаблари учун таълимга оид конференциялар ташкил этади, илмий тадқиқотларга ҳомийлик қилади ва нашр ишларига кўмаклашади, маданий хилма-хиллик ва бошқа дастурлар учун грант танловлари эълон қилади [10].

Кенгаш сайтида ҳар йили ўртача 85 мингта абитуриент рўйхатдан ўтади, дунё бўйлаб 150 мингта абитуриент ҳуқуқ мактабларига кириш тестларини топширади.

Ҳуқуқ амалиёти институти (инглиз тилида *Practising Law Institute (PLI)*) – 1933 йилда Нью-Йорк штати университети васийлигида ташкил этилган нодавлат ноижорат ташкилот бўлиб, юридик соҳада узлуксиз таълимни ривожлантириш мақсадини кўзлайди [11]. Асосий қароргоҳлари Нью-Йорк ва Сан-Францискода жойлашган. Унинг асосий мақсади – юқори савиядаги иқтисодий самарадор ва инновацион дастурлар орқали амалиётчи юристлар ҳамда бошқа мутахассисларнинг касбий маҳорат ва хулқ-атвор қоидаларига мувофиқ юридик амалиётни олиб бориш, шунингдек, беғаразлик асосида ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига имкон берадиган нашрлар ва бошқа хизматлар орқали касбий салоҳиятини оширишдир.

Институт томонидан узлуксиз юридик таълим (*Continuing legal education (CLE)*) дастурлари АҚШнинг турли штатларида ҳамда Лондон, Гонгконг ва бошқа йирик шаҳарларда ташкил этилади. Мазкур дастурлар ҳуқуқ амалиётининг турли масалаларига бағишланади. Юридик фаолиятни энди бошлаган, жумладан, ҳуқуқ амалиёти билан қизиққан бошқа соҳа вакиллари ҳам дастлабки билим ва кўникмаларни тақдим этади. Институтнинг келиб чиқиши ўтган асрнинг 30-йилларидаги вазият билан изоҳланади. Ўша пайтларда, таълим олишнинг анъанавий устозшоғирд шаклидан юридик мактабларнинг аудиторияларидаги уюшган таълим олиш шаклига ўтиладиган пайтда Нью-Йорклик юрист Ҳаролд Селигсон (*Harold Seligson*) ҳуқуқ амалиётини мустақил ўрганувчилар учун “Ҳуқуқ амалиёти курслари” (*“Practising Law Courses”*) номли маърузалар туркумини эълон қилади. Мазкур туркум маърузалар кейинчалик, 1939 йилга келиб ҳуқуқ амалиёти институти шаклланишига олиб келди. Ҳуқуқ соҳасида узлуксиз таълим ва амалиёт Америка тарихидаги ислохотлар даврида муҳим аҳамият касб этди. Чунки шароитга қараб қонунларнинг тез ўзгариши ва уларни қисқа муддатда англаб олиш ҳамда ўзлаштириш эҳтиёжи унга бўлган талабни муттасил ошириб юборган эди. Айниқса, ҳуқуқнинг янги йўналишлари пайдо бўлиши ва уларни тезда ўзлаштириб олиш зарурати узлуксиз таълим равнақига кучли туртки берди.

Ҳуқуқ амалиёти институти ўз функциясини беғараз ёрдам шаклида амалга оширади. Ҳуқуқ мактабларининг эҳтиёжманд талабалари, тадқиқотчилари ва касбий амалиётни энди бошлаган юристлар учун стипендиялар жорий этади.

Ҳуқуқ амалиёти институти узлуксиз ҳуқуқий таълим (*Continuing legal education*) курсларини ташкил этишда Америка юристлар уюшмаси (ABA) ва унинг ихти-

сослашган маркази (The American Bar Association Center for Continuing Legal Education (ABA-CLE)) билан изчил ҳамкорлик қилади. Булардан ташқари, Америка ҳуқуқ институти (American Law Institute), Америка ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ маркази (The Center for American and International Law), Узлуксиз юридик таълим уюшмаси (The Association for Continuing Legal Education (ACLEA)), Узлуксиз юридик таълимни тартибга солувчилар уюшмаси (Continuing Legal Education Regulators Association (CLEreg)), бошқа хусусий тижорат ва нотижорат уюшмалар ҳам олий таълим ҳамда олий таълимдан кейинг узлуксиз таълим (малака ошириш)ни ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

#### **Тадқиқот натижалари таҳлили**

АҚШда юридик соҳадаги нодавлат уюшмалари фаолиятининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, нодавлат ноҳукумат уюшмалар мамлакатда юридик таълимни ташкил этиш ва бошқариш ҳамда олий таълим сифатини назорат қилишда олий таълим муассасаларига кўмак беради. Юридик таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва мамлакат бўйлаб бирхиллаштиришга ҳаракат қилади, илмий нашрлар учун ҳомийлик қилади.

Бу борада улар давлат идораларининг ваколатларини ўз зиммаларига олиш билан давлатнинг таълим соҳасидаги юкласини енгиллаштирган дейиш мумкин. Бунинг эвазига ҳуқуқ мактабларининг давлатга қарамлигини келтириб чиқарувчи омиллар камаяди. Натижада ҳуқуқ мактабларининг мустақиллиги суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Чунки айнан мустақил ҳуқуқ мактабларининг битирувчилари келажакда суд ҳокимияти органларида фаолият кўрсатади.

Иккинчидан, нодавлат уюшмалар олий таълим муассасаларида таълим сифатини назорат қилишда иштирок этади. Таълим сифати қониқарсиз бўлган ҳуқуқ мактаб-

ларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиши мумкин, яъни улар, масалан, Америка юристлар уюшмаси томонидан қайта аккредитация қилинмаслиги мумкин. Мазкур вазифани бажариш билан нодавлат уюшмалар олийгоҳлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Учинчидан, нодавлат касбий уюшмалар талабаларнинг таълим билан боғлиқ аудиториядан ташқаридаги фаолиятини ташкил этишда олий таълим муассасаларига кўмак беради. Миллий ва минтақавий миқёсда турли мусобақалар ташкил этиш ва уларга ҳомийлик қилиш орқали талабаларнинг касбий камолотига ёрдамлашади. Мазкур университетлараро мусобақалар миллий ва маҳаллий миқёсдаги юристлар уюшмаси, адвокатлар уюшмаси, ҳуқуқ мактаблари уюшмаси, Америка юристлар уюшмаси (ABA) каби нодавлат профессионал уюшмалар томонидан ташкил этилади, ҳомийлик қилинади ва бошқарилади. Халқаро оммавий ҳуқуқ бўйича ўтказиладиган халқаро Жессап мусобақасига Нью-Йорк шаҳрида жойлашган White & Case LLP юридик фирмаси томонидан ҳомийлик қилинади.

Тўртинчидан, касбий фаолиятга йўл олган битирувчилар ҳуқуқ мактабларидан узоқлаша бошлайди. Афсуски, ҳуқуқ мактаблари уларнинг кейинги касбий фаолиятида ўз аҳамиятларини йўқота боради. Мана шундай шароитда нодавлат ноҳукумат уюшмалар улар учун кўмакчи ролини ўйнай бошлайди. Нодавлат касбий уюшмалар битирувчиларни касбий уюшмаларга жамлайди, малака ошириш курслари ташкил этиш орқали уларга дастлабки касбий кўникмаларни ривожлантириш учун макон яратади.

Бешинчидан, нодавлат уюшмалар юридик таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Таълим соҳасида бошқарувнинг номарказлашганлиги, университетларнинг ўта мустақиллиги ва бошқа омиллар кенг миқёсдаги ҳамкорлик учун қулайлик туғ-

дирмаслиги мумкин. Нодавлат уюшмалар эса бу борада бир қатор устунликларни намойён қилади. Баъзи нодавлат уюшмаларнинг ўзи табиатан халқаро характерга эга бўлиб, уларнинг аъзолари ва қароргоҳлари дунё мамлакатлари бўйлаб кенг ёйилган. Масалан, 1964 йилда ташкил этилган Узлуксиз юридик таълим уюшмаси ўз фаолиятини Канада, Буюк Британия, Янги Зеландия, Мексика ва бир қатор Африка давлатларида олиб боради [12].

### Хулосалар

АҚШ тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, республикамизда юридик таълим тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва равнақ топтиришда нодавлат ноҳукумат ташкилотларининг ролини кучайтириш, ислоҳотларнинг барча жабҳа ва босқичларида уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш ва олийгоҳлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш

инспекциясининг улар билан баҳамжиҳат фаолияти холис ва шаффофликни янада оширади.

Юқорида таъкидланганидек, АҚШда олий юридик таълим сифати эркин касбий уюшмалар – Америка юристлар уюшмаси (American Bar Association), Америка юридик олийгоҳлар уюшмаси (Association of American Law Schools) ва бошқа нодавлат тузилмалар томонидан назорат қилинади. Назорат натижаларидан келиб чиқиб, юридик таълим муассасалари айнан мана шундай уюшмалар томонидан ҳар етти йилда бир марта аккредитация синовидан ўтказилади. Ўзбекистонда ҳам, хусусан, юридик таълим соҳасида Республика Адвокатлар палатаси, юридик касбий уюшмалар ва юридик консалтинг фирмаларни ушбу жараёнга жалб этиш мумкин. Таълим сифати назорати натижаларига асосланган рейтинг кўрсаткичлари кескин рақобат муҳитида олийгоҳларнинг таълим бозоридаги жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

## REFERENCES

1. 2021 Best Law Schools in USA. Available at: <https://www.usnews.com/best-graduate-schools/top-law-schools/law-rankings/> (accessed 17.05.2021).
2. Data from the UNESCO Institute for Statistics and the United States Institute for International Education. Available at: <http://uis.unesco.org/en/uis-student-flow>; <https://www.iie.org>; <https://www.studyinternational.com/news/country-home-largest-international-student-population/> (accessed 18.05.2021).
3. Institute of International Education (IIE). 2019 Open Doors Report on International Educational Exchange. Available at: <https://www.iie.org/Why-IIE/Announcements/2019/11/Number-of-International-Students-in-the-United-States-Hits-All-Time-High/> (accessed 29.04.2021).
4. The American Bar Association. Available at: <https://www.americanbar.org/> (accessed 20.05.2021).
5. Roscoe Pound. Legal Profession in America. Journal article. Notre Dame Law Review, vol. 19, issue 4, p. 343.
6. Model Rules of Professional Conduct - Table of Contents. Available at: [https://www.americanbar.org/groups/professional\\_responsibility/publications/model\\_rules\\_of\\_professional\\_conduct/model\\_rules\\_of\\_professional\\_conduct\\_table\\_of\\_contents](https://www.americanbar.org/groups/professional_responsibility/publications/model_rules_of_professional_conduct/model_rules_of_professional_conduct_table_of_contents) (accessed 23.05.2021).
7. The Administrative Law Review (ALR). Available at: <http://www.administrativelawreview.org/> (accessed 27.05.2021).

8. The International Lawyer. Available at: <https://www.jstor.org/journal/internatlwyer/> (accessed 27.05.2021).

9. International Law News. Available at: [https://www.americanbar.org/groups/international\\_law/publications/international\\_law\\_news](https://www.americanbar.org/groups/international_law/publications/international_law_news) (accessed 27.05.2021).

10. About the Law School Admission Council. Available at: <https://www.lsac.org/about> (accessed 28.05.2021).

11. Practising Law Institute. Available at: <https://www.pli.edu/> (accessed 28.05.2021).

12. ACLEA, the Association for Continuing Legal Education, is a dynamic organization devoted to improving the performance of CLE professionals. Available at: <https://www.aclea.org/page/about> (accessed 26.05.2021).



UDC: 341.96:343.91(042)(575.1)  
ORCID: 0000-0003-0356-4293

## PROSECUTOR'S SUPERVISION OF THE IMPLEMENTATION OF LAW ON MUTUAL LEGAL ASSISTANCE IN CRIMINAL MATTERS

**Valijonov Daler Dilshodovich,**  
Senior Lecturer of the Department of  
International Law and Human Rights  
Tashkent State University of Law,  
e-mail: valijonov.daler@mail.ru

**Abstract.** *This article focuses on the issues of international cooperation of prosecutors' offices on provision of legal assistance in criminal matters. Besides, the article is dedicated to the matters concerning the cooperation of prosecutor offices in terms of fighting against crime within the regional scope of international organizations. In particular, in this scientific research, proposals were made to improve the withdrawal system of international fugitive biometric passports. The author's comparative analysis on international conventions, declarations and legislation of foreign countries reflected the specifics of this article. Moreover, the relevance of the research topic lies in the fact that the commission of such crimes is characterized by the use of modern technical means and high-tech facilities of air and land transport, a high transcontinental level of organization and large financial support, including illegal financial sources. The negative outcome of such activities is due to a significant increase in the number of serious crimes of a transnational nature. The lack of adequate legal cooperation between states leads to the emergence and spread of negative situations when criminals, committing a crime in one state, illegally cross the borders of another in order to avoid the administration of justice and prosecution. The problem of detecting, investigating and preventing such crimes within the framework of international cooperation in criminal matters is the most pressing today.*

**Keywords:** *international cooperation, legal assistance, criminal prosecution, extradition, regional organizations, digital globalization, digital integration.*

### ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗARO ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

**Валижонов Далер Дилшодович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”  
кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** *Мақолада прокуратура идорасининг жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, мақола халқаро ташкилотларнинг минтақавий доирадаги жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик фаолиятига оид масалаларга бағишланган. Жумладан, ушбу илмий тадқиқот ишида халқаро қидирувдаги шахслар биометрик ҳужжатларини бекор қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган. Муаллифнинг халқаро конвенциялар, декларациялар ва хоризжий мамлакатлар қонунчилиги бўйича қиёсий таҳлилида ушбу илмий мақоланинг ўзига хос хусусиятлари акс этган. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги шундаки, бундай жиноятлар содир*

этилиши замонавий техник воситалар ҳамда ҳаво ва ер транспортининг юқори технологияли объектлари, юқори трансконтинентал даражадаги ташкилот ва кўплаб молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан, ноқонуний, молиявий манбалардан фойдаланиш билан тавсифланади. Бундай жараёнларнинг салбий натижаси оқибатида трансмиллий характердаги оғир жиноятлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши билан изоҳланади. Давлатлар ўртасида лозим даражадаги ҳуқуқий ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги жиноятчилар бир давлатда жиноят содир этиб, одил судлов ва прокуратура органларининг таъқибидан қочиш мақсадига ноқонуний равишда бошқа давлат чегараларини кесиб ўтиши салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига олиб келади. Жиноятчиликка қарши курашиш масалаларида халқаро ҳамкорлик доирасидаги бундай жиноятларни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш муаммоси бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, ҳуқуқий ёрдам, жиноий жавобгарликка тортиш, экстрадиция, минтақавий ташкилотлар, рақамли глобализация, рақамли интеграция.

## ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ВЗАИМНОЙ ПРАВОВОЙ ПОМОЩИ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ

**Валижонов Далер Дилшодович,**  
старший преподаватель кафедры

«Международное право и права человека»

Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы международного сотрудничества органов прокуратуры по оказанию правовой помощи в уголовной сфере. Кроме этого, данная статья посвящена вопросам взаимодействия органов прокуратуры по борьбе с преступностью в рамках региональных международных организаций. В рамках данного научного исследования были проанализированы предложения по улучшению системы разыскиваемых лиц, а также по приостановлению действия биометрических паспортов. Сравнительный анализ автора по международным конвенциям, декларациям и законодательству зарубежных стран послужил отражением специфики настоящей статьи. Актуальность темы исследования обуславливается тем, что совершение таких преступлений характеризуется использованием современных технических средств и высокотехнологичных объектов воздушного и наземного транспорта, высоким трансконтинентальным уровнем организации и реальной поддержкой множества финансовых источников, в том числе и нелегальных. Прогнозируемым результатом такой деятельности стало значительное увеличение числа тяжких преступлений, имеющих транснациональный характер. Отсутствие надлежащего правового сотрудничества между государствами, приводит к появлению и распространению опасной практики, когда преступники, совершая преступление в одном государстве, незаконно пересекают границы другого в целях избежать осуществления правосудия и привлечения к уголовной ответственности. Проблема раскрытия, расследования и предупреждения таких преступлений в рамках международного сотрудничества по уголовным делам сегодня является наиболее актуальной.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, правовая помощь, органы прокуратуры, региональные организации, цифровая глобализация, перспективы цифровой интеграции.

### Introduction

The Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutor’s Office” (new edition) for the first time endowed the Prosecutor’s Office,

represented by the General Prosecutor’s Office of the Republic of Uzbekistan, with significant powers to implement international legal cooperation.

The General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, within its powers, carries out direct communications with the relevant competent authorities of foreign states and international organizations in the field of criminal proceedings, concludes agreements on legal assistance and the fight against crime, and participates in the development and approval of draft international treaties.

Along with the Law "On the Prosecutor's Office," the main forms of international cooperation of prosecutors are listed in international treaties on cooperation in criminal proceedings, agreements of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan with the competent authorities of foreign states, and requests for legal assistance or the initiation of a criminal case received from the competent bodies of foreign states.

It can be stated that the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan actively participates in cooperation with foreign states in transferring criminal proceedings: annually the Office receives up to 100 foreign criminal cases with requests to prosecute citizens of the Republic of Uzbekistan for acts committed by them on the territory of these countries, and about 50 cases are sent abroad to bring to justice foreign citizens who have committed crimes on the territory of the Republic of Uzbekistan.

### Materials and Methods

International cooperation in combating crime is one of the priority areas of foreign policy of states. It should be noted that, in an effort to ensure the safety of a person and a citizen on the territory of their states from criminal encroachments and to protect state interests, most countries of the world interact in the field of criminal justice on the basis of international multilateral and bilateral treaties and agreements, as well as the principle of reciprocity.

According to scientific research, such interaction enables to provide various types

of legal assistance in criminal cases, transfer criminal proceedings, request extradition and extradite persons for criminal prosecution or execution of a sentence, as well as transfer persons suffering from mental disorders to conduct compulsory treatment [1, p. 56].

For the purpose of cooperation in criminal matters, states communicate with each other through their competent authorities, which they determine independently, based on their powers. The identification of these bodies is of great importance for the successful implementation of the provisions of international treaties and national legislation in the fight against crime, as well as the protection of the rights of both the victim and the accused (suspect) [2, pp. 253-262].

Speaking about statistics in this direction, it should be emphasized that as a result of the consolidated measures taken to prevent offenses, in 2017 the number of registered crimes decreased by 16% (87412-73692) compared to 2016, and in 11 months of 2019 compared to the same period of 2018 – by 37 percent (67345-44 885).

At the same time, one of the problems in ensuring the inevitability of responsibility is the evasion of the accused or the defendant person from inquiry, investigation and trial [3, p. 45].

Statistics show that in 2015 10.8 thousand people were detained out of 22.9 thousand wanted persons (47.2%), in 2016 – 11.2 thousand out of 23.6 thousand (47.5%), in 2017 – 6.7 thousand out of 18.6 thousand (36%), for 11 months of 2018 – 3.7 thousand out of 13.3 thousand (27.7%). As of November 1, 2018, 8322 persons were on the wanted list, of which 2451 persons (29.5%) were wanted for committing a less serious crime that does not pose a great public danger, and 5871 persons (70.5%) – for committing misdemeanors and especially severe crimes as felonies.

Of those fugitives, 265 have been on the wanted list for more than 20 years, 813 for 15 to 20 years, 1,023 for 10 to 15 years, 1,935 for 5 to 10 years and 4,286 for up to 5 years; in respect of 7,716 people, a preventive measure was applied in the form of detention and 606 are under a signature on good behavior.

Based on available information, 5335 (64%) of the wanted fugitives are currently outside the Republic of Uzbekistan (4 persons – in Belarus, 11 – in Ukraine, 90 – in EU countries, 1,358 – in Arab countries, 1,444 – in the states of Central Asia, 2,236 – in Russia and 192 – in other countries). Thus, during 2015-2017 and for 11 months of 2018, for the extradition of 1,453 (361 - 364 - 382 - 346) persons to the Republic of Uzbekistan more than 27 billion sums were spent from the state budget.

In addition, due to restrictions in the legislation of foreign countries, there is no possibility of extradition of fugitives if the committed act is not a criminal offense in the country of residence, the adoption of another citizenship and the absence of a preventive measure in the form of detention [4, p. 223].

### Results of Research

Therefore, as of 11/01/2018, there are problems with the extradition of 40 wanted persons because the committed act is not a criminal offense in the country of stay, 64 – there is no preventive measure in the form of detention and 246 – received the citizenship of the host country.

In accordance with the provisions of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan on the procedure for interaction of courts, prosecutors, investigators and bodies of inquiry with the relevant competent authorities and officials of foreign states and international organizations, the functions of the prosecutor's office in matters of providing legal assistance have significantly increased.

For example, under Article 458 of the Criminal Procedure Code of the Republic of

Uzbekistan, the direction of criminal case materials for the implementation of criminal prosecution in the event of a crime committed on the territory of the Republic of Uzbekistan by a foreign citizen who later found himself outside its borders is carried out only through the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan.

Accordingly, the request from the competent authority of a foreign state for the implementation of criminal prosecution against a citizen of the Republic of Uzbekistan who has committed a crime on the territory of this state is handled through the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan.

In some cases, in order to implement international legal document, domestic legal acts may be adopted, prescribing its implementation to law enforcement agencies [5, pp. 157-159].

In a number of CIS countries (Republic of Kazakhstan, Russian Federation, Kyrgyz Republic, Republic of Tajikistan, Turkmenistan, Republic of Uzbekistan, Republic of Azerbaijan) the powers to make a decision on extradition and Prosecutor General's Offices of States are endowed with requests for extradition.

In some CIS countries, two or more authorities are designated as competent authorities for extradition matters.

In the course of international cooperation in this area, other problems arise. Therefore, for example, when criminal cases come from foreign states, difficulties arise in calculating the period for the investigation [6, p. 11].

Since there are differences (sometimes significant) in the national legislation of the parties, when sending a criminal case, it is required to focus on the procedural decision, which served as an analogue of the decision to initiate a criminal case.

This allows one to determine the stage of criminal proceedings in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan.



Often the suspect (accused) has dual citizenship. However, according to the legislation of the Republic of Uzbekistan, a petition for criminal prosecution against a citizen of the Republic of Uzbekistan cannot be sent to another state.

After a final decision on a criminal case, the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan checks the legality of this decision (including the verdict of the court). After which, based on the provisions of an international treaty, the competent authority of the requesting party is informed, at the same time a copy of the procedural decision is sent.

In case of disagreement with the decision taken, the criminal case is sent for additional investigation or for a new trial [7, p. 18].

The current state of cooperation between the competent authorities of foreign states in the implementation of criminal prosecution indicates mutual trust and the desire to increase its effectiveness [8, pp. 124-126].

Issues related to the implementation of criminal prosecution are relevant and are constantly discussed in the course of international events with the competent authorities of foreign states [9, p. 30].

At present, the problem of international cooperation in the fight against crime is of particular relevance. This is due to the fact that crime is increasingly becoming interstate in nature. In other words, globalization has been realized to the greatest extent in the criminal sphere of life of states [10, p. 108].

This applies, first, to such dangerous phenomena such as terrorism, human trafficking, drug trafficking, but also to more "daily" crimes, the so-called general criminal orientation: murder, rape, bodily harm, etc.

In this regard, international cooperation of law enforcement agencies of various states among themselves is becoming more and more important.

The goals of establishing such cooperation may be several, as well as the tasks that law

enforcement agencies solve in the process of their implementation.

The main goal of all states trying to fight crime is to identify and punish criminals, wherever they are, in their own country or abroad [11, p. 67].

In this regard, treaties concluded between states in the field of combating crime are of paramount importance.

Such treaties can be considered international treaties in the form of conventions signed by most states, in particular European ones, as well as bilateral agreements on the provision of legal assistance between law enforcement agencies of specific states [12, p. 90].

Considering the advantages and disadvantages of both, some research shows that the extradition of persons to a foreign state for criminal prosecution or execution of a sentence is one of the most common examples of international legal cooperation in the fight against crime and one of the most controversial issues.

The problem of applying a preventive measure to ensure the possibility of such extradition is directly related to it. There are many contradictions and inconsistencies in the application of preventive measures and the extradition of criminals. There is no single scheme in this matter [13, pp. 12-17].

Thus, the legal assistance provided in accordance with international treaties in practice sometimes raises many questions. In this regard, it becomes possible to solve them with the help of intergovernmental agreements on cooperation between law enforcement agencies of various states in the fight against crime and agreements on cooperation and legal assistance of an interdepartmental nature [14, p. 77].

Such agreements have been concluded by law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan with many law enforcement agencies of other states. However, not all of them work clearly and quickly, and many of them cease to be effective without prior notice.

The latter is directly related to the agreement between the law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan and the Ukrainian law enforcement agencies; a similar agreement between the Republic of Uzbekistan and Latvia does not work effectively enough. Once again, we have to state that the political interests of one or another state prevail over the realization of the rights and legitimate interests of ordinary citizens, even if they have committed crimes. By not returning such persons because of political sympathies or antipathies to their country, the leadership of these states violates not only the rights of these persons, even if they have committed a crime, but also the rights of their relatives and friends, who are deprived of the opportunity to find a relative or loved one [15, pp. 215-223].

There are two solutions to this situation. The first suggests itself in connection with the analysis of the practical application of multilateral agreements in the field of combating crime [16, p. 104]. These agreements contain a large number of discrepancies and contradictions, references to national legislation, which has its own characteristics in each country [17, pp. 375-414].

### **Analyzing Research Results**

It is impossible to bring the procedures for extradition and restraint of criminals in different countries to uniformity. There remains a second way – to work on bilateral agreements. Nevertheless, as practice has shown, it does not always give a positive result. In this regard, it is necessary to bring our legislation in the field of international cooperation in combating crime to a more perfect form and specificity in order to extradite both our and foreign criminals with minimal loss of time and effort [18, pp. 108-111].

In my opinion, all the activities of law enforcement agencies to conclude both bilateral and multilateral international treaties in the field of combating crime

should be accumulated in the prosecutor's office.

Summing up the above, it should be noted that in the conditions of widespread international criminal activity in order to increase the effectiveness of the fight against it, it is necessary to adopt a law supplementing the current Law of the Republic of Uzbekistan "On the Prosecutor's Office" with a new section devoted to the international interaction of prosecutors to ensure protection of human and civil rights and freedoms, and combating crime and other offenses.

The adoption of this law would increase the legal status of the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan in countering international crime and strengthen measures to combat it by our state.

In addition, in the field of international crime prevention, an essential part of which is the issue of extradition criminals and the suppression of crime, considerable attention should be paid to bilateral government agreements between states.

Analysis of the above legislative acts allows us to conclude that the main forms of international cooperation of the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan in the field of criminal proceedings are:

1. Protection of civil rights and legitimate interests in the course of international cooperation in the field of criminal proceedings.

2. Organization and ensuring the appropriate execution of requests for legal assistance in criminal cases received from abroad and sent to foreign states.

3. Criminal prosecution of citizens of the Republic of Uzbekistan who have committed crimes on the territory of foreign states.

4. Extradition of foreign citizens staying on the territory of the Republic of Uzbekistan who have committed crimes on the territory of foreign states.

5. Participation in the development of international multilateral and bilateral treaties

and agreements on the problems of combating crime and providing legal assistance.

6. Conclusion and immediate realization of international treaties on mutual legal assistance in civil, family, criminal matters.

7. Consultations on legal issues.

8. Exchange of specialist delegations for the transfer of experience.

9. Conducting scientific and practical conferences, seminars, meetings of the heads of the prosecutor's offices on the fight against crime.

International cooperation of law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan with foreign states is one of the priority directions in the activities of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan. Modern crime has taken on qualitatively new forms, its self-serving orientation has increased, the number of crimes with international connections has significantly increased, and an increasingly common are international criminal groups whose members are citizens of the Republic of Uzbekistan.

Thus, the tendencies of its development predetermine the need to create new effective mechanisms of international cooperation in the field of criminal justice.

According to the research work, it is advisable to note that increasing the coordination of law enforcement agencies in this area requires, and the implementation in practice of the principle ensuring the inevitability of punishment for a committed crime [19, p. 145]. In this regard, it is currently topical to improve practical interaction in one of the most important types of international cooperation in criminal proceedings – the implementation of criminal prosecution, contributing to the implementation of the principle of inevitability of punishment for a committed crime.

Interaction on it with foreign partners is the exclusive competence of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan.

